

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

Г. С. ТАСТАНБЕКОВА

ҲУҚУҚНИ ШАРҲЛАШ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАММА

ТОШКЕНТ – 2016

Т а қ р и з ч и л а р :

юридик фанлар номзоди, доцент *М. К. Нажимов*;
юридик фанлар номзоди, доцент *Н. П. Азизов*

Тастанбекова Г. С.

Т 25 **Ҳуқуқни шарҳлаш: Ўқув қўлланма.** – Т.: Ўзбекистон
Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 102 б.

Қўлланмада **ҳуқуқни шарҳлашнинг моҳияти, мазмуни, усуллари, турлари ва хажми, ҳуқуқни татбиқ этишда шарҳлашнинг ўрни ва ролига** оид масалалар ёритилган.

Қўлланма давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда конституциявий ҳуқуқ фанларини ўзлаштиришда ёрдам беради ва мавжуд адабиётларни тўлдиришга хизмат қилади.

Тингловчи-курсантлар, бакалаврият ва магистратура босқичи талабалари, катта илмий ходим изланувчилар, мустақил тадқиқотчилар ва юридик таълим муассасаларининг ўқитувчиларига, мутахассисларга, шунингдек давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ фанларини ўрганувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

ББК 67я73

СЎЗ БОШИ

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари, айниқса сиёсий, иқтисодий жабҳалари, жамият ва давлат бошқаруви органларининг фаолиятини ислоҳ қилиш орқали амалга оширилмоқда. Хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, тўғри ва самарали қўллаш ҳуқуқий тизимни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Шу боис ушбу қўлланмада Ўзбекистон Республикаси юридик амалиётида қонунчилик ҳужжатларини шарҳлаш фаолияти, унинг ҳуқуқни амалга ошириш жараёнига таъсири, ҳуқуқни қўллаш жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш, уларнинг асл маъносини англаш ва тушунтириш механизмини ёритишга ҳаракат қилинган.

Бунинг сабаби мавжуд юридик ўқув адабиётларида, қолаверса илмий адабиётларда ҳам «ҳуқуқни шарҳлаш» тушунчасининг моҳияти, ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиришга таъсири, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти учун аҳамияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлашнинг ўзига хос жиҳатлари ва бошқа бир қатор масалалар аниқ ёритилмаган. Хусусан, ҳуқуқий тизим тараққиётининг ҳозирги босқичида амалдаги қонунларнинг тўғри ва аниқ қўлланиши уларнинг тўғри ва тўлиқ шарҳланишига боғлиқлиги, бунинг учун ҳуқуқ тизими соҳалари ўртасидаги ўзаро алоқалар етарли даражада эмаслиги, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ноаниқликлар кўплиги, қонунчилик техникасида камчиликларга йўл қўйилаётгани ва бошқа сабаблар етарли кўрсатиб берилмаган.

Шу боис ушбу қўлланмада ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлашнинг хусусиятлари, унинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилишга ҳаракат қилинган. Ҳуқуқни шарҳлаш назариясининг ушбу жиҳатлари юзасидан ўтказилган тадқиқотлар асосида юридик амалиётнинг самарадорлигини оширишга, талабга мувофиқ ва амалий таъсир кучига эга норматив асос яратиш учун имкон берадиган ҳуқуқий шарҳлаш ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Бу борадаги билимлар эса ҳуқуқий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ва мамлакатни модернизация қилиш ҳамда тараққий эттиришни таъминлашга хизмат қилувчи ҳуқуқшунослар билимини чуқурлаштиришга хизмат қилади.

КИРИШ

Ҳуқуқни қўллаш мураккаб ва серқирра жараён бўлиб, у орқали ҳуқуқий нормалар муайян ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатади. Маълумки, қонун чиқарувчи учун жамиятда юз берадиган барча муносабатларни қонун тилида ифодалаш маълум бир қийинчиликлар туғдиради. Шу боис у энг умумий ҳолатларнигина қонун орқали ифодалайди. Шундай экан, ҳуқуқ субъекти хулқ-атвор қоидаларини қўллаш жараёнида бошқа мақбулроқ юридик воситалардан фойдаланиши лозим бўлади.

Ҳуқуқни шарҳлаш – ана шундай воситалардан биридир. Бинобарин, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини ҳам, ҳуқуқни қўллаш фаолиятини ҳам ҳуқуқни шарҳлашсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

«Айрим қонунчилик ҳужжатларининг йўқлиги, борларининг ҳам гоҳо нотўғри, қонунга хилоф тарзда талқин қилиниши баъзи қонунларнинг самара бермаётганига сабаб бўлмоқда. Қонунчиликнинг мавжуд тартиботидаги жиддий камчиликни ана шунда деб биламан»¹, – деган эди бу масалада республикамизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов. Айнан ҳуқуқни шарҳлаш ҳуқуқ нормаларини ҳаётга тўғри татбиқ этиш учун уларнинг асл вазифаси ва талабларини аниқлаш имконини беради. Бунда ҳуқуқ нормасининг мақсад ва мазмунига муайян мезонлар асосида баҳо берилади. Ҳуқуқ нормаларини ҳаётга татбиқ этувчи субъектлар уларнинг тўғри қўлланилишига эришиш учун ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги фактларга мустақил баҳо бериш орқали мазкур нормаларни шарҳлайди, бу эса ҳуқуқни қўллашга ижодий ёндашувни ифодалайди.

Бинобарин, баъзан юридик адабиётларда бошқача фикр билдирилса-да, аслида, ҳуқуқни шарҳлаш юридик амалиёт учун зарур фаолиятдир. У тегишли шароитларда унга маълум даражада барқарорлик бағишлайди, айрим ҳолларда эса норматив-ҳуқуқий расмиятчилик натижасида юзага келадиган зиддиятларни бартараф этишга имкон беради. Чунки, формал муайянлик ҳуқуққа аниқлик бағишласа, ҳуқуқни шарҳлаш мослашувчанлик ва ҳаракатчанлик бахш этади.

¹ Каримов И. А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари // Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т., 1997. – Б. 126.

Ҳуқуқни шарҳлаш ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам, назария даражасида ҳам қонун ҳужжатларининг такомиллашувига хизмат қилади. Бунга ҳуқуқ нормаларидаги камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар бериш орқали эришилади.

Ҳуқуқни шарҳлашнинг ҳуқуқ нормалари мазмунини тўғри тушуниш ва тушунтириш сифатидаги мазкур талқинининг аҳамияти яна шу билан боғлиқки, қонунчиликдаги камчиликларнинг таҳлилини, уларни бартараф этишга оид таклифларни деярли барча илмий ишлар (мақола, монография ва диссертациялар) ҳамда илмий-амалий тадбирлар (мониторинг, илмий конференция кабилар)да учратиш мумкин. Буларнинг барчаси қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштиришга кўмаклашади. Юқорида баён этилганлар ҳуқуқни шарҳлаш масалаларини ўрганиш назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам муҳимлигидан далолат беради.

Ҳуқуқ нормаси яратиш, уни мазмунан бойитиб, ҳуқуқ мавжудлигининг ташқи шаклларида акс эттириш ва амалга оширишда бошқа-бошқа восита ва усуллардан фойдаланилса, ҳуқуқий тартибга солишда айнийлик принципи бузилади ва у ё ўз самарадорлигини йўқотади, ё ички зиддиятларга эга бўлади. Шу маънода, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш муаммосинигина эмас, балки умуман ҳуқуқда, ҳуқуқий тартибга солишнинг турли даражаларида ҳуқуқни шарҳлаш муаммосини ҳам ўрганиш талаб этилади.

Аммо шарҳлаш ҳам турли оқибатларга олиб келиши мумкин. Ҳуқуқни шарҳлаш ва қўллаш фаолиятида ҳуқуқ нормаларининг мазмунини тушуниш ва тушунтиришда юзага келадиган қийинчиликлар мазкур ҳуқуқий категорияни таҳлил қилишни талаб этади.

Қонун тўғри тушунилиши ва аниқ бажарилиши учун, аввало, унинг матни юридик техника қоидаларига мувофиқ шакллантирилиши лозим. Бу эса унинг баён этилиш шакли доимо унда мужассамлашган мазмунни аниқ ва бир маънода қабул қилишга имкон беришини англатади. Бунда *бир маънолили*к уни қонун чиқарувчи орган ҳам, ҳуқуқни қўлловчи субъект ҳам, оддий фуқаро ҳам бир хилда тушуниши ва изоҳлашини билдиради.

I боб.

ҲУҚУҚНИ ШАРҲЛАШ АСОСЛАРИ

1-§. Ҳуқуқни шарҳлаш категориясининг шаклланиши, моҳияти ва мазмуни

Ҳар бир ҳуқуқ нормаси маълум бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар кўп бўлса-да, аммо уларнинг ҳаммаси ўзига хос жиҳатларига ҳам эгадир.

Ҳуқуқ нормалари умумий ва мавҳум хусусиятга эга бўлиб, кенг доирадаги субъектлар ва турли вазиятларга нисбатан амал қилади. Ҳуқуқ нормаларини қўллашда уларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб олиш, тушунтириб бериш борасида кўплаб саволларга жавоб топишга тўғри келади. Уларга жавобни фақат ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш орқали олиш мумкин бўлади. Шарҳлаш жараёнида ҳуқуқ нормаларининг умумий ва мавҳум хусусиятлари, шунингдек муайян вазиятдаги ҳуқуқий ихтилоф ойдинлашади.

Ҳуқуқни шарҳлаш масаласи замонавий ҳуқуқшуносликнинг энг долзарб мавзуларидан бири бўлиб, махсус юридик категория сифатида алоҳида маънога эга. У ҳуқуқнинг амал қилишини ифодаловчи ҳуқуқий категориялар тизимида махсус ўрин эгаллайди. Ҳуқуқ нормасининг мазмуни тегишли ижобий ҳуқуқ манбаида мустақкамланади. Ҳуқуқни қўллашда унинг умумий маъноси тегишли тарзда муайян ҳаётий шарт-шароитга нисбатан аниқлаштирилади. Бу жараён ҳуқуқни шарҳлаш орқали амалга оширилади.

Ҳуқуқ нормасини ҳуқуқий муносабатларга татбиқ этишдан аввал унинг маъно ва мазмунини тўғри англаш лозим. Бу эса уни қўлловчидан тегишли юридик малака талаб қилади. Шу боис ҳуқуқий нормаларни амалда тўғри татбиқ этиш учун кўпинча уларни шарҳлаш, изоҳлаш зарур бўлади.

Умуман олганда, «шарҳлаш» тушунчаси инсоният томонидан яратилган турли моддий ва номоддий нарса-ҳодисаларни изоҳлашни англатади. Жумладан, моддий маданият объектлари бўлган санъат асарларини шарҳлаш ёки ёзма манбалар матнини талқин этиш бунга мисол бўла олади. Ёзма ҳуқуқий манбалар матнини изоҳлаш «ҳуқуқни шарҳлаш» ибораси орқали ифодаланади.

«Шарҳлаш» категорияси кенг ва тор маъноларда талқин этилиши мумкин. Кенг маънода у табиий ёки ижтимоий ҳодисаларни тушунтиришга қаратилган ҳар қандай билиш жараёнини билдирса, тор маънода сўз, ибора, ифода ва рамзларнинг, яъни табиий ёки сунъий тил белгиларининг аниқлаштирилишини англатади. Ижтимоий фанларда «шарҳлаш» атамаси «талқин қилиш», «изоҳлаш», «тушунтириш» сўзларининг синоними тарзида қўлланилади¹.

Демак, шарҳлаш ёзма манбалардан фойдаланадиган барча фанларга тегишли бўлса-да, юридик фанда алоҳида ўрин тутади. Қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар матнидаги сўз ва ибораларни юридик жиҳатдан талқин этиш ва тушуниб олиш айниқса катта амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирги замон ҳуқуқшунослигида ҳуқуқни шарҳлаш герменевтика* тарзида талқин этилмоқда². «Герменевтика» юнонча сўз бўлиб, қадимги диний ва тарихий матнлар, адабий ёдгорликларни шарҳлаш санъати, матнларни изоҳлаш қоидалари сингари бир қанча ўзаро яқин маъноларни англатадики, уларнинг умумий асосини – «тушунарли қилиш», «инсон онгига етказиш» ташкил этади³.

Герменевтика матнларни шарҳлаш санъати сифатида кўп асрли тарихга эга. Герменевтика муаммолари бўйича файласуфлар, адабиётчилар, санъат намояндалари, ҳуқуқшунослар тадқиқот олиб борганлар. Герменевтика антик даврда вужудга келиб, ўрта асрларда ривожлантирилган, XIX–XX асрларда Ф. Шлейермахер, В. Дильтей, М. Хайдеггер, Х. Г. Гадамер, Э. Бетти, П. Рипер томонидан ўрганилган.

¹ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Х. Т. Одилқориев таҳрири остида. – Т., 2009. – Б. 424.

* Гермес – қадимги юнон мифологиясига кўра, илоҳий кўрсатмаларни инсонларга тушунтириш, худо ва инсонлар ўртасида воситачи бўлиш топширилган худонинг номи.

² Қаранг: *Ионин Л. Г.* Понимающая социология. – М., 1979; *Кузнецов В. Г.* Герменевтика и гуманитарное познание. – М., 1991; *Суслов В. А.* Герменевтический аспект законодательного толкования // *Правоведение.* – 1997. – № 1; ва бошқ.

³ Қаранг: *Овчинников А. И.* Юридическая герменевтика как правопонимание // *Теория права и государства.* – С. 160; *Суслов В. А.* Герменевтика права // *Правоведение.* – 2001. – № 5. – С. 5

Шарҳловчи ва шарҳланаётган матн – иккита алоҳида нарса, аммо унинг моҳияти битта: «Ҳар қандай тушуниш, охир-оқибат ўзини ўзи тушунтиришдир»¹.

Ҳуқуқни шарҳлаш ҳуқуқ нормаларининг маъносини билиб олишгагина йўналтирилмаган, балки ҳуқуқ нормаларининг мазмун-моҳиятини тушуниб олишни ҳам, тушунтириб беришни ҳам қамраб олади. Шу боис, **шарҳлаш** – ҳуқуқнинг мазмунини аниқлаш ва тушунтириб беришдан иборат мураккаб ижодий жараён бўлиб, ҳар икки жиҳатнинг уйғунлигида намоён бўлади.

Бунда **тушуниш** деганда шарҳланаётган қонданинг асл мазмунини аниқлаш, мушоҳада этиш ва асослашдан иборат билиш жараёни англашилади. **Тушунтириш** эса шарҳланаётган нормани тегишлича тушуниш натижаларини кўпчилик фойдаланиши учун ташқи манбада махсус ифодалаш шаклидир².

Шарҳлаш энг умумий ва мавҳум ҳуқуқ нормаларини жамиятда вужудга келадиган алоҳида муносабатларга татбиқ этиш эҳтиёжи туфайли юзага келади. Қонун чиқарувчи идора норматив кўрсатмаларни шакллантирар экан, келажакда ижтимоий ҳаётда юзага келиши эҳтимол тутилган муайян ўзгаришларни назарда тутаяди, аммо бу ўзгаришлар турли шароитларда турлича намоён бўлади. Шу боис ҳар бир алоҳида ҳолатда нормани тегишли шароитга қўллаган ҳолда шарҳлаш эҳтиёжи юзага келиши мумкин.

Шундай қилиб, ижтимоий ҳаётда ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш зарурати юзага келади. Зеро, ҳуқуқни шарҳлаш натижасида унинг мазмуни, ижтимоий вазифаси, амалий аҳамияти аниқланади, англаб етилади ва тушунтириб берилади.

Шарҳлаш деганда, бир томондан, белгилар тизимини тушунтиришга қаратилган муайян фикрлаш (билиш) жараёни, бошқа томондан эса ушбу жараённинг табиий тилда ифодаланиши ҳамда мазкур тизимга муайян маъно бағишлайдиган натижаси тушунилади. Ҳуқуқни шарҳлаш унинг умумий нормасини айнан юридик жиҳатдан ҳал қилиниши лозим бўлган ҳар бир алоҳида вазиятга қўллаган ҳолда батафсил тушунтириш орқали қонун чиқарувчи органнинг иродасини аниқлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

¹ Гадамер Х. Г. Истина и метод: Основы философской герменетики. – М., 1988. – Б. 312.

² Ўша манба. – Б. 493.

Ҳуқуқни қўлловчи субъектлар ҳуқуқ нормаларини танлар эканлар, уларнинг мазмун-моҳиятини аниқлаб олишлари керак бўлади. Бунда ҳуқуқни қўлловчи давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлашлари қўл келади.

Шундай экан, **ҳуқуқни шарҳлаш** – ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш мақсадида уларнинг мазмунини аниқлаш ва тушунтиришдан иборат ақлий фаолиятдир. Бундай фаолият билан давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотлари ва алоҳида фуқаролар шуғулланади.

Шундай қилиб, англаш турларидан бири бўлган ҳуқуқни шарҳлаш мураккаб фикрлаш жараёни бўлиб, объектив дунёни англашга, унинг ҳақиқий манзарасини очиқ беришга хизмат қилади.

Ҳуқуқни шарҳлашнинг икки жиҳати мавжуд:

1) *ҳуқуқнинг маъносини аниқлаш ва тушуниш*. Бу шахснинг ҳуқуқ нормасини англаши ва ўрганиши жараёни бўлиб, бунда шахс ҳуқуқ ҳақида дастлабки тасаввурга эга бўлади, унга доир маълумотларни ўзлаштиради;

2) *ҳуқуқ нормасининг мазмунини тушунтириб бериш*. Бу тегишли давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мужассамлашган давлат иродасини ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа иштирокчиларига баён этиш ва тушунтиришга қаратилган махсус фаолиятдир¹.

Яқин ўтмишда мазмуни мавҳум бўлган қонунларгина шарҳланиб, янги қоидаларни шарҳлаш тақиқланган эди. Аммо академик В. С. Нерсисянц агар шарҳловчи субъект шарҳлаш орқали янги қоида ўрнатмаса, мавжуд қоидани ўзгартирмаса ёки бекор қилмаса, шарҳлашни чекламаслик керак, деган фикрни билдирганидан кейин ҳуқуқнинг мазмуни қонун сифатида расмийлаштирилишидан аввал тушуниб олиниши, ҳуқуқ, шунингдек алоҳида ҳуқуқ нормасининг мазмуни у татбиқ этилишидан олдин аниқлаштирилиши шарт, деган хулосага келинди². Шундай экан, шарҳлаш натижасида янги норма

¹ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Х. Т. Одилқориев таҳрири остида. – Т., 2009. – Б. 424–425.

² Қаранг: Проблемы общей теории права и государства. – М., 2008. – С. 444.

вужудга келмаса, у ўзгартирилмаса ёки унга қўшимча киритилмаса, ҳар қандай нормани шарҳлаш мумкин.

Ҳуқуқни шарҳлаш борасида тўпланган билим ва таълимотлар *шарҳлаш назарияси яратилишига* олиб келди. Ҳуқуқни шарҳлаш назарияси шарҳлаш орқали кечадиган фикрлаш жараён бўлиб, бунда шарҳловчи субъект шарҳлашнинг маълум усул ва қоидалари асосида ҳуқуқ нормаларининг мазмун-моҳиятини очиб беради.

Шарҳлаш назариясининг ривожланиши бир қанча босқичларни босиб ўтган. *Статик шарҳлаш назарияси* ҳуқуқни қўлловчи органлар олдида ҳуқуқнинг барқарорлигини таъминлаш вазифасини, *динамик шарҳлаш назарияси* тарафдорлари эса амалдаги ҳуқуқ нормаларининг ҳаётийлигини таъминлаш мақсадини қўяди.

Шарҳлашнинг *объекти* – қонунлар ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, *предмети* эса қонун чиқарувчининг қонунда ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган амри (иродаси)дир. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш зарурати унинг ташқи хусусиятларидан ҳам келиб чиқади.

Ҳуқуқ нормаси қонун чиқарувчининг ҳуқуқ субъектлари хатти-ҳаракатини тартибга солишга йўналтирилган амри бўлиб, сўзлар орқали ифодаланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги сўзларни тўғри тушуниш учун махсус билимга эга бўлиш талаб этилади. Чунки турли касб эгалари, жамиятнинг турли ижтимоий қатламлари турли ҳаётий тажрибаларга эга бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ифодаланган қоидаларни ҳар хил тушунишлари мумкин.

Ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш зарурати *ҳуқуқ нормаларининг тизимлилиги* хусусиятидан ҳам келиб чиқади. Ҳуқуқ нормалари ижтимоий муносабатларни ўзаро алоқадорликда тартибга солиб туради. Ҳуқуқ нормалари мантиқан ўзаро боғланган бўлиб, ушбу ҳолат шарҳланаётган ҳуқуқ нормаларини бошқа ҳуқуқ нормалари билан қиёслашни тақозо этади. Бунинг инкор қилиниши шарҳланаётган ҳуқуқ нормасининг мазмуни нотўғри тушунилишига олиб келади.

Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш фикрлаш тури бўлиб, у орқали ҳуқуқ нормаларининг мазмуни очиб берилади. Демак, шарҳлаш фикрлашнинг тил билиш билан боғлиқ билвосита туридир. Шарҳлаш орқали билвосита билимлар ҳосил қилиниб, ҳуқуқ нормаларининг мазмун-моҳияти очиб берилади.

Шарҳловчи ҳуқуқ нормаларининг том маъносини англаш учун қуйидагиларга оид билимлардан фойдаланади:

а) ҳуқуқ нормалари ифодаланган тил;

б) шарҳланаётган нормаларнинг бошқа нормалар билан алоқадорлиги, ҳуқуқ тизими;

в) ҳуқуқ нормаларининг яратилиши;

г) ҳуқуқ нормаларининг татбиқ этилиш шарт-шароитлари.

Шарҳлашнинг англаш жараёни сифатидаги хусусияти англаш объекти (ҳуқуқ нормаси)нинг хусусияти билан боғлиқ. Ҳуқуқ нормалари қандайдир моддий, ашёвий объектлар сирасига кирмайди¹.

Шарҳлаш ижодий хусусиятга эга, чунки бунда янги билим ҳосил бўлиб, унда ҳуқуқ нормаларининг мазмуни акс этади. Акс ҳолда у амалий ва назарий аҳамиятга эга бўлмасди.

Шарҳлаш ҳуқуқий жиҳатдан лозим бўлган муайян ҳужжатлар бўйича амалга оширилади. Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши талаб этиладиган ижтимоий фаолиятни ажратиб кўрсатиш ниҳоятда қийин амалий вазифа бўлиб, уни бажариш орқали ҳуқуқнинг амал қилиш самарадорлигини таъминлаш мумкин бўлади.

Ҳуқуқий тартибга солиниши лозим бўлган муайян ҳолатларни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри ҳал этиш учун шарҳловчи ҳуқуқий хусусиятга эга турли масалаларига жавоб топиши керак. Бундай жавоб шарҳланаётган ҳуқуқ нормаларининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда топилади.

«Шарҳлаш» категориясининг ҳуқуқий фанлар учун аҳамияти ҳуқуқ нормалари элементларининг моҳиятини очиб беришда намоён бўлади.

Шарҳлаш тафаккур натижасидир. Шарҳлаш орқали ҳуқуқий норманинг матндаги ҳамда алоҳида сўз ва иборалардаги маънолари очиб берилди. Грамматик матндаги ҳуқуқ нормаларининг маъно-мазмуни шарҳлаш натижасида ўзининг тўлиқ ифодасини топади.

Умуман олганда, шарҳлаш – ҳуқуқий матндаги фикр ва мулоҳазаларни солиштиришдир.

«Шарҳлаш» тушунчасининг яна бир жиҳати **ҳуқуқнинг маъноси-ни тушунтириш** ибораси билан боғлиқ. Мазкур ибора икки субъект

¹ Қаранг: Общая теория государства и права / Под ред. проф. М. К. Марченко. Т.2. Теория права. – М., 1998. – С. 324.

ўртасида коммуникатив, ахборот алоқалари мавжуд бўлишини тақозо қилади. Аммо шарҳлашни бундай тушунишда ҳуқуқни изоҳловчи субъект расмий ва норасмий ҳужжатларда ўз аксини топган ифодаларнинг фарқини кўрсатиб бериши лозим бўлади. Шарҳланаётган норматив ҳужжатларда уни ифодаловчининг фикри тўлиқ ёритилмаган бўлади.

Шарҳда ҳуқуқнинг мазмуни аниқланади ва тушунтирилади. Аммо шарҳлашда бу билан чекланилмайди, чунки ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини очиқ бериш кўп қиррали фаолиятдир.

Шарҳлаш ҳуқуқнинг мазмунини билиш ва тушунтириб бериш воситаси сифатида барча ҳуқуқий тизимларнинг вужудга келиши ва ривожланишини кузатиб боришга асосланади. У ҳуқуқнинг моҳияти каби, маълум даражада ижтимоий-сиёсий йўналишга ҳам эга.

Шарҳлашдан кўзланадиган **мақсад** қонун чиқарувчи идоранинг ҳуқуқ нормасида ифодаланган истак-иродасини, ушбу норма билан боғлиқ тасаввур ва тушунчаларини кўрсатишдан иборат. Шарҳлашнинг асосий **вазифаси** қонун чиқарувчи идора қонун ҳужжатида баён этган қонуннинг мазмунини очиқ беришдан иборат¹.

Шундай қилиб, *ҳуқуқни шарҳлаш* – ҳуқуқнинг мазмуни, мақсади, ижтимоий вазифаси, амалий аҳамиятини аниқлаш ва тушунтиришга қаратилган фаолиятдир.

Юқоридагиларни умумлаштириб, қуйидаги таърифни беришимиз мумкин: *ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ҳуқуқ ижодкорлиги субъектларининг ҳуқуқ нормасида ифодаланган норматив тарзда тартибга солувчи умумий иродасининг мазмунини англаш ва тушунтириб беришга йўналтирилган кўп қиррали ва мураккаб ижодий-таҳлилий жараёндир.*

2-§. Ҳуқуқни шарҳлаш усуллари

Шарҳловчининг бош мақсади – қонунчилик органининг норма мазмунида ифодалаган иродасини (ҳуқуқнинг мазмунини) аниқлаш ва тушунтириш, яъни ўрганилаётган ҳодиса тўғрисида холисона,

¹ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Х. Т. Одилқориев таҳрири остида. – Т., 2009. – Б. 426.

чукур, пухта ва илмий асосланган хулоса чиқаришдир. Бунга шарҳлашнинг ҳаёт синовидан ўтган махсус усуллари орқали эришилади. Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнидаги сўз ва иборалар грамматик, мантиқий, тарихий, юридик ва бошқа жиҳатлардан талқин этилади. Бу шарҳловчи субъектдан ижодий ва илмий ёндашувни талаб қилади.

Ҳуқуқни шарҳлаш усуллари орқали шарҳловчи ҳуқуқ нормаси ҳақида батафсил маълумотлар тўплайди, тўлиқ тасаввур ҳосил қилади ҳамда ушбу маълумотларни ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларига етказди. Ҳуқуқни шарҳлаш усуллари яхши билиш ҳуқуқ нормаларининг мазмунини тўғри англаш ва тушунтиришга ҳамда ушбу нормаларнинг келажакда ҳаётга тўлиқ татбиқ этилишига хизмат қилади.

Ҳуқуқни шарҳлашда қандай усуллар қўлланилади, деган саволга жавоб беришдан аввал ҳуқуқ ифодаланадиган энг асосий ҳолатларни, яъни шарҳлаш объектининг хусусиятларини билиб олиш зарур. Бунда шарҳлаш предметининг икки жиҳати аниқлаб олиниши муҳим: *биринчиси* – ҳуқуқ мавжудлигининг, яъни унинг ташқи ифодаланиш шаклининг англаниши; *иккинчиси* – ҳуқуқнинг мазмуни, тузилиши, яъни ички шаклига тегишли жиҳати – ҳуқуқнинг мантиқий ва техник-юридик ташкил этилиши.

Биринчи жиҳат: а) норматив ҳужжатнинг сўзда грамматик ифодаланганлиги; б) мазкур кўрсатманинг бошқаси билан матнда ифодаланган алоқаси; в) ҳуқуқ нормаларининг ижтимоий-сиёсий мазмунини ифодаловчи ҳуқуқнинг вужудга келиши ва амал қилиш ҳолатлари;

иккинчи жиҳат: г) қонун чиқарувчи органнинг иродаси мужасамланган фикрнинг мантиқий тузилиши; д) қонун чиқарувчи орган иродасини ифодалашнинг махсус-юридик восита ва усуллари¹.

Шарҳлаш усуллари – шарҳловчи субъект билишининг ҳуқуқий қоидалар мазмунини аниқлаштиришга қаратилган, илмий тафаккурга асосланган махсус йўллари¹.

Юридик адабиётларда ҳуқуқни шарҳлаш усуллари қонун чиқарувчи иродасини ифодалашнинг фақат ташқи шакллари билан

¹ Қаранг: *Алексеев С. С.* Общая теория права. Т. 2. – М., 1981. – С. 300.

боғлашга уринишлар учрайди. Лекин шарҳлашнинг барча тан олган усуллари ҳам (масалан, мантикий) махсус ташқи шаклга эга эмас. Бошқа усуллар (масалан, тизимли усул) махсус ташқи шаклга таянса-да, лекин асосий эътибор ҳуқуқнинг ички шакли, яъни тузилишига қаратилади. Шу билан бирга, шарҳлашда шундай ташқи ҳолатлар мавжудки (масалан, сиёсат, ахлоқ, қонун қабул қилинишининг шарт-шароитлари ва ҳ.к.), улар умуман ҳуқуқнинг ташқи шакли ҳисобланмайди¹.

Ҳуқуқни шарҳлашда кўплаб усуллар қўлланилади. Уларнинг барчаси биргаликда самарали қўлланганида шарҳловчи субъект олдида турган масала ҳал этилиши мумкин. Ҳуқуқни шарҳлаш усулларининг йиғиндиси ҳуқуқ нормалари мазмунини тадқиқ этишнинг махсус методикасини ташкил қилади.

Ҳуқуқни шарҳлаш усулларининг турли-туманлиги ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш жараёнининг мураккаблигини билдиради. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш уларнинг мазмунини аниқлашга йўналтирилган мантикий фикрлаш жараёнидир. Ҳуқуқ ижодкори (уни яратувчи субъект) ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқишда ўз фикрини ёзма манбага, норматив-ҳуқуқий ҳужжатга туширади. Яъни, қонун яратувчининг маълум бир ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган фикри норматив-ҳуқуқий ҳужжатда мустаҳкамланади. Қонун чиқарувчининг фикри шундайлигича ҳуқуқ нормасининг мазмунини ташкил этади. Шарҳлаш жараёнида қонун ижодкорининг ҳуқуқ нормасини яратишдан кўзлаган мақсади очиб берилади.

Маълумки, *шарҳлаш* қонун ижодкорининг ҳуқуқ нормасида ифодасини топган мақсадини англаш, фикрини тушуниш ва тушунтиришга қаратилган фаолиятидир. Шарҳлаш жараёнининг предмети қонун ижодкорининг фикридир. Яъни, шарҳловчи билан қонун ижодкорининг фикри бир жойдан чиқсагина, шарҳлашдан кўзланган мақсадга эришилади.

Шарҳловчи субъект ҳуқуқни шарҳлаш усуллари орқали ҳуқуқ нормаси ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилади ва батафсил маълумот тўплайди, уларни ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларига етказди. Н. П. Азизов тўғри таъкидлаганидек, ҳуқуқни шарҳлаш усулларини

¹ Қаранг: *Алексеев С. С.* Общая теория права. Т. 2. – С. 300.

яхши билиш ҳуқуқ нормаларининг мазмунини тўғри англаш ва тушунтиришга ҳамда уларнинг келажакда тўғри татбиқ этилишига хизмат қилади¹.

Ҳуқуқнинг мазмуни шарҳлашнинг махсус усул ва йўлларини қўллаш орқали аниқланади. Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнидаги сўз ва ибораларни грамматик, мантиқий ва юридик талқин этиш шарҳловчидан ижодий ва илмий ёндашувни талаб қилади.

Ҳуқуқни шарҳлаш суд, прокуратура, ички ишлар органлари сингари ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан шуғулланувчи давлат органлари учун амалий аҳамиятга эга. Зеро, улар кундалик фаолиятида ҳуқуққа оид масалалар билан бевосита шуғулланадилар ҳамда нормаларнинг тўғри татбиқ этилишига масъулдирлар.

Ҳуқуқ нормаларининг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини аниқлаш учун шарҳловчи: 1) ҳуқуқ нормасининг ўзини; 2) ҳуқуқ нормасининг бошқа юридик қоида ва принциплар билан ўзаро (ҳуқуқий) алоқаларини; 3) унинг ижтимоий воқелик билан бошқа алоқаларини тадқиқ этади².

Ҳуқуқни шарҳлашнинг грамматик, мантиқий, тизимли, махсус-юридик, тарихий-сиёсий ҳамда телеологик шарҳлаш усулларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Грамматик шарҳлаш усули ҳуқуқий ҳужжат матнининг морфологик ва синтактик тузилишини тушуниб олишга йўналтирилган махсус қоидалар йиғиндисидир. Ҳуқуқ нормаларининг мазмуни ҳақида ҳақиқий билимга эга бўлиш учун ҳуқуқ нормаларининг мазмунини очиб берувчи қоидалар қаердан излаб топилади, деган савол туғилади. Улар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тил қоидалари асосида мустаҳкамлаб қўйилган бўлади. Шарҳловчи субъект ҳуқуқ нормаларининг мазмунини тушуниб олмоқ учун тил қоидаларини билиши, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжат қайси тилда ёзилган бўлса, ўша тилнинг қонун-қоидаларини мукамал эгаллаган бўлиши керак.

¹ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Х. Т. Одилқориев таҳрири остида. – Т., 2009. – Б. 426–427.

² Ўша жойда.

Мазкур усул ёрдамида матннинг грамматик маъноси, яъни ундаги алоҳида сўз ва терминларнинг маъноси тушуниб олинади ва тушунтириб берилади. Бунда от ва сифатнинг тури, сони, келишиклари, феълнинг шахси, вақти, сони ва тури, қўлланилаётган боғловчи, тиниш белгилари, гап бўлаклари ва бошқа шу кабиларнинг аҳамияти аниқлаб олинади.

Грамматик шарҳлашда қуйидагиларга эътибор берилади:

– шарҳлашнинг «олтин қоидаси»га кўра, қонуннинг бирор моддасини шарҳлаш жараёнида ҳаммага тушунарли бўлган адабий тилдан фойдаланиш лозим;

– қонун чиқарувчи идора қонуннинг матнида адабий тил меъёрларидан четга чиққан бўлса, шарҳлаш жараёнида ҳам худди шундай изоҳлаш лозим бўлади;

– ҳуқуқ нормасини шарҳлашда бир соҳага оид иборани у тааллуқли бўлмаган бошқа соҳада қўллаш ман этилади;

– агар қонун матнидаги иборанинг мазмуни аниқ ифодаланмаган бўлса, уни шарҳлашда ҳуқуқшунослик фани ва амалиётида кенг қўлланилаётган сўзлардан фойдаланиш лозим;

– агар қонунда бирор иборани турли маъноларда тушунишга рухсат берилмаган бўлса, уни ҳар хил талқин этиш мумкин эмас;

– турли ибораларни асоссиз равишда бир маънода қўллаш тақиқланади;

– қонуннинг бирор-бир сўзини ортиқча ибора сифатида талқин қилишга йўл қўймаслик керак¹.

Грамматик усулда қўлланиладиган ҳуқуқий норманинг мазмуни, унинг матни тил қоидаларига асосан, яъни грамматик-филологик таҳлил қилинади. Ҳуқуқий норма матнидаги сўз ва ибораларнинг, масалан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидаги «оғир оқибатлар», «зарар», «жиноят таркиби» каби тушунчаларнинг мазмуни аниқланади. Бунда ҳуқуқ нормаси матнидаги ҳар бир сўз ва жумланинг мазмуни грамматик жиҳатдан тўғри ёки нотўғрилиги таҳлил қилинади. Грамматик усулда татбиқ қилинадиган ҳуқуқий норма турли жойларда учрайдиган сўз ва ибораларнинг тўғрилигига,

¹ Қаранг: Общая теория государства и права. Т. 2 / Под ред. проф. М. Н. Марченко. – М., 1998. – С. 328–329.

уларнинг ўхшаш ва боғлиқ томонларига эътибор берилиб, ҳуқуқий нормаларнинг мазмуни аниқланиб, кейин шарҳланади.

Мантиқий шарҳлаш усули орқали ҳуқуқ нормаларининг том маъноси мантиқ қонуниятларига асосан тушуниб олинади ва тушунтириб берилади.

Шарҳлаш – ҳуқуқ нормаларининг мазмуни тўғрисида ишончли ва мукамал билимга эга бўлиш жараёни. Бунинг учун мантиқ қоидаларига асосланиш лозим.

Мантиқий усулда татбиқ этиладиган ҳуқуқий нормаларнинг мазмуни мантиқ фанининг қонуниятларига асосан аниқланади. Бунда ҳуқуқий норманинг мазмуни унинг матнидаги ифода ва тушунчаларнинг ички мантиқий алоқасига эътибор берилиб аниқланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 15-моддасида: «Рухий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни идора қила олмайдиган фуқаро суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилши мумкин», – деб белгиланган. Демак, вояга етган ҳар қандай фуқаро рухий касал бўлса ҳам, то суд томонидан «муомалага лаёқатсиз» деб топилди, қарор чиқарилмагунча муомалага лаёқатли, деб ҳисобланади.

Мантиқий шарҳлаш усули ёрдамида ҳуқуқ нормасининг мазмуни мантиқий жиҳатдан қайта шакллантирилади, тушунчалар мантиқий таҳлил қилинади, яъни уларнинг ҳажми, белгилари ва алоқалари аниқланади. Ҳуқуқий қоида ҳаётий ҳолатга яқинлаштирилади, шунингдек ўхшаш ва қарама-қарши жиҳатлар ўрганиб чиқилади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 41-моддасида, юридик шахснинг ҳуқуқий лаёқати белгиланган. Унга кўра, «юридик шахс қонунда рўйхати белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин. Қонунда рўйхати белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун рухсатнома (лицензия)си бўлмаган юридик шахслар, бундай фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас».

Тизимли шарҳлаш усулида ҳуқуқий нормаларнинг маъно-мазмуни уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги, ҳуқуқ нормаси, ҳуқуқ институти, ҳуқуқ соҳаси ва бутун ҳуқуқ тизимидаги ўрни ва роли,

ўзаро алоқаси орқали изоҳланади, норма ва ҳужжатлар ўртасидаги зиддият, номувофиқлик ва қарама-қаршиликлар (коллизиялар) аниқланади. Бундай шарҳлаш натижасида расман бекор қилинмаган, бироқ амалда бошқалари билан алмаштирилганлиги сабабли аҳамиятини йўқотган, фойдаланилмай қолган ҳуқуқ нормалари ҳам юзага чиқади.

Шарҳлашнинг бу усулида ҳуқуқ нормасининг ушбу норма мансуб бўлган ҳуқуқ тармоғининг умумий қисми, ҳуқуқ институти ва тармоғи билан алоқалари кўриб чиқилади. Бу эса шарҳланаётган норманинг маъносини янада аниқлаштириш, кенгроқ ёритиш ва чуқурроқ англашга имкон беради.

Шарҳловчи тизимли шарҳлаш усули орқали, *биринчидан*, ҳуқуқ нормасининг ҳуқуқ тизимидаги (ҳуқуқ соҳаси, институтидаги) ўрнини кўрсатади, *иккинчидан*, шарҳланаётган ҳуқуқ нормаси билан мазкур норма татбиқ этилиши назарда тутилаётган муайян ҳаётий муносабат ўртасидаги мантиқий алоқадорликни аниқлайди, *учинчидан*, шарҳланаётган норманинг мазмунини тушунтиради¹.

Ҳуқуқ нормаларини тизимли шарҳлаш усули ҳуқуқнинг маъно-мазмунини англаб олишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Шарҳловчи бунда қуйидаги махсус қоидалардан фойдаланади:

1) *умумий ва махсус нормаларнинг алоқадорлиги қоидаси*. Унга кўра, махсус қонунлар муайян фактга тегишли умумий қонуннинг амал қилишини бекор қилади, яъни махсус қонун нормалари мавжуд бўлганида умумий қонун нормалари эмас, балки махсус қонун нормалари қўлланади. Демак, махсус нормалар умумий нормаларнинг амал қилиш доирасини чеклайди;

2) *ҳавола этувчи моддаларнинг алоқадорлиги*. Унга кўра, ҳавола этувчи моддалар шарҳланаётган моддаларни аниқлаштириш учун мўлжалланган бўлади ёки мазкур норманинг моҳиятини ёритиш учун ҳавола этилаётган моддаларга мурожаат қилинади;

3) агар турли органлар томонидан чиқарилган ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро қарама-қаршилиги аниқланса, юқори турувчи органлар томонидан қабул қилинган нормага асосланилади;

¹ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Х. Т. Одилқориев таҳрири остида. – Т., 2009. – Б. 436.

4) агар бир хил юридик кучга эга бўлган икки норманинг бири-бирига зидлиги аниқланса, норма қабул қилинган вақт эътиборга олинади ва кейинги қабул қилинган нормага асосланилади¹.

Тизимли шарҳлаш усулида татбиқ этилаётган ҳуқуқий норманинг янғисига алмаштирилган-алмаштирилмагани, уни қўллашда қоидадан истисно бор-йўқлиги аниқланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 714-моддасида умумий фойдаланишдаги транспортда ташиш қоидалари белгиланган. Унга кўра, умумий фойдаланишдаги транспортда ташиш шартномаси оммавий шартномадир. Бундай шартнома тўғрисида Фуқаролик кодексининг 358-моддасида сўз юритилган. Бу моддалар ўзаро солиштирилиб, умумий фойдаланишдаги транспортда ташиш шартномаси оммавий шартнома бўлганлиги сабабли, Фуқаролик кодексининг 714-моддаси эмас, балки 358-моддаси билан ҳал этилади.

Махсус юридик шарҳлаш усули шарҳлашнинг бошқа усулларида юридик терминларнинг техник-юридик восита ва усуллар асосида таҳлил қилиниши билан ажралиб туради. Қонун чиқарувчи орган ўз иродасини умумий муомаладаги сўзлар ҳамда махсус юридик атамалар ёрдамида ифодалайди. Бунда у қонунчилик техникаси, юридик воситалар ҳамда усуллардан фойдаланади, жамият ҳаёти учун муҳим бўлган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали усуллари қўллайди. Шу муносабат билан ҳуқуқни шарҳлаш субъекти ҳуқуқий тартибга солиш механизмини, унинг ўзига хос хусусиятларини, юридик тузилмани ва бошқа шу кабиларни ҳисобга олиши лозим бўлади.

Тарихий-сиёсий шарҳлаш усули орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги нормалар тарихий-сиёсий шароитдан келиб чиққан ҳолда изоҳланади.

Маълумки, ҳуқуқ нормалари ўз яратилиш тарихига эга. У ёки бу ҳуқуқ нормаларининг яратилишига маълум бир ижтимоий, сиёсий, маданий омиллар сабаб бўлади. Қонун ижодкори ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқишда муайян мақсадни кўзлаган, устувор қадриятлардан фойдаланган бўлади. Демак, ҳуқуқ нормаларининг генезисида юқори-

¹ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Х. Т. Одилқориев таҳрири остида. – Т., 2009. – Б. 437.

даги омилларга эътибор бериш лозим бўлади. Ҳуқуқ нормалари ижтимоий муносабатларни тартибга солиш орқали амал қилади. Ҳуқуқ нормалари ўз функциясини бажара бориб, инсонларнинг ҳуқуқ-атвори ва ҳаракатини тартибга солади. Ҳуқуқ нормаларининг мазкур функцияси маълум бир ижтимоий-тарихий шароит ва муайян ҳолатларда амалга ошади.

Тарихий-сиёсий шарҳлаш усулида татбиқ этилаётган ҳуқуқий норманинг мазмуни қайси тарихий шароитда, давлатнинг қайси органи томонидан, қандай мақсадда чиқарилганлиги аниқланади. Масалан, 1964 йилда қабул қилинган Жиноят кодексининг безорилик тўғрисидаги моддасида «фуқаролар томонидан корхона, муассаса ва жамоат жойларида безорилик қилиш» деган сўзлар бўлган. Амалдаги, 1994 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси биринчи қисмида безорилик жиноятига қуйидагича таъриф берилиб, ундан юқоридаги сўзлар олиб ташланган: «Безорилик, яъни жамоат жойларида жамоат тартиби қоидаларига қасдан ҳурматсизлик билдириш, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш жиддий зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса, – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади».

Тарихий-сиёсий шарҳлаш усулида ҳар бир ҳуқуқий норманинг қандай шароитда, қандай мақсадда чиқарилганига эътибор берилади. Бу усул тергов, прокуратура ва суд органларида ҳуқуқий нормалар билан тегишли ишларни кўриб ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

Телеологик (мақсадли) *шарҳлаш усули* норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни чиқаришдан кўзланган мақсадларни аниқлашга хизмат қилади. Бу усул шарҳлашнинг бошқа усулларида келиб чиқадиган натижаларнинг ҳақиқийлигини текшириб берувчи усулдир. Қонунларнинг мақсадини аниқлаш орқали ҳуқуқий нормаларнинг умумий маъноси англаб этилади ва шу нуқтаи назардан, телеологик шарҳлаш усули қонунларни шарҳлашнинг юридик усуллари тизимини тўлдиради¹.

¹ Қаранг: *Насырова Т. Я.* Телеологическое (целевое) толкование закона. – Казань, 1988. – С. 67.

Ҳуқуқий норма барчага тушунарли бўлиши учун унинг мақсади, функцияси ва матндаги ифодаси аниқ, лўнда бўлиши лозим. Масалан, фуқароларимиз учун бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қараганда Конституция нормалари тушунарлироқдир. Чунки, Конституцияни қабул қилишдан кўзланган мақсад унинг муқаддимасида аниқ-равшан ёзиб қўйилган.

Ҳуқуқ нормасининг матнида унинг бошқа ҳуқуқий нормалар билан боғлиқлиги кўрсатилмаса ҳам, у тушунарсиз бўлиши мумкин. Ундан ташқари, ҳуқуқ нормалари ўз ифодасига кўра аниқ ва лўнда бўлса-да, унинг мақсади нуқтаи назаридан тушунарсиз, турли маъноларни англатадиган бўлиши мумкин. Барча ҳуқуқ нормалари улардан кўзланган мақсадни очиб берган ҳолда шарҳланиши муқаррар.

Шундай қилиб, юқорида ҳуқуқ нормаларининг ижтимоий ҳаётда мавжуд бўлиши ва ўзаро ташқи алоқасининг тўртта шаклини кўриб чиқдик. Улар: ҳуқуқ нормасининг тили, ҳуқуқ тизими, ҳуқуқ нормаларининг келиб чиқиши ва функцияси. Мазкур омиллар ҳақида билимга эга бўлиш ҳуқуқ нормаларининг маъносини аниқлашнинг бошланғич нуқтасидир. Улар шарҳлашнинг бошланғич воситалари ҳисобланади.

Шарҳлашнинг муайян усулини танлаш ва ундан фойдаланиш шарҳловчининг ҳуқуқий фаолиятни билишига хос хусусиятлар ва унинг мақсадига (қонун матни, ҳуқуқий муносабат, ҳуқуқий ғоя ва ҳ.к.) асосланади.

Шундай қилиб, ҳуқуқни шарҳлаш усулларининг хилма-хиллиги қонун чиқарувчи органнинг ҳуқуқий норма мазмунида ифодаланган иродасини – ҳуқуқнинг мазмунини тўлиқроқ англаш ва тушунтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, жамиятда ҳуқуқий муносабатлар ривожлана боргани сайин шарҳлаш усуллари ҳам янгича маъно-мазмун билан бойиб бораверади, шарҳлашнинг янгидан-янги усуллари вужудга келади.

3-§. Ҳуқуқни шарҳлаш турлари ва ҳажми

Ҳуқуқни шарҳлашнинг турлари тўғрисидаги масала ҳуқуқни тушунтириш фаолиятининг натижалари ва шарҳлаш ҳужжатларининг табиатига оид масалалар жумласига киради. Ҳуқуқий нормалар

мазмунини тушунтириш натижалари шарҳланаётган ҳужжатлардир. Шарҳловчи субъектнинг шарҳлаши янги қоида белгиламаса, уни ўзгартирмаса ёки бекор қилмаса, шарҳлашни чекламаслик керак. Ҳуқуқнинг мазмуни қонун сифатида расмийлаштирилишидан аввал тушуниб олиниши; шунингдек, алоҳида ҳуқуқ нормасининг мазмуни у татбиқ этилишидан олдин аниқланиши шарт¹.

Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш одатда *ҳажми* ва *субъектларига* кўра турларга бўлинади². Бундан ташқари, уларни ҳуқуқий тартибга солиш механизми, шарҳлашдан кўзланган мақсад, шарҳлаш объектига кўра ҳам турларга бўлиш таклиф этилади.

Юриспруденцияда ҳуқуқни **ҳажми бўйича шарҳлаш** беқиёс илмий-амалий аҳамият касб этади. Ҳуқуқни ҳажми бўйича шарҳлаш жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий жабҳаларида ислохотларни амалга ошириш шароитида муҳим бўлиб, мазкур масаланинг ўрганилиш ҳолати бугун амалий ҳуқуқшуносликнинг эҳтиёж ва талабларига жавоб бермайди.

XX асрнинг 90-йилларида қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг аҳволи давлат тузилиши ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида рўй берган ўзгаришларни ўзида айнан ифодалай олмади. Ҳуқуқни ҳажми бўйича шарҳлаш сиёсий кучлар, ҳуқуқий мафкура, илмий концепцияларнинг ўзаро таъсирига боғлиқдир. Бундай шарҳлаш фаолияти давлатнинг ривожланиши, қонунчиликнинг такомиллашуви, аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданияти юксалишига кучли таъсир кўрсатади³.

Ҳуқуқни *сўзма-сўз шарҳлаш* шарҳланаётган ҳуқуқ нормасининг маъносини тушуниш тўлиғича ҳуқуқ манбаининг матни билан мос келишида намоён бўлади. Бундай шарҳлашнинг натижаси ҳуқуқий таъсирнинг ёзма шакли билан бир хил. *Кенгайтирилган шарҳлаш* ҳуқуқ нормасининг ҳақиқий мазмуни матн доирасидан четга чиқиш мавжуд бўлган жойда ифодаланади. *Чекланган шарҳлаш* шундай

¹ Қаранг: Проблемы общей теории права и государства / Под общ. ред. члена-корр. РАН, проф. В. С. Нерсисянца. – М., 1999. – С. 444.

² Общая теория права и государства / Под ред. В. В. Лазарева. – М., 1994. – С. 320.

³ Қаранг: Гаврилова Ю. А. Толкование права по объему. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 2008. – С. 5.

изохлаш орқали ифодаланадики, бунда ҳуқуқ нормасининг асл маъноси ёзилган матнга нисбатан торроқ ҳолда тушунилади¹.

Ҳуқуқ нормаларини ҳажми бўйича шарҳлаш уч турга, яъни том маънода (айнан), чекланган ва кенгайтирилган турларга бўлинади:

1. *Сўзнинг том маъноси бўйича шарҳлаш* – деганда турмушга татбиқ этилаётган ҳуқуқий норманинг мазмунини ёзилган матнига қараб, ҳеч нарса қўшмасдан қўллаш тушунилади.

Бунга мисол қилиб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4 ва 8-моддаларини келтириш мумкин: «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» (4-модда): «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади» (8-модда).

2. *Чекланган шарҳлашда* татбиқ этилаётган ҳуқуқий норманинг ўз матнида чекланганлиги белгилаб қўйилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10-моддасида белгиланишича, «Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин. Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас». Бу ўринда Ўзбекистон халқи номидан иш олиб бориши мумкин бўлган субъектлар доираси қонун билан қатъий чеклаб қўйилганига гувоҳ бўламиз.

3. *Кенгайтирилган шарҳлашда* ҳуқуқни қўлловчи субъект ҳуқуқ нормасининг мазмунини қонун чиқарувчи орган қонун нормасида назарда тутганидан кенгроқ қилиб шарҳлайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар», дейилган.

Мазкур нормани кенгайтирилган тарзда шарҳлаш талаб этилади. Чунки Ўзбекистон Республикасида давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар фақат Конституция ва қонунларга эмас, балки шу билан бирга, уларга мувофиқ тарзда

¹ Саидов А., Тожихонов У. Ҳуқуқ назарияси. – Т., 2001. – Б. 234.

чиқарилган бошқа қонун ости ҳужжатлари, яъни Президент фармонлари, қарор ва фармойишлари, ҳукуматнинг қарор ва фармойишлари, вазирликлар ва давлат қўмиталарининг турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ иш кўрадилар.

Субъектларига кўра, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш расмий ва норасмий турларга ажратилади. Давлат органлари томонидан амалга ошириладиган шарҳлаш *расмий шарҳлаш* дейилади, чунки у ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади ва мажбурий хусусиятга эга бўлади. *Норасмий шарҳлаш* давлат органларининг иштирокисиз амалга оширилади ҳамда расмий мақомга эга бўлмай, ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш ваколати бўлмаган шахслар томонидан амалга оширилади. Улар шарҳлашни ўз қарашлари, фикрлари доирасида, аммо қонунга зид бўлмаган ҳолда амалга оширадилар.

Расмий шарҳлаш ўзига хос тартибда амалга ошади. Бунда шарҳлаш ҳужжатлари (шарҳлар) шакллантирилади. Шарҳлашнинг расмий турида турмушда қўлланиладиган ҳуқуқий нормалар тегишли ваколатга эга давлат органлари томонидан шарҳланади ва бу шарҳ барча субъектлар учун мажбурий бўлади.

Юридик ихтилофларни бартараф этишда шарҳлаш алоҳида аҳамият касб этади. Шарҳлаш расмий ва малакали амалга оширилган тақдирда яхши самара беради, аммо баъзан шарҳлаш оқибатида янги ихтилофлар пайдо бўлади. Чунки шарҳлаш тегишли субъектлар томонидан амалга оширилиб, бунда турли расмий ва норасмий тузилмалар айна бир ҳужжат, ҳодиса, фактни турлича талқин этишлари мумкин¹.

Расмий шарҳ ҳужжатни чиқарган органнинг шарҳи бўлиб, аутентик шарҳ деб номланади; агар юридик ҳужжатларни шарҳлаш мажбурияти уни чиқармаган органларга юклатилган бўлса, мазкур шарҳ легал шарҳ дейилади². «Расмий шарҳлаш», «норматив шарҳлаш», «легал шарҳлаш» тушунчалари юридик адабиётларда ўхшаш

¹ Қаранг: *Одилқориев Х.* Юридик ихтилофлар: тушунчаси, турлари ва бартараф этиш усуллари // ТДЮИ ахборотномаси. – Т., 2009. – № 2. – Б. 8.

² Қаранг: *Теория права и государства / Под ред. проф. В. В. Лазарева.* – М., 1996. – С. 204.

тушунчалар ҳисобланади ва шарҳлашнинг мажбурий хусусиятга эгаллигини кўрсатади¹.

Расмий (умумий) норматив шарҳлаш ҳуқуқий нормалар яратилишига олиб келмайди, бунда мавжуд ҳуқуқий нормалар тушуниб олинади ёки тушунтириб берилади. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий нормаларни расмий шарҳлаш билан ўз ваколати доирасида, аввало, қуйидаги давлат органлари шуғулланади: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, суд, прокуратура, солиқ, божхона идоралари; жамоат бирлашмаларининг раҳбар органлари; мансабдор шахслар².

Расмий шарҳлаш норматив ва казуал шарҳлаш тарзида бўлади³. Норматив шарҳлаш умумий характерга эга. Норматив шарҳлаш натижасида вужудга келадиган ҳужжат бошқа ҳуқуқий муносабатлар субъектлари учун мажбурий ҳисобланади. Норматив шарҳлашда янги ҳуқуқий норма яратилмайди, балки расмий орган қабул қилган ҳужжатнинг бир хилда тушунилиши ва қўлланилишини таъминлаш мақсади кўзланади.

Норматив шарҳлаш кенг доирадаги ижтимоий муносабатларга қўлланиладиган ҳуқуқнинг маъносини тушунтириш бўлиб, бир неча бор қўллашга мўлжалланган. У ижтимоий муносабатлар ва уларнинг субъектларига нисбатан аниқ йўналтирилмаган бўлади.

Ҳуқуқни норматив шарҳлашнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

- албатта, давлат органлари томонидан тушунтиришлар олиб борилади;
- уларни бир неча бор қўллаш имкони мавжуд бўлади;
- мазкур шарҳлаш кенг доирадаги ижтимоий муносабатга киришувчиларга тааллуқли бўлади.

¹ Қаранг: *Шершеневич Г. Ф.* Общая теория права. – М., 1995. – С. 298.

² Қаранг: *Саидов А., Тожиқонов У.* Ҳуқуқ назарияси. – Т., 2001. – Б. 229; *Исламов З.* Общество. Государство. Право. (Вопросы теории). – Т., 2001. – С. 604.

³ Қаранг: *Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Б. Бобоев, Ҳ. Т. Одилқориев.* – Т., 2000. – Б. 340.

Норматив шарҳлаш таркибида аутентик (муаллифлик) ва легал (рухсат берилган) шарҳлаш фарқланади.

Аутентик шарҳлаш норматив шарҳлаш турларидан бири бўлиб, ҳуқуқий нормаларни яратган органнинг ўзи қабул қилган нормаларни шарҳлашидир. Яъни, мантиқан олганда, аутентик шарҳлаш ҳуқуқ нормаларини чиқарган органнинг ваколатидир.

Аутентик шарҳлаш ҳужжатларини ҳуқуқ ижодкорлиги ҳужжатларидан фарқлаш лозим. Юридик амалиётда давлат органларининг аутентик шарҳлаши, бир томондан (ташқаридан қараганда) табиий ҳуқуқларни тушунтириш сифатида намоён бўлса, бошқа томондан, баъзан қонунчиликни ривожлантириш элементларини ўзида ифода-лайди¹.

Ҳуқуқ нормаларининг бир хилда тушунилиши ва қўлланишини таъминлаш мақсадида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган томонидан шарҳлаш – аутентик (муаллиф томонидан) шарҳлаш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича аутентик шарҳлаш ҳуқуқига эгадирлар². Бу шарҳлашнинг вазифаси Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ҳуқуқий нормаларни тўғри қўллаш учун уларни умуммажбурийлик кучига қараб бир хилда шарҳлашдир. Аутентик шарҳлаш қонунчиликда кўзда тутилган бўлиб, қонун чиқарувчи томонидан амалга оширилади.

Аутентик шарҳлаш ҳуқуқи мантиқан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни чиқариш ҳуқуқидан келиб чиқади. У ёки бу давлат органи ҳуқуқ яратиш ваколатига эга бўлар экан, мазкур органлар ўзлари чиқарган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

Шундай қилиб, *аутентик шарҳлаш* расмий шарҳлашнинг алоҳида тури бўлиб, ҳуқуқий нормани қабул қилган орган томонидан

¹ Қаранг: Колоколов Я. Н. Проблемы аутентического толкование нормативно-правовых актов в трудах Российских ученых дореволюционного периода // История государства и права. – 2010. – № 2. – С. 45.

² Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Проф. Ҳ. Т. Одилқориев таҳрири остида. – Т., 2009. – Б. 442.

тушунтиришдир. «Аутентик» сўзи ҳақиқийлик, дастлабки манбаларга асосланганликни билдиради.

Норматив шарҳлашнинг иккинчи тури *легал* (рухсат берилган) шарҳлаш деб аталади. Қоидага кўра, легал шарҳлаш қонунда бундай ваколат берилган давлат органи томонидан амалга оширилади. Шарҳлашнинг бу турида маълум бир давлат органи томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ким томонидан шарҳланиши ўша орган томонидан чиқарилган ҳужжатда кўрсатиб қўйилган бўлади ёки бу мантиқан мазкур органнинг умумий ваколоти тўғрисидаги умумий қонунлардан келиб чиқади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди легал шарҳлаш ваколотига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 3-бандига асосан, Конституциявий суд Конституция ва қонун нормаларини юридик кучига қараб шарҳлайдиган ягона органдир. Бу шарҳлаш расмий норматив бўлиб, барча (давлат органлари, корхоналар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар) учун мажбурийдир.

Расмий шарҳлашнинг яна бир тури муайян ҳодисага нисбатан қўлланиладиган шарҳлаш бўлиб, юридик адабиётларда мазкур шарҳлаш *казуал шарҳлаш* деб юритилади. Ҳуқуқ нормаларини казуал шарҳлаш алоҳида ижтимоий муносабатларга мўжалланган ҳуқуқ нормаларининг маъносини тушунтириб беришда ўз ифодасини топади. Унинг хусусияти шундаки, мазкур шарҳлаш қайси шахсга нисбатан амалга оширилаётган бўлса, ўша шахсга тегишли бўлади. Казус – ҳаётий факт, шунинг учун ҳуқуқни казуал шарҳлаш деганда муайян ҳаётий ҳодисага нисбатан қўлланиладиган тушунтиришлар англанади¹.

Казуал шарҳлаш расмий шарҳ бўлиб, алоҳида ҳаётий вазиятнинг ҳуқуқий табиатини тушуниш ва тартибга солиш учун мажбурий саналади². Бундай шарҳ судда ва шахсларга нисбатан кўрилаётган юридик ишларда берилади. Ҳуқуқни умумлаштириб бўлмайдиган шарҳлаш ҳужжатлари бир марталик аҳамиятга эга, лекин жиддий

¹ Қаранг: Колоколов Я. Н. Проблемы аутентического толкование нормативно-правовых актов в трудах Российских ученых дореволюционного периода // История государства и права. – 2010. – № 2. – С. 607.

² *Вопленко Н. Н.* Толкование права. – Волгоград, 2007. – С. 67.

ишлар юзасидан қилинганида, айниқса, ҳуқуқда нуқсонлар мавжуд бўлганида ўрнак бўлувчи шарҳлаш аҳамиятига эга бўлади.

Ҳуқуқ нормаларини казуал шарҳлашда суд органлари ҳар бир фуқаролик, жиноий, маъмурий ва бошқа ишларни тегишли ҳуқуқий нормалар доирасида кўриб ҳал қилиш чоғида ҳуқуқий нормаларни шарҳлайди. Суднинг ҳар бир фуқаролик иши бўйича чиқарган қарори ёки жиноят ишлари бўйича чиқарган ҳукми ҳуқуқий нормани казуал шарҳлаш асосида амалга ошади. Казуал шарҳлаш кенг маънога эга бўлиб, уни судда шарҳлаш ва маъмурий шарҳлаш турларига ажратиш мумкин.

Демак, расмий шарҳлаш норматив ва казуал турларга бўлинади. Норматив шарҳлаш, ўз навбатида, аутентик, легал ва казуал турларга ажратилади. Расмий шарҳлашнинг муайян хусусиятлари субъектларнинг ҳуқуқий мавқеига боғлиқ.

Шунингдек, расмий шарҳлашни официоз шарҳлашдан, яъни давлат ҳокимияти ва бошқаруви функциясини амалга оширмаган ҳолда ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш, аниқроқ айтганда, давлат органлари ўзларининг расмий фаолиятдан ташқари ҳолатда ҳуқуқ нормаларини шарҳлашдан фарқлаш керак. Мазкур шарҳлаш норасмий шарҳлаш турларидан бўлиб, уларни қуйида кўриб ўтаемиз.

Норасмий шарҳлаш махсус ваколат берилмаган органлар ва шахслар (адвокатлар, олимлар ва алоҳида шахслар) томонидан амалга оширилади, мажбурий хусусиятга эга бўлмайди, юридик оқибатларга олиб келмайди. Унинг аҳамияти шарҳловчининг обрўси, махсус билими ва шарҳлаш шаклининг асослангандиги билан боғлиқ. Норасмий шарҳлаш юридик кучга эга бўлмагани боис мажбурий ҳисобланмаса ҳам, шахснинг ижтимоий ва ҳуқуқий онги ўсишида, муайян субъектларнинг хулқ-атвори такомиллашувида катта ёрдам беради. Ҳуқуқшунос олимлар томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда терговчи ва судьялар ўртасида эътибор қозонадиган, кодексларга бериладиган шарҳлар бунга мисол бўлиши мумкин.

Ҳуқуқни норасмий шарҳлаш натижалари умуммажбурий аҳамият касб этмайди ва айнан шу жиҳати билан расмий шарҳлашдан фарқланади.

Ҳуқуқни норасмий шарҳлаш *оддий (кундалик), касбий ва доктринал* бўлиши мумкин.

Оддий (кундалик) шарҳлаш ҳуқуқий фаолият соҳасида мутахассис бўлмаган фуқаролар томонидан ҳуқуқий норма мазмунини аниқлаш ва тушунтиришидир. У ҳуқуқ, одил судлов, қонунчилик ва шу каби-ларга доир суҳбатлар, хатлар ва бошқалар кўринишларида учрайди. У ҳуқуқий ҳақиқатни тушунишнинг кундалик оғзаки ифодасидир.

Ижтимоий ҳаётнинг демократлашуви, давлат бошқарувига кенг омманинг жалб қилиниши кузатилаётган ҳозирги кунда кундалик шарҳлашнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Чунки, «қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки воситаси, энг муҳим шарти ҳамдир»¹.

Ҳуқуқни касбий шарҳлаш хизмат фаолиятида доимий равишда ҳуқуқни қўллаш билан шуғулланувчи, суд-ҳуқуқ соҳасида фаолият кўрсатадиган ходимларнинг ҳуқуқ нормалари мазмуни тушуниши ва тушунтиришидир. Касбий шарҳлаш билан судья, прокурор, адвокат, нотариус ва бошқа юридик касб вакиллари шуғулланиши мумкин.

Доктринал (илмий) шарҳлаш ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар томонидан амалга оширилади ва илмий хусусиятга эга бўлади. Бу ҳуқуқшунос олимларнинг мақола ва монографиялари, аҳоли олдидаги маърузалари бўлиши мумкин. Бундай тушунтиришнинг алоҳида хусусиятлари уларнинг илмий нуқтаи назарга асосланган қатъийлигида ва ҳуқуқни шарҳлаётган шахснинг обрўсида ифодаланади.

Ҳуқуқни илмий (доктринал) шарҳлаш илмий ходимлар, олимлар, мутахассислар томонидан монографиялар, дарсликлар, маърузалар ва илмий мақолаларда амалга оширилиши мумкин. Норасмий илмий шарҳлаш натижалари давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлмаса-да, ҳуқуқий нормалар мазмунини тушунтириб беради. Бу шарҳлаш ҳуқуқий нормаларни амалиёт билан

¹ Қаранг: *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т., 2002. – Б. 28.

боғлаб, кишиларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Норасмий илмий шарҳлаш қонунларни такомиллаштиришда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини яхшилашда, қонунчиликни мустаҳкамлашда ёрдам беради. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва кодексларига берилган шарҳларни илмий шарҳларга мисол қилиб келтириш мумкин.

Шундай қилиб, ҳуқуқ нормаларини шарҳлашнинг асосий турлари ҳуқуқни қўлловчи субъектларнинг тўғри ва самарали ишлаши учун катта аҳамиятга эга. Ҳуқуқ нормалари шарҳлаш натижасида айнан шарҳловчи субъект томонидан тушунилиши ва тушунтириб берилиши лозим.

II боб. ХУҚУҚНИ ТАТБИҚ ЭТИШДА ШАРҲЛАШНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

1-§. Шарҳлаш – ҳуқуқни татбиқ этишнинг муҳим босқичи

Ҳар қандай ҳуқуқ нормаси муайян мазмун ва маънога эга бўлади. Ҳуқуқ нормасида ижтимоий муносабат иштирокчилари ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ўзаро муносиблиги, мувофиқлиги акс этади. Агар муайян ҳуқуқ қаршида унга тенг келувчи, унинг рўёбга чиқишини таъминловчи мажбурият бўлмаса, ҳуқуқ ҳеч нарса бўлмай қолади. Ҳар қандай ҳуқуқ нормасининг талаби қатъий бўлиб, унда ифодаланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаган тақдирда тегишли санкция қўлланилади. Ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари ҳуқуқ ва мажбуриятларининг амалга ошиши мураккаб жараён бўлиб, умумий тарзда ҳуқуқни татбиқ этиш (амалга ошириш) деган атама қабул қилинган.

Ҳуқуқ амалга оширилган тақдирдагина шахс ва жамият учун маъно ва мазмун касб этади. Агар ҳуқуқ ҳаётга татбиқ этилмаса, «жонсиз» ҳолда қолиши муқаррар. Ҳуқуқ нормаларининг бош вазифаси шахс ҳуқуқларининг мазмунини аниқлашга ёрдам бериш ва шу тариқа амалга оширилишига имкон яратишдир¹. Ҳуқуқ нормалари татбиқ этилганида уларни шарҳлаш шунинг учун зарурки, ҳуқуқ нормалари шахсларнинг ўзаро муносабатида қандай хатти-ҳаракат моделига, намунасига риоя этишлари лозимлигини, яъни қайси ҳаракатларни содир этиш ёки этмаслик мумкинлигини кўрсатади.

Қонунни амалга ошириш механизми унинг лойиҳаси битилаётган, сўнгра қонун парламент томонидан қабул қилинаётган чоғда яратилади, бу жараёнда қонун воситасида ўрнатиладиган ҳар бир ҳуқуққа айнан мос мажбурият шакллантирилиши лозим. Шу билан бирга, мазкур мажбурият бажарилмаган тақдирда уни амалга ошириш чоралари назарда тутилади, айб учун тегишли санкция белгиланади.

¹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Проф. Ҳ. Т. Одилқориев таҳрири остида. – Т., 2009. – Б. 404.

Ана шу уч нарса – ҳуқуқ, мажбурият ва санкция қонун амал қилишининг механизмини ташкил этади¹.

Ҳуқуқни қўллаш жараёнида «матн текширилиб, норманинг ҳақиқийлиги ва мажбурийлиги ўрнатилгач, ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ кейинги босқичда унинг маъносини аниқлаш лозим бўлади. Бу босқич шарҳлашдир»². Ҳуқуқ нормасидаги ушбу ҳолатлар ҳуқуқ нормаларини татбиқ этишда уларни шарҳлашга эҳтиёж туғдиради. Бунда шарҳлашнинг барча усул ва қоидаларидан фойдаланиш лозим бўлади.

Татбиқ этилиши лозим бўлган норманинг маъносини аниқлаб олиш нормани шарҳлашнинг дастлабки босқичини ташкил этади. Ҳуқуқий нормаларнинг маъносини аниқлаб олишда, авваламбор, унинг матнидаги мазмунни тил қоидаларига кўра шарҳлаш талаб этилади. Бу эса шарҳлашнинг грамматик усули доирасида амалга оширилади. Демак, ҳуқуқ нормалари татбиқ этилишининг дастлабки босқичида шарҳлашнинг грамматик усули зарур бўлади. Ҳар қандай ҳуқуқ нормасини тўғри тушуниш учун шарҳловчи субъект мазкур ҳуқуқ нормаларининг матни ёзилган тил қоидаларини мукамал эгаллаган бўлиши лозим. Чунки, шарҳлаш ҳуқуқ нормалари ифода этилган тил қоидаларини таҳлил қилишдан, яъни шарҳлашнинг тилга оид усулидан бошланади³.

Юқорида таъкидланганидек, ҳуқуқ нормаси – маълум бир шароитда ҳуқуқ субъектларининг хулқ-атворини белгилаб берувчи қоидадир. Мазкур қоида қонун ижодкорлари томонидан ифодаланганида айрим ҳолатларда нормадаги мазмун-маъно тушунарсиз бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 102-моддасида: «Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади», – дейилган. Мазкур жумлада гапнинг эгаси ноаниқ. Аслида, бунда гап эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдирган шахс ҳақида кетмоқда.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи / Проф. Ҳ. Т. Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2005. – Б. 161.

² Қаранг: *Колоколов Я. Н.* Проблемы аутентического толкования нормативно-правовых актов в трудах российских ученых дореволюционного периода // История государства и права. – 2010. – № 2. – С. 45.

³ Қаранг: *Язык закона / Под ред. А. С. Пиголкина.* – М., 1990. – С. 88.

Норматив-ҳуқуқий қоидада ўз ифодасини топган ҳар қандай тўғри фикр мантиқий мазмун ва тузилишга эга. Ҳуқуқ нормаларида кишиларнинг хулқ-атвори қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги умумий ва мавҳум тушунчалар ўз аксини топади. Ушбу тушунчалар ҳуқуқ нормаларининг умумий ва мавҳум хусусиятларини ифодалаб, сўз ва ибораларда намоён бўлади ва расмий-мантиқий йўл билан шарҳланади.

Ҳуқуқ нормаларининг мазмунини аниқлаш жараёнида шарҳловчи субъект мазкур нормаларни татбиқ этиш учун уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги, ҳуқуқ институти, ҳуқуқ соҳасидаги, шунингдек қонунчилик тизимидаги, умуман, бутун ҳуқуқ тизимидаги ўрни ва ролини, ўзаро алоқадор ҳолатларини ўрганиши лозим бўлади. Бунинг учун шарҳловчи субъект шарҳлашнинг тизимли усулидаги ўзаро боғлиқликни уларнинг ҳуқуқ ва қонунчилик тизимидаги ўрни нуқтаи назаридан кўриб чиқади.

Қонунчилик тизими нуқтаи назаридан, ҳуқуқ нормалари: а) маълум бир моддада; б) маълум бир бўлим ёки бобда; в) норматив-ҳужжатнинг турли боблари, бўлимларида; г) муайян бир давлат органи томонидан чиқарилган турли норматив ҳужжатларда; д) турли давлат органлари томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган, ўзаро комплекс алоқада бўлиши мумкин. Масалан, шарҳланаётган норма мазкур норматив ҳужжатдаги бошқа бир норма билан, шунингдек бошқа норматив ҳужжат ёки бир қанча норматив ҳужжатлардаги нормалар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг самарадорлиги ҳуқуқни қўлловчининг қўлланилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мақсад ва мазмунини аниқ ва тиниқ шарҳлай олишига боғлиқ¹.

Ҳуқуқни татбиқ этиш жараёнидаги шарҳлаш «давлат, ваколатли жамоат бирлашмалари, мансабдор шахс ва фуқароларнинг юридик иш қарорларини асослаш, амалдаги қонунчиликни бир қолипга солиш, юридик амалиётнинг ягоналиги ва барқарорлигини таъминлаш юзасидан олиб борадиган шарҳлаш фаолиятидир»².

¹ *Тулътеев И. Т., Тастанбекова Г.* Проблемы толкования и прогнозирования в правоприменительной деятельности // Ўзбекистонда ҳуқуқ фанининг ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари. – Т., 2004. – Б. 33.

² *Гаврилов Д. А.* Правоприменительное толкование. Автореф. дис... канд. юрид. наук – Волгоград, 2000. – С. 6.

Ҳуқуқни татбиқ этиш унинг ижтимоий амалиётга амалда жорий этилишини билдиради. Бундай таъриф ҳуқуқни татбиқ этиш жараёнида ва ҳуқуқни шарҳлаш соҳасида ҳам қўл келади. Ҳуқуқ нормаларини татбиқ этишга йўналтирилган объектив жараён шарҳлашнинг маълум бир усули ёки турини эмас, балки барча усул ва турларини қамраб олади.

Ҳуқуқ нормаларидаги мақсаднинг татбиқ этилиши аниқлаштирилмаган бўлиб, мавҳум хусусиятга эга. Уларни аниқлаштириш учун ҳуқуқ нормалари шарҳланади ва бир қатор мантиқий фикрлардан сўнг нормалар татбиқ этилиши учун бирор хулосага келинади. Бунда сўз мақсадни англаш учун мантиқий усулдан фойдаланиш ҳақида бораяпти. Тарихий шарҳлаш усули орқали қонун яратилишигача бўлган даврда ва унинг яратилиши арафасида аҳвол қай даражада эканлигига аниқлик киритилса, мақсадли шарҳлаш қонун татбиқ этилганидан сўнг натижа қандай бўлиши кераклиги ҳақида хулоса беради. Шарҳланаётган норманинг тарихий келиб чиқиш шартлари, яъни ҳуқуқий норма маъносининг қабул қилиниши тарихига муносабат қилиш орқали уни ҳуқуқий тартибга солиш тизимига киритишдан кўзланган мақсад аниқланади.

Ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш қонун ижодкорлари томонидан кўзда тутилган норманинг ҳақиқий маъносини аниқлашдан иборат бўлиб, ҳуқуқ нормаларининг маъносини аниқлаш ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришда ҳуқуқий нормалар маъносининг тўғри тушунилишини таъминлайди. Содир бўлган ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий нормаларни татбиқ этишдан олдин уларнинг мазмунини тўғри англаш ва шарҳлаш алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, ҳуқуқий норманинг маъноси ва мазмунини аниқлаш ҳуқуқни татбиқ этишнинг барча шакллари, яъни ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш, уларни бажариш, улардан фойдаланиш, уларни қўллашда ўз аксини топади.

Ҳуқуқни татбиқ этишда қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар матнидаги сўз ва ибораларни грамматик, мантиқий ва юридик жиҳатдан талқин этиш, тушуниб олиш муҳим. Бунда татбиқ этилаётган ҳуқуқий норманинг таъсир доирасини белгилаш, уларни тегишли муносабатларга татбиқ этиш учун сиёсий ва юридик малака талаб қилинади.

Амалиётда ҳуқуқий нормалар қўлланилиб ҳал қилинадиган ишлар суд, прокуратура, тергов ва суриштирув органлари томонидан кўрилаётганда йўл қўйиладиган хатоларнинг кўпчилиги ҳуқуқий нормаларни нотўғри татбиқ этиш ва шарҳлаш натижаси бўлиб чиқади. Шу боис ҳуқуқий нормаларни тегишли ижтимоий муносабатларга татбиқ этиш учун биринчи навбатда бу ҳуқуқий норманинг маъно ва мазмуни аниқланади. Бу жараёнда субъектив ҳуқуқ ва мажбурият соҳиблари бўлган шахслар билан бир қаторда, давлат ҳам ўзининг ҳуқуқ яратувчи, ҳуқуқни бажарувчи ва қўлловчи органлари орқали иштирок этади.

Ҳуқуқни татбиқ этишда шарҳлашнинг аҳамияти шундаки, бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ўз ифодасини топган қонун ижодкорлари назарда тутган маъно ва мазмун тўлиқ ва аниқ очиб берилиши таъминланади. Чунки қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш қонуншунослик фаолиятининг мураккаб ва масъулиятли тури ҳисобланади. У қонун яратувчидан катта билим ва тажрибани, шу давлатнинг Конституцияси ва амалдаги қонунлари тизимидан, қонун яратиш илмидан хабардор бўлишни талаб этади.

Ҳуқуқни татбиқ этишда шарҳлашнинг икки жиҳати уйғунликда намоён бўлади. Биринчи навбатда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатда кўзда тутилган давлат амри (иродаси)нинг олий ифодаси, норманинг мазмун-моҳияти аниқлаб олинади. Шарҳлашнинг иккинчи жиҳати ҳуқуқ нормаларини амалиётга татбиқ этишда рўёбга чиқади. Бунда ҳуқуқ нормаларининг татбиқ этилишида келишмовчилик ва тушунмовчиликлар юзага келганида унинг қонун чиқарувчи орган кўзда тутган маъно-мазмуни тушунтириб берилади. Ҳуқуқ нормаларининг ҳақиқий маъносини тушунтириб бериш, яъни шарҳлашнинг иккинчи жиҳати мажбурий ёки мажбурий бўлмаган махсус расмий шарҳлаш ҳужжатларини эълон қилиш орқали амалга оширилади.

Ҳуқуқ нормаларини шарҳлашнинг биринчи босқичи, яъни ҳуқуқ нормаларининг маъно-мазмунини аниқлаш ҳуқуқни татбиқ этишнинг оддий шакллари амалга оширишнинг зарурий шarti ҳисобланади. Ҳуқуқни нормал амалга ошириш шаклларида бири ҳуқуқий хатти-ҳаракат ҳисобланади. Бу ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ нормаларига мос келадиган, юридик оқибатлар келтириб чиқарадиган, ижтимоий фойдали аҳамиятга эга онгли хулқ-атворидир.

Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш жараёнининг иккинчи босқичи бўлган ҳуқуқ нормаларининг ҳақиқий маъно-мазмунини тушунтириб бериш ҳар доим ҳам ҳуқуқ нормаларининг ҳақиқий маъносини аниқлаб олишдан сўнг амалга ошмаса-да, ҳуқуқ нормаларини шарҳлашнинг биринчи босқичини амалга ошириш фикрий фаолиятнинг давоми ҳисобланади. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлашнинг иккинчи босқичида унинг биринчи босқичида эришилган натижалар умумлаштирилади. Мазкур яқун ўз ифодасини ёзма шаклда, яъни расмий ҳуқуқий ҳужжат шаклида ёки оғзаки тарзда, яъни маслаҳатлар бериш, тавсия этиш кабиларда топади. Демак, ҳуқуқ нормаларини шарҳлашнинг иккинчи босқичида, яъни ҳуқуқ нормаларининг ҳақиқий мазмун-моҳиятини тушунтириб бериш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган давлат иродасини (амрини) баён қилиш ва тушунтириб беришдан иборат фаолият амалга оширилади. Ҳуқуқни шарҳлаш жараёнининг ўзаро диалектик боғлиқ икки томонини ташкил этган ҳуқуқ нормаларининг маъносини тушунтириб бериш ва аниқлаб олишда билиш ва тушунишнинг турли усул ва воситаларидан фойдаланилади¹.

Шундай қилиб, шарҳлаш ҳуқуқ нормаларини амалиётга татбиқ этишнинг таркибий қисмидир. Ҳуқуқни татбиқ этувчи давлат органлари, юридик шахслар ва фуқароларнинг барчаси ҳуқуқ нормаларини шарҳловчилар ҳисобланадилар. Фуқаролар ҳуқуқ нормаларининг маъносини англашда ўзлари учун унинг мазмунини аниқлаб оладилар. Бунда ҳуқуқ нормаларининг ҳар бир шарҳи ҳуқуқни қўлловчиларнинг индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Ҳуқуқни қўлловчи субъектнинг ҳуқуқ нормаларини амалда ҳаётга татбиқ этиш нуктаи назаридан тушунишини ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш деб аташ мумкин.

Давлат органлари, мансабдор шахслар, юридик шахслар ва фуқароларнинг шарҳлаш соҳасидаги имкониятлари турлича. Фуқаро ёки юридик шахс ўз тушунчаси доирасида ва ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда маълум бир тарзда ҳуқуқ нормаларини шарҳлар экан, мазкур шарҳлаш фақат муайян ҳуқуқий муносабатлар доирасида амалга ошади. Агар ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш давлатнинг ваколатли ор-

¹ Қаранг: Теория государства и права. – М., 2001. – С. 179.

ганлари томонидан махсус амалга ошадиган бўлса, бундай шарҳлаш жуда катта нуфузга эга бўлиб, ҳуқуқни татбиқ этишда намуна ҳисобланади¹.

Юқоридаги фикрдан кўриниб турибдики, ҳуқуқни шарҳлашда шарҳловчи субъектлар ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятининг етуқлиги катта аҳамият касб этар экан.

Юридик нормаларнинг фуқаролар, юридик шахслар томонидан шарҳланиши хусусий характерга эга бўлиб, муайян муносабатлар соҳаси билан чекланиб, махсус таҳлилни талаб этмайди. Шарҳлаш умумий асосда хусусий характерга эга бўлмай, кенг доирадаги вазиятларни қамраб олади. Ҳуқуқни татбиқ этишнинг энг оддий шакллари амалга ошганида ҳуқуқ нормаларини норасмий шарҳлаш юзага келади. Норасмий шарҳлашнинг энг оммабоп кўринишлари қонунчилик ва қонуности ҳужжатларига ёзилган шарҳларда намоён бўлади.

Ҳуқуқни татбиқ этишнинг махсус шакллари доирасида ҳуқуқ нормаларининг расмий шарҳланиши амалга оширилади. Расмий шарҳлаш мажбурий хусусиятга эга бўлиб, улар ҳуқуқ нормаларининг татбиқ этилишини осонлаштиради, ҳуқуқ нормаларини қўллашдаги ноаниқлик ва зиддиятларни бартараф этади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқ нормаларини татбиқ этишда уларни шарҳлаш муҳим бўлиб, у ҳуқуқ нормаларининг тўғри татбиқ этилишида етакчи ўринни эгаллайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳуқуқни татбиқ этишдан ҳуқуқ субъектигина манфаатдор бўлади. Яъни, ҳуқуқнинг татбиқ этилиши ёки этилмаслигини ҳал қилиш шу ҳуқуқ субъектига боғлиқ бўлади. Шарҳлаш эса ҳуқуқни татбиқ этиш механизмининг бир қисми бўлиб, ушбу жараёнда ҳуқуққа аниқлик киритилади ва уни тўғри татбиқ этиш имконияти пайдо бўлади. Мазкур фаолият ижодий жараёндир, чунки унда ҳуқуқ нормалари аниқлаштирилади ва талқин этилади.

¹ Қаранг: *Лившиц Р. З.* Теория права. – М., 1994. – С. 143.

2-§. Шарҳлашнинг ҳуқуқий онг ҳамда маданиятга таъсири

Шарҳлаш жараёнини шарҳловчи орган томонидан ҳуқуқий қоидаларни тушуниб олиш ва тушунтириб беришга йўналтирилган, мантиқий кетма-кетликда амалга ошадиган тизим сифатида тавсифлаш мумкин. Ушбу фаолият шарҳлаш тўғрисидаги ҳужжатни чиқариш билан яқунланади. Агар кўриб чиқилаётган ҳуқуқий норма ҳамма учун тушунарли тарзда баён этилган бўлса, шарҳлашни рад этиш бўйича қарор чиқариш билан яқунланади. Бунда шарҳловчи органнинг ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш жараёни маълум босқичларда олиб борилади.

Шарҳлаш жараёнлари беш босқични қамраб олади.

Биринчи босқич шарҳлаш ташаббусини кўрсатиш бўлиб, шарҳлашни амалга оширувчи субъект томонидан таклиф киритишда ўз ифодасини топади.

Иккинчи босқич ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш заруратини аниқлашдир. Бунда ҳуқуқий норманинг омма учун тушунарли ёки тушунарсизлиги, уни амалга ошириш йўлида тўсиқлар бор-йўқлиги, уни расмий шарҳлаш зарурлигига оид масалалар ҳал қилинади. Шунинг учун бундай фаолият ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш ваколатига эга органлар томонидан амалга оширилади.

Шарҳлаш жараёнининг *учинчи босқичи* шарҳланаётган ҳуқуқий норманинг маъносини аниқлаштиришдан иборат бўлади. Бунда ҳуқуқий нормани шарҳлаётган орган қонун чиқарувчи органнинг мақсадини тушуниб олиш учун норматив-ҳуқуқий норманинг мазмунини ўзи учун аниқлаштириб олади. Шу билан бирга, шарҳловчи орган ҳуқуқий қоиданинг нуфузи ва умумий аҳамиятини ошириш учун шарҳлашни таснифлаб беради.

Шарҳлаш жараёнининг *тўртинчи босқичига* шарҳланаётган ҳуқуқий қоиданинг маъносини тушунишда ўз ифодасини топган юридик ҳужжатни қабул қилиш (эълон қилиш) хосдир. Айнан шу босқичда шарҳлаш амалга ошади, яъни шарҳловчи орган юридик қоиданинг мазмунини қандай тушунганини бошқаларга тушунтириб беради. Шунингдек, бунда шарҳланаётган ҳуқуқий қоида ҳамма учун тушунарли эканлиги, уни шарҳлашнинг ҳожати йўқлиги ҳақида ҳам фикр билдирилиши мумкин.

Шарҳлаш жараёнининг *бешинчи босқичида* шарҳлаш тўғрисида қарор чиқарилиб, манфаатдор идора ва ташкилотларга маълум қилинади¹.

Ҳуқуқий нормаларни шарҳлашда шарҳлаш ҳужжатларини эълон қилиш унинг элементларидан ҳисобланади. Расмий шарҳлаш, аслида, ҳуқуқий нормаларни тушуниб олиш билан бирга, тушунтириб беришни ҳам қамраб олади. Шу боис шарҳлаш натижаларини эълон қилиш шарҳлаш жараёнининг зарурий босқичидир. Расмий шарҳлаш – қонун билан шарҳлаш ваколати, берилган давлат органлари томонидан амалга ошириладиган шарҳлаш бўлиб, умуммажбурий аҳамият касб этади².

Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш жамиятдаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият билан бевосита боғлиқ бўлиб, жамият аъзолари ва ҳар бир шахснинг ҳуқуқий нормалар моҳиятини, қонун талабларини тўғри тушунишини белгилаб беради ҳамда қонунийликка риоя қилиш даражасини кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти таъкидлаганидек, «жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир»³.

Ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш жараёнида қонунга амал қилиши шарт бўлган аҳолининг қонунларни билиши, ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданият даражасини ҳисобга олиш лозим. Ҳуқуқ нормаларини норасмий шарҳлаш – ҳуқуқий ахборотни кенг йўлга қўйиш орқали босқичма-босқич амалга ошириладиган жараён бўлиб, мамлакатда юридик таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг изчил тизимини жорий этиш орқали таъминланади. Ҳуқуқни билмай ва тушунмай

¹ Қаранг: *Спасов Б. П.* Закон и его толкование. – М., 1986. – С. 177–178.

² Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Проф. Ҳ. Т. Одилқориев таҳрири остида. – Т., 2009. – Б. 434.

³ *Каримов И. А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т., 2010. – Б. 27.

туриб юксак ҳуқуқий маданиятга эришишни тасаввур қилиб бўлмайди¹. Қонун ҳуқуқий маданиятнинг барча кўринишларига фаол таъсир кўрсата олади. Айни вақтда, ҳуқуқий маданият қонунни самарали шарҳлаш ва қўллашнинг омили ҳамда гаровидир.

Мазкур ўзаро таъсир қуйидагиларда намоён бўлади: *биринчидан*, қонун ҳуқуқий мафқуранинг инъикоси бўлиб, ҳуқуқий ғояларни ифодалашга, ҳуқуқий тартибга солиш муаммосини ҳал қилишга янги, янада тараққийпарвар ёндашувларнинг қарор топишига шароит ярата олади; *иккинчидан*, қонун асосида ҳуқуқий маданиятнинг даражасидан далолат берувчи қонун ости норматив ҳужжатлари чиқарилади, ҳуқуқий институтлар шаклланади; *учинчидан*, қонунлар ва улар асосида чиқарилган қонун ости ҳужжатлари орқали маданиятнинг энг зарур талабларига жавоб берувчи хулқ-атвор ва муносабатлар тизими қарор топади; *тўртинчидан*, қонун орқали аҳолига юридик маданиятни сингдиришга қодир бўлган муассаса ва органлар ташкил этилади ёки шакллантирилади².

Ҳуқуқни шарҳлаш мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида ва умуман, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда катта аҳамият касб этади. Барча ижтимоий жараёнлар, яъни давлат ҳокимияти тизимини ислоҳ қилиш ҳамда жамиятда ҳуқуқий ворисликни таъминлаш барқарор ва жадал ҳуқуқий тартибга солишни талаб этади. Бу эса, ўз навбатида, қонунчиликни режали тарзда ривожлантиришга, ҳуқуқий нормаларни изчил амалга оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга ёрдам беради.

Ҳуқуқий маданият – ижтимоий онг шаклларида бири, жамият умумий маданиятининг ажралмас ва ўзига хос қисмидир. Умуман олганда, ҳуқуқий маданиятни инсоният ҳуқуқ соҳасида тўплаган барча кадриятларнинг мазмуни деб таърифлаш мумкин. Ҳуқуқий онг эса ҳуқуқий воқеликнинг инсон онгида акс этиши, ҳуқуқ тўғрисидаги ғоялар, қарашлар мажмуасидир.

Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий онг, қонунийлик, қонунларни такомиллаштириш ва ҳуқуқий тажрибанинг муайян даражаси-

¹ Қаранг: *Таджикханов У., Саидов А.* Ҳуқуқий маданият назарияси. Т. 2. – Т., 1998. – Б. 7–9.

² Қаранг: *Каримов Р. К.* Роль закона в формировании правовой культуры // *Ҳуқуқ–Право–Law.* – 1998. – №2. – С. 69–70.

ни акс эттирадиган ҳамда инсоният ҳуқуқ соҳасида яратган бутун бойликларни қамраб оладиган ижтимоий маданиятнинг узвий қисми ҳисобланади. Шахснинг ҳуқуқий маданияти – жамият ҳуқуқий маданиятининг зарурий шарти, мақсади ва таркибий қисмидир¹.

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан бораётган мустақил Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳозирги даврда ғоят муҳим ва долзарб муаммодир. Шу боис, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш, фуқароларнинг барча қатламларининг ҳуқуқий саводхон бўлишига ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишларига эришиш вазифалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда тасдиқланган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»да² ҳам белгилаб берилган.

Юриспруденция соҳасида фаолият кўрсатаётган кўпчилик олимлар ҳуқуқий онгни одамларнинг ҳуқуқ ҳамда ҳуқуқий ҳодисалар муносабатига доир ғоялари, қарашлари, ҳис-туйғулари, ишончлари мажмуи сифатида таърифлайдилар. Уларнинг фикрича, ҳуқуқий онг ижтимоий онгнинг шундай соҳасидирки, унинг қамровида: тушунча, таассурот, баҳолаш, фикр юритиш каби жараёнларнинг ҳуқуқ нормаларигина шаклланиб қолмасдан, балки ҳуқуқий тизимнинг хилма-хил қисмлари борасида тушунчалар юзага келади.

Ҳуқуқий онг ижтимоий онг шаклларида бири сифатида жамиятнинг ҳуқуқий ҳаётида ўз аксини топади. Бу инъикоснинг хусусиятлари юридик тушунча ва категорияларда ифодаланади, шунингдек ҳуқуқий онг даражаси билан ҳуқуқнинг жамият ҳаётига таъсир кўрсатиш даражаси ўртасида алоқадорлик мавжудлиги кўзга ташланади.

Ҳуқуқий онг, ўз навбатида, жамият ҳаётининг иқтисодий омили ва моддий шароитлари ҳамда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлик даражаси билан боғлиқ. Шунингдек, қонунларнинг мазмунини билиш даражаси жамиятда ҳуқуқий онгнинг ривожланганлик даражаси

¹ Қаранг: *Таджиханов У., Саидов А.* Ҳуқуқий маданият назарияси. Т. 1. – Т., 1998. – Б. 30–31.

² Қаранг: Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 9. – 227-модда.

ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради: «...бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди»¹.

Ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш масаласи Ўзбекистон давлатчилиги ривожланиши ва амал қилишининг ҳозирги босқичида муҳим омиллардан биридир. Қонун ҳужжатини нотўғри шарҳлаш ҳуқуқни татбиқ этишда салбий оқибатларга олиб келади. Аммо, шу билан бирга, ҳуқуқ нормасининг нафақат ижобий, балки салбий шарҳланиши мумкинлигини ҳам инобатга олиш лозим.

Ҳуқуқ мазмунини аниқлаш шарҳловчининг ижодкорлигини ва маънавий фаоллигини талаб қилади. Шарҳлашнинг муваффақияти шарҳловчи субъектларнинг ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ. Зеро, кундалик турмушда кўпгина ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аҳолининг мавжуд ҳуқуқ нормаларининг мазмун-моҳиятини яхши билмаслиги ёки улардан мутлақо беҳабарлиги натижасида юзага келмоқда. Бундай ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ходимлари «қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди» деган принципга асосланиб, фуқароларни юридик жавобгарликка тортадилар².

Бу ҳуқуқий нигилизмнинг яққол кўринишидир. Бунга, энг аввало, жиноий жазоланадиган қилмишларни, шунингдек фуқаровий, маъмурий ва интизомий ножўя хатти-ҳаракатларни киритиш мумкин. Шунинг учун, қонунларимиз асосларидан хабардор бўлиш ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарбузарлик ҳолатларининг олдини олишда, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда ижобий натижа бермоқда. Қонунларни яхши билган шахсгина уларга риоя қилади.

¹ Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 27–28.

² Қаранг: Сувонқулов М. И. Ҳозирги замон ҳуқуқий нормаларини шарҳлашнинг назарий-ҳуқуқий масалалари // Ўзбекистонда ҳуқуқ фанини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари. – Т., 2004. – Б. 100–101.

Бундай инсон ўзини, оиласини, халқи ва давлатини ҳимоя қила олади. Қонун талабларига қатъий риоя этиш, қонунларимизга юксак эҳтиром кўрсатиш, қонун олдида барча фуқароларнинг тенг ва масъул эканлигини, бу масалада ҳеч кимда алоҳида имтиёз йўқлигини чуқур идрок этиш, ана шу қадриятни онгига мукамал синдириш барча учун муҳим фазилат ҳисобланади.

Бу борада инсон ҳуқуқлари масаласини жиддийроқ ўйлаб кўриш мақсадга мувофиқ бўлади. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилиши ҳамда уларга риоя этмаслик ҳуқуқий нигилизмнинг тўртинчи шаклидир¹. Инсон ўз хатти-ҳаракатларининг натижаси шахсга, давлатга ёки жамиятга муайян бир хавф келтиришини билмаган ёки умуман хоҳламаган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳозирги кунда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлашни муайян тарзда йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳуқуқий онг жамият тараққиётига, ижтимоий турмуш ривожига таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий ғоялар, билим ва тасаввурлар, ҳуқуқий назариялар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб бориб, фуқароларнинг онгидан ўрин олади, уларнинг хулқ-атвори ва амалий фаолиятига мафкуравий ҳамда психологик таъсир этади. Ҳуқуқий онг элементлари шахсларни маълум даражада ўзларини идора қилишга, мавжуд қонун-қоидалар доирасида ўз ҳуқуқ ва эркинликларини самарали амалга ошириш юзасидан фаолият кўрсатишга ундайди.

Таъкидлаш жоиз, ҳуқуқий маданиятнинг юксалиши ҳуқуқий таълим ва тарбия жараёнларига қанчалик эътибор кўрсатилишига боғлиқ. Жаҳон тажрибасига назар ташласак, Япония ва Малайзия каби давлатларда ҳуқуқий маданият ўқувчиларга мактаб давриданок сингдириб борилишини кузатиш мумкин. Бу мамлакатларда ёшларнинг парламент биноти олдида келиб таъзим қилиши одатий ҳол. Мазкур анъана нафақат парламент ва қонунларга ҳурмат, балки мамлакатда қонун чиқарувчи органга бўлган ишонч ва эҳтиромдан ҳам далолатдир².

¹ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Проф. Ҳ. Т. Одилқориев таҳрири остида. – Т., 2009. – Б. 312.

² Қаранг: *Очилов А.* Ҳуқуқий маданият зарурати // *Huquq va burch.* – Т., 2010. – № 11. – Б. 34.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш усул ва турларидан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, ҳуқуқ нормаларини ҳаётга татбиқ этиш кишилар онгли фаолиятининг натижасидир. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражаси ҳуқуқшуносларнинг касбий ҳуқуқий онг даражасини белгилаб беради. Касбий ҳуқуқий онг шарҳлашнинг муҳим хусусиятларидан бири, унинг касбий ҳуқуқий онгга асосланишидир. Бунда ҳуқуқий тафаккур муҳим роль ўйнайди. Ҳуқуқий тафаккурнинг асосини ҳаққоний юридик билим, жамиятда ҳуқуқий воситалар орқали ҳал қилинаётган вазифаларни назарий англаган ҳолда тушуниш ташкил этади. Истиқлол ва ислоҳот даврида ҳуқуқнинг тобора инсон ҳаёти ва фаолиятининг узвий қисмига айланиб бориши ҳуқуқ ҳодисасини янги даражадаги тафаккур мавзуйига айлантиришда тўпланган билимларни, маълумотларни умумлаштириш ва тизимлаштиришга, ҳуқуқнинг изчил амал қилишини таъминловчи ғоя ва назариялар, мазмунли тушунчалар яратишга эҳтиёжни юзага келтирди.

Шу нуқтаи назардан, ҳуқуқий тафаккур давлатнинг ҳуқуқий сиёсатини белгилаш, ҳуқуқий тизимни шакллантириш, умуман, ҳуқуқ ҳодисасини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан бирга, истиқлол моҳиятига мос ҳуқуқий тафаккурнинг шаклланиши ва ривожланишига айна замонда жамиятда ҳукмрон бўлган муносабатлар, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият, ҳуқуқшунослик фанининг даражаси, шунингдек донишманд аждодларимизнинг бой ҳуқуқий мероси катта таъсир кўрсатди¹.

Ҳуқуқ нормаларини самарали татбиқ этишда ҳуқуқни касбий шарҳлаш турининг аҳамияти беқиёсдир. Юқорида кўриб ўтганимиздек, касбий шарҳлаш ҳуқуқшунослар томонидан юридик жараённинг турли босқичларида амалга оширилади; ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида, ҳуқуқни татбиқ этиш, қўллашда ва шу каби бошқа ҳолатларда юз беради.

Амалдаги қонунчиликнинг сифат даражаси ва қонунларни амалиётга татбиқ этишнинг муваффақияти касбий ҳуқуқий шарҳлашга боғлиқдир. «Ҳозирги пайтда айрим қонунлардаги камчиликлар улар-

¹ Қаранг: *Одилқориев Ҳ.* Конституция ҳуқуқий тафаккур ва маънавий салоҳият кўзгуси // ТДЮИ ахборотномаси. – 2007. – № 5. – Б. 15.

ни ишлаб чиқарувчиларнинг етарли тайёргарликка эга эмаслиги туфайли вужудга келмоқда. Жумладан, депутатларнинг юқори даражадаги юридик маълумотга эга эмаслиги салбий натижа бермоқда. Қонун ижодкорлиги барча ижодий фаолият сингари қонуншуноздан нафақат умумий маданиятни, балки қонун ҳужжатларини шакллантириш ва ифодалаш билан боғлиқ махсус билим ва малакаларни ўзлаштиришни ҳам талаб этади»¹. Чунки, қонунлар адолатли ва ҳуқуқий кучга эга бўлиши билан бирга «...бевосита таъсир этиш кучига эга бўлиши керак, амалиётда пайдо бўладиган ҳар қандай масалаларни ҳуқуқий тизим қоидаларига мувофиқ ҳал қилишга имкон бериши зарур. Бунинг учун қонунлар пишиқ ва пухта бўлиши, яъни масалани ҳал этиш учун ижрочиларга оширилганда ва кўпинча бир-бирига зид бўлган норматив ҳужжатлар ва йўриқномалар билан чеклаб қўйилганда сансалорликни имкони борича камайтириши керак»².

Касбий ҳуқуқий шарҳлаш касбий ҳуқуқий онгга асослангани боис юристлар касбий ҳуқуқий шарҳлашни амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир. Бунга мисол қилиб, Д. У. Ариповнинг Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонунига шарҳини келтириш мумкин. Қонуннинг мазкур шарҳида унинг амалдаги барча моддалари ҳамда уларга киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчалар таҳлил қилинган. Ушбу шарҳ «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонуннинг расмий матни ва унинг моддаларига батафсил ва атрофлича ёзилган шарҳни камраб олади»³.

Касбий ҳуқуқий шарҳлаш масалаларини кўриб чиқишда мазкур шарҳлаш процессуал нормалар билан боғлиқлигини эсдан чиқармаслик керак. Қонунлар ҳуқуқий шарҳлаш жараёнларини тартибга солиб туради. Бинобарин, судгача иш юритиш пайтида қабул қилинган процессуал қарорлар ва амалга оширилган процессуал ҳаракатларнинг қонунийлиги ва асослилиги касбий ҳуқуқий шарҳлаш орқали

¹ Халилов Э. Ҳ. Становление и развитие высшего законодательного органа государственной власти Республики Узбекистан. Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Т., 2000. – С. 28–29.

² Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т., 1998. – Б. 125–126.

³ Қаранг: Арипов Д. У. Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонунига шарҳ. – Т., 2007. – Б. 89.

амалга оширилади. Чунки, жиноят процессининг судгача босқичлари дастлабки даврда ҳал қилинишини назарда тутлади. Бунда, аксарият ҳолларда ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилган шахс жиноят процес-сининг судгача бўлган босқичларида суриштирув ва дастлабки тер-говни амалга оширувчи органнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Шу сабабли касбий ҳуқуқий шарҳлаш мутахассис ҳуқуқшунослар томонидан амалга оширилиши ва унга *расмий тус берилиши* лозим, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ҳозирги шароитда жуда долзарб бўлиб, жамиятнинг ҳуқуқий қарашлари ва эътиқодларини шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Жамиятнинг ҳуқуқий онгида қонунларга риоя қилишнинг мақсадга мувофиқлиги ғояси ҳуқуқнинг ҳамма учун умумийлиги, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳақиқий кафолатланганлигига асосланиши жуда муҳим¹. Бошқача айтганда, жамиятдаги тартиб ва унинг аъзоларининг қонунга итоаткорлиги бевосита жамият ҳуқуқий маданиятининг даражасига боғлиқ. Ҳуқуқий маданият эса аҳоли ҳуқуқий жиҳатдан саводли бўлган, яъни ҳуқуқ нормаларини ва умуман норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўғри шарҳлаш қобилияти бўлган тақдирдагина мавжуд бўлади. Шундай экан, биз жамият ҳуқуқий маданиятининг ҳар бир таркибий қисмида мавжуд муам-моларни ўз вақтида аниқлашимиз ҳамда уларни ҳал этиш ва янада такомиллаштириш борасида мунтазам равишда иш олиб боришимиз зарур. Бугунги кунда келажак авлод ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва юксалтиришнинг муаммоларга бой таркибий қисми ҳуқуқий онг ва уни янада кўтариш борасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш ҳисобланади, десак хато қилмаймиз². Ҳуқуқ нормалари аҳолига қанчалик маълум ва тушунарли бўлса, уларнинг амалга ошиши, жумладан, қўлланилиши шунчалик самарали бўлади.

¹ Қаранг: *Хамраев А. А.* Судьяларнинг касбий ҳуқуқий онги (назария ва амалиёт). – Т., 2003. – Б. 137.

² Қаранг: *Исмаилов И.* Ҳуқуқий маданият: уни шакллантириш ва юксалтириш муаммолари // *Vola va zamon.* – 2008. – № 2. – Б. 8.

3-§. Замоनावий ҳуқуқий тизимларда ҳуқуқни шарҳлашнинг ўзига хос жиҳатлари

Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш, замоनावий ҳуқуқий тизимларнинг хилма-хиллиги боис, турлича ривожланган. Умумий ҳуқуқий тизимда (англо-америка ҳуқуқ тизимида), тарихий шаклланиш жараёнига кўра қонунлар мавжуд бўлса-да, суд қарорлари муҳим роль ўйнайди. Англо-америка ҳуқуқий тизимида қонунлар судлар томонидан шарҳланмагунча ҳеч қандай маънога эга бўлмайди. Континентал ҳуқуқий тизимда суд амалиётининг роли бекиёс бўлса ҳам, қонунларга ҳурмат баланддир. Континентал ҳуқуқий тизимда кодекслар асосида ҳуқуқ яратилса, умумий ҳуқуқий тизимда суд амалиётида яратилган нормалар кодексда ўз аксини топади¹. Шу нарсага эътибор қаратиш жоизки, турли мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимлари, айниқса қонунчилиги турфа тилларда, турли юридик техника қоидалари асосида маънавияти, эътиқоди, таркибий тузилиши ҳар хил бўлган жамиятлар учун яратилади².

Англияда шарҳлаш мазкур мамлакатнинг кўп асрлик тараққиётида вужудга келтирилган одат ҳуқуқи ва статут ҳуқуқи асосида амалга оширилади ва алоҳида қонун асосида тартибга солинади. Мазкур қонун 1889 йил 30 августда қабул қилинган бўлиб, унда иккита умумий принцип кўзга ташланади³. *Биринчи принципга* кўра, шарҳлаш тўғрисидаги қонун фақат қонунларда махсус тушунчалар берилмаган ҳолатда қўлланилади. Шарҳлаш тўғрисидаги қонуннинг ҳар бир моддасида бошқа қонунлар асосида шарҳлашнинг бошқа қоидалари белгиланиши мумкинлиги ҳақида сўз боради. *Иккинчи принцип* эса шарҳлашнинг акс таъсир кўрсатиш натижасидир. Бунинг маъноси шундаки, қонунларни шарҳлаш жараёнида янги ҳуқуқий нормалар яратилмайди ва мавжудлари ўзгартирилмайди. Шарҳланаётган нормани қонун яратувчи орган қандай тушунган ва унга қандай маъно берган бўлса, ўша маъноси ўзгармай қолиши керак.

¹ Қаранг: *Рене Давид*. Основные правовые системы современности. – М.; 1967. – С. 379.

² Қаранг: *Давид Р., Жоффре-Спиноза К.* Основные правовые системы современности. – М., 1996. – С. 18.

³ Қаранг: *Митрофанов Ю. А.* Толкование закона в Великобритании и его нормативное регулирование. – М., 2000. – С. 206.

Шарҳлаш тўғрисидаги қонунда мазкур қонуннинг қўлланиши белгилаб қўйилган. Унга кўра, ушбу қонун кучга киритилганидан бошлаб қўлланилади ва унгача мавжуд бўлган қонунлар учун амал қилмайди. Шарҳлаш тўғрисидаги қонун ўз мазмунига кўра турли термин, тушунча ва нормалардан иборат. Қонун мазкур термин ва тушунчалардан фойдаланиш қоидаларини белгилайди, шунингдек қонунларни шарҳлашни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларини ўрнатади. Табиийки, шарҳлаш тўғрисидаги қонун шарҳлашнинг энг муҳим қоидаларини белгилаб беради, чунки ҳуқуқ нормаларини шарҳлашда дуч келинадиган барча ҳолатларни бир қонун билан тартибга солиш мумкин эмас.

Шарҳлаш тўғрисидаги қонуннинг ярмидан кўпроқ матнини эгаллаган 10 та модда қонунларда фойдаланиладиган махсус термин ва тушунчаларни таърифлашга бағишланган. Масалан, қонуннинг 13-моддаси бешинчи қисмида белгиланишича, «Англия, Уэльс ва Ирландияда ўз ифодасини топган «ассизлар» ибораси одатда ҳар йили ўтказиладиган ассизлар судларини билдиради» ва ҳоказо. Шарҳлаш тўғрисидаги қонунда ҳуқуқни қўлловчилар учун бошқа кўплаб фойдали таърифлар мавжуд бўлиб, улар аксарият мамлакатларнинг қонунчилигида ўз аксини топмаган.

Шундай қилиб, умумий ҳуқуқ тизимида суд қарорларига ҳавола этилмай қабул қилинадиган қарорлар жуда кам учрайди. АҚШда Асосий қонун – Конституция умумий ҳуқуқ устидан ҳукмронлик қила олади. Ушбу мамлакатда қонунчилик кейинроқ шаклланган бўлиб, кодификациялашган хусусиятга эга эмас. Шунинг учун у ерда қонунга бўлган муносабат суд қарорларига бўлган муносабат билан бир хил эмас. Ҳозирги шароитда уларнинг ўзаро яқинлашуви кузатилмоқда. АҚШ статут ҳуқуқида Англия ҳуқуқида бўлмаган кодекслар ҳам учрайди. Бир қанча штатларда Фуқаролик кодекси амал қилади, 25 та штатда Фуқаролик процессуал кодекси, ҳамма штатларда Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари мавжуд.

Ҳуқуқнинг норматив ривожланишида ваколатли органларнинг бевосита ҳуқуқ ижодкорлиги натижасида ҳуқуқий тартибга солишнинг махсус-юридик, тенглик хусусиятлари ривожланиши учун кенг имкониятлар очиб берилган. Муайян суд қарорлари асосида буни

амалга ошириш мумкин эмас, чунки судья биринчи навбатда муайян ишни қандай ҳал этиш лозимлиги ҳақида бош қотиради¹.

Ҳуқуқнинг норматив ривожланиши ижтимоий ҳаётнинг мураккаб муаммоларини ҳал этишда норматив қарорлар зарурлигидан келиб чиқади. Шунинг учун англо-америка ҳуқуқ тизимида ҳам қонунларга бўлган муносабат ўзгара бориб, ҳуқуқнинг норматив йўлдан ривожланиши кўзга ташланмоқда. Шу билан бирга, парламент томонидан яратилган қонунлар асосий ҳуқуқ манбаи сифатида тан олинган мамлакатларда суд қарорларига ҳам эътибор кучайтирилмоқда.

Суд қарорларининг ҳақиқий ролига баҳо бермоқ учун асосий эътиборни унинг доктринал ролига эмас, балки бошқа омилга, яъни суд амалиёти бўйича тўплам ва маълумотларнинг кўпайиб бораётганига қаратмоқ лозим. Ушбу тўплам ва маълумотлар ҳуқуқ тиражи ёки социология учун ёзилмай, балки «суд амалиёти бевосита ҳуқуқ манбаи сифатида тан олинаётганлигидир»².

Демак, суд амалиёти – суд органларининг юридик нормаларни шарҳлаш, қўллаш каби ҳолатлар бўйича олиб борадиган фаолияти бўлиб, суд ҳуқуқни қўллаш натижасида муайян қарорлар қабул қилади. Суд амалиётида ҳуқуқни шарҳлашнинг моҳияти шундаки, бунда ҳуқуқий тушунтириш ва ҳуқуқий ҳолатларни таҳлил қилиш амалга оширилади. Аммо суд амалиётининг ўзигина ҳуқуқ манбаи эмас. Масалан, Францияда суд амалиёти миллий миқёсда ягона шаклдаги ҳуқуқ манбаи ҳисобланади³.

Юридик адабиётларда Олий суд Пленумининг тушунтиришларини бевосита ёки билвосита ҳуқуқ манбаи сифатида тан олиш кераклиги ҳақида фикрлар билдирилмоқда⁴. Масалан, валютага оид қонунчиликда жисмоний шахснинг «доимий яшаш жойи» тушунчаси таърифланмаган, унинг таърифи фуқаролик қонун ҳужжатларида ҳам

¹ Қаранг: *Гастанбекова Г.* Замонавий ҳуқуқ тизимларида ҳуқуқни шарҳлаш хуусиятлари // Давлат ва ҳуқуқ назариясининг долзарб муаммолари мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари. – Т., 2011. – Б. 152.

² Қаранг: *Давид Р.* Основные правовые системы современности. – М., 1967. – С. 142.

³ Қаранг: *Иванов С. А.* Судебные постановления как источник трудового права // Судебная практика как источник права. – М., 1997. – С. 27.

⁴ Қаранг: *Лившиц Р. З.* Судебная практика как источник права. – М., 1997. – С. 9.

берилмаган. Шу боис ушбу тушунчанинг мазмуни расмий шарҳларда ифода этилган.

Маълумки, юридик сўз ва иборалар барча мавҳум тушунчаларни ёхуд маълум бир тушунча ёки ҳодисани қамраб олади. Биринчи усул қўлланилганида қонун матни мураккаблашади ва қонунчиликда бўшлиқ пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Иккинчи усулни қўллашнинг ҳам ўзига хос мураккабликлари бор. У ёки бу терминни қўллаш сўз ва ибораларнинг хусусиятидан келиб чиқади. Умуман олганда, иккала усулни қўллаб, маълум бир мутаносибликка эришиш мумкин¹.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, Буюк Британияда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги сўз ва ибораларни қандай тушуниш кераклиги тўғрисида алоҳида қонун мавжуд. Унга кўра, «ёзма» ибораси сўзларни ёзма шаклида мавжудлигини билдириш кўзда тутилган мамлакатларнинг қонунчилигида мазкур тушунчани бундай шарҳлаш учрамайди. Ушбу давлат қонунчилигида мавжуд Шарҳлаш тўғрисидаги қонунининг 31-моддасида қайд этилишича, агар қонуности ҳужжатларида сўз ва иборалар қонунда кўрсатилган аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган бўлса, улардан ўша ҳолида фойдаланиш лозим. Мазкур норманинг мавжудлиги давлат органларининг қонуности ҳужжатларни шарҳлашининг олдини олади².

Шарҳлаш тўғрисидаги қонуннинг 32-моддасида бирор-бир қонун бирор-бир шахсга норматив ҳужжатлар чиқариш ҳуқуқини берган бўлса, мазкур ҳуқуқ, агар қонунда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўзгартириш, тўлдириш ёки бекор қилиш ҳуқуқини ҳам бериши кўрсатиб ўтилган. Мазкур ҳуқуқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзгартириш, тўлдириш ёки бекор қилиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни чиқариш учун ўрнатилган тартиб амалга оширилади.

Шарҳлаш тўғрисидаги қонуннинг 33-моддасига асосан бир вақтнинг ўзида бир неча қонунларни, ёки бир вақтнинг ўзида ҳам қонун, ҳам одат ҳуқуқини бузиб, ҳуқуқбузарлик содир этган шахс қонун ёки одат ҳуқуқи бўйича жавобгарликка тортилади ва бир қилмиш учун

¹ Қаранг: Язык закона / Под ред. А. С. Пиголкина. – М., 1990. – С. 129–130.

² Қаранг: *Митрофанов Ю. А.* Толкование закона в Великобритании и его нормативное регулирование. – М., 2000. – С. 206.

икки маротаба жазоланиши мумкин эмас. Моддадаги мазкур норма шархлаш учун қўлланиладиган нормадан кўра кўпроқ ҳуқуқий принципга ўхшаб кетади. Мазкур принцип бир қатор мамлакатларнинг қонунчилигида ўз аксини топган.

Англо-саксон ҳуқуқ оиласида қонунларнинг алоҳида тури сифатида умумий ҳуқуқнинг муайян қоидаларини бекор қилувчи қонунлар (*disabling Acts*), умумий ҳуқуқни тўлдирувчи ёки унда янги қоидалар ўрнатувчи қонунлар (*enabling Acts*) ажратиб кўрсатилади¹.

Инглизларда қабул қилинаётган қонунларга қисқа ном бериш расм бўлган. Масалан, юқорида кўриб чиқилаётган қонун қисқача «Шархлаш тўғрисидаги қонун» деб номланган. Ушбу ҳолат қонунчилик ёки бошқа ҳужжатларга ҳавола этилганида қонунчилик матнидан фойдаланишда қулайлик туғдиради. Шархлаш тўғрисидаги қонуннинг моддаларидан бирида қонунларга ҳавола қилиш тўғрисидаги қоида белгиланган².

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги сўз ва ибораларга аниқлик киритиш учун махсус ҳужжат қабул қилиниб, унда сўз ва иборалар шарҳи эълон қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди. АҚШнинг бир қанча штатларида ушбу ҳолат ўз аксини топган. Масалан, Нью-Йорк штатида, «Қонун ҳужжатларини умумий шархлаш» тўғрисидаги қонун мавжуд³. АҚШ ҳуқуқ тизими Англия ҳуқуқ тизимидан бироз фарқ қилади. АҚШ таркибидаги штатлар кенг ваколатларга эга бўлиб, бу ваколат доирасида улар ўз қонунлари ва президент ҳуқуқи тизимини яратадилар. Ҳар бир штат судлари ўз ваколатларини мустақил равишда амалга оширади.

Англо-америка ҳуқуқий тизимида амал қиладиган ҳуқуқ прецеденти маъмурий ёки суд органининг ёзма ёки маъмурий органлар томонидан, янги ҳуқуқий нормалар яратилишига хизмат қилади. Уларда суд ёки маъмурий органларнинг қарорлари икки ёқлама аҳамиятга эга бўлиши мумкин: биринчидан, суд ўз фаолияти натижасида янги бир ишни кўриб чиқади; иккинчидан, бу суд қарори

¹ *Ҳайитбоев Ф. П., Нажимов М. К.* Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. З.М.Исломов. – Т., 2008. – Б. 70.

² Қаранг: *Митрофанов Ю. А.* Толкование закона в Великобритании и его нормативное регулирование. – М., 2000. – С. 207.

³ Қаранг: *Язык закона / Под ред. А. С. Пиголкина.* – М., 1990. – С. 130.

келгусида амалга ошадиган ишларнинг кўриб чиқилишига асос бўлиши мумкин. Иккинчи ҳолатда суд қарори ҳуқуқ нормасига айланади, яъни ушбу қарор прецедентга асосланади.

Суд қарорларини шарҳлаш прецедент сифатида қуйидаги кўринишда бўлади: биринчидан, ҳуқуқ нормаларининг маъноси тушуниб олинади ва тушунтириб берилади. Бу декларатив прецедентдир. Иккинчидан, прецедент шарҳланаётганда янги нормалар яратилади, уларни инглизлар оригинал прецедент деб номлайдилар.

Суд прецеденти ҳуқуқ шакли бўлиб хизмат қиладиган мамлакат Англиядир. Бу ерда мавжуд прецедент инглиз одат ҳуқуқи деб ҳам номланади. Шунинг учун юқорида кўриб чиқилган Шарҳлаш тўғрисидаги қонунда одат ҳуқуқини шарҳлаш принциплари баён қилинган. Унга кўра, қонунчиликда кўзда тутилган ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш қоидалари мавжуд бўлмаган тақдирда кўп сонли одат ҳуқуқининг қоидаларидан фойдаланилади.

Шарҳлаш тўғрисидаги қонунда судлар муайян ишларни кўриб чиқишда амал қилиши лозим бўлган кўпдан-кўп бошқа умумий қоидалар ҳам мавжуд. Аммо бу ҳуқуқ нормаларининг бир хилда шарҳланиши учун кафолат бўла олмайди, чунки Буюк Британия олий судлари (юқори суд, Апелляция суди ва Лордлар палатаси) прецедентларни ҳисобга олмаган ҳолда, алоҳида ишлар бўйича ўз қарорлари доирасида ҳуқуқ нормаларини шарҳлаши мумкин. Шу боис шарҳлашни қонун асосида тартибга солиш ҳуқуқда учрайдиган турли тушунча, ҳуқуқ нормаларини ҳар хил тушуниш, балки боғлиқ турли зиддиятларни бартараф этишнинг энг мақбул усули ҳисобланади¹. Шундай қилиб, Англияда қонуннинг қабул қилиниши, уни шарҳлаш суд прецедентига боғлиқ бўлиб, унинг бир хилда шарҳланишига кафолат йўқ.

Англия ҳуқуқи ҳозирда ҳам асосан муайян ҳолатларни кўриб чиқиш жараёнида судлар томонидан ишлаб чиқилган суд ҳуқуқи бўлиб қолмоқда. Прецедент қоидаси нуқтаи назаридан қараганда, бундай ёндашув низоларни келтириб чиқаради, бунда умумий ҳуқуқ нормалари кўпроқ ўзгарувчан ва биров мавҳум ҳисобланади, лекин

¹ Қаранг: *Митрофанов Ю. А.* Толкование закона в Великобритании и его нормативное регулирование. – М., 2000. – С. 208–209.

роман-герман ҳуқуқ тизими нормаларига нисбатан ҳуқуққа кўпроқ казуистик мазмун бағишлайди.

Роман-герман ҳуқуқи тизимида одат ҳуқуқи ўзига хосдир. Ушбу тизимда шундай ҳолатлар бўладики, одатлар «қонунга қарши» бўлиб қолади. Масалан, Италия навигация ҳуқуқида денгиз одати ҳуқуқи фуқаролик кодекси нормасидан устун келиб қолади. Бугунга келиб одат ҳуқуқи, баъзи истисноларни эътиборга олмаганда, ўз аҳамиятини йўқотди.

Роман-герман ҳуқуқ тизимида суд амалиётини ёрдамчи манбалар қаторига кўшиш мумкин эмас. Бу, биринчи навбатда, «кассация прецеденти» билан боғлиқ. Чунки кассация суди – олий босқич бўлиб, бунда «оддий» суднинг қарори, масалан, қиёслаш ёки умумий принципларга асосланган кассация босқичини ўтиб, шунга ўхшаш ишларни ҳал қилишда бошқа судлар томонидан фарқли прецедент деб қаралиши мумкин. Инглиз юристи сингари америкалик юрист учун ҳам ҳуқуқ, аввало, суд амалиётидир. Қонун чиқарувчи томонидан чиқарилган нормалар кўп маротаба судлар томонидан қўлланилган ва шарҳлангандагина суд қарорлари далил (прецедент) сифатида келтирилади¹.

Роман-герман ҳуқуқ тизимида, шу ҳуқуқ оиласи асосий принципларини ишлаб чиққан доктрина алоҳида ўрин эгаллайди. Доктрина қонун тайёрлаш фаолиятида анча муҳим роль ўйнайди. У ҳуқуқни қўллаш фаолиятида (қонунларни шарҳлашда) ҳам кенг қўлланилади.

Ислом ҳуқуқ тизими, бошқа ҳуқуқий тизимлардан фарқли равишда, Қуръондан бошланади. Унда ҳуқуқ инсоният ақлу идроки ва ижтимоий шарт-шароитнинг маҳсули сифатида эмас, балки Аллоҳ ўрнатган тартиб сифатида таърифланади. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлашдаги фарқ ҳам мазкур хусусиятдан келиб чиқади.

Ислом ҳуқуқида ҳуқуқий нормалар эмас, балки жамият ҳаётидаги барча ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормаларни шарҳлаш мумкин. Лекин дунёвий ҳуқуқий тизимлардан фарқ қилган ҳолда, ислом ҳуқуқида шарҳлаш ибораси қўлланилмайди. Адабиётларда келтирилган «шарҳлаш» ибораси билан мазкур фаолият мазмуни англатилган. Ислом ҳуқуқига биноан Қуръон нормалари шарҳланади.

¹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Б. Бобоев, Ҳ. Т. Одилқориев – Т., 2000. – Б. 398.

Ислом ҳуқуқи назариясида Аллоҳнинг инояти бўлган ҳуқуққа шарҳ ва изоҳлар берилиши мумкинлиги тан олинади, шу боис асрлар давомида бунга ислом ҳуқуқшунос (фақиҳ)ларининг машаққатли меҳнати сарфланган. Уларнинг меҳнати янги ҳуқуқни яратишга эмас, балки Аллоҳ берган ҳуқуқдан амалиётда фойдаланишда кўмак беришга қаратилган. Мусулмон ҳуқуқшунослари орасида энг таниқли шахс ҳамюртимиз Бурҳониддин Марғиновичдир. Бу мўътабар зот бутун ислом оламида ҳанафий мазҳабининг фикҳ масалалари бўйича асосий қўлланмасига айланган «Ҳидоя» китоби билан машҳурдир. У ислом ҳуқуқида фикҳ илми бўйича энг аниқ, изчил, мукаммал асар сифатида тан олинган. «...Бу соҳада ўзи яратган буюк асарлари ва мактаби билан ислом ҳуқуқшунослиги асосларини белгилаб бергани ва шу илмнинг ҳар томонлама ривож топишига қўшган ҳиссаси билан Марғинович ҳазратларига тенг келадиган бошқа аллома камдан-кам топилади десак, асло муболаға бўлмайди»¹.

Бурҳониддин Марғинович ёзган тўрт жилдлик «Ҳидоя» китоби суннийлик оқимида ҳанафий мазҳаби бўйича энг муҳим ва мукаммал ҳуқуқий манба сифатида 57 та китоб, 165 та боб, 152 фаслдан таркиб топган бўлиб, мерос ҳуқуқидан ташқари, фуру-л фикҳнинг барча соҳаларини, нафақат одатдаги ҳуқуқий соҳани, балки ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган. Унда мусулмон киши билиши шарт бўлган мақсадлар, амал қилиши талаб этилган рўза, бериши шарт бўлган закот, зиёрат қилиши керак бўлган ҳаж батафсил ёритиб берилган. Бурҳониддин Марғинович ўз асарларида ислом ҳуқуқининг асосий манбаи бўлган Қуръон оятларига таяниб, юридик нормалар, шунингдек диний ва ахлоқий муносабатларни шарҳлайди². Хусусан, аллома оила ва никоҳга оид оятларни шарҳлашда қуйидагиларни таъкидлайди: «Билгинки, никоҳ бобида гувоҳлик шартдир». Чунки Расуллоҳ (с.а.в): «Гувоҳларсиз никоҳ – никоҳ эмас»³, деганлар. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Бурҳониддин Марғиновичнинг «Ҳидоя» китоби мусулмон оламида мавжуд ҳамда катта амалий

¹ Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т., 2001. – Б. 114–115.

² Қаранг: *Ғаззолий Абу Ҳомид*. Мукашафт-ул-кулуб (қалблар кашфиёти). – Т., 2004. – Б. 263.

³ Қаранг: *Бурҳониддин Марғинович*. Ҳидоя. I жилд. – Т., 2001. – Б. 647–648.

аҳамиятга молик кўплаб ҳуқуқий муаммоларни шарҳлаш орқали ҳал қилишга қаратилган.

Қозилар судлов ишини кўраётганда мавқеи таниқли бўлган саҳиҳ асарларга мурожаат қиладилар. Ислом судининг тузилиши оддийлиги билан ажралиб туради. Қозининг якка ўзи ҳамма турдаги ишларни кўра олган. Судларда иерархия мавжуд бўлмаган. Шарқ давлатчилиги тарихи хусусида асар ёзган дастлабки олимлардан бири Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Ҳабиб ал-Мавардий ўзининг «Ал-Аҳком ас-султонийя вал-вилоят ад-динийя» (Давлатчилик қонунлари ва шаръий бошқарувлар) асарининг олтинчи бобини давлат ва жамият бошқаруви тизимидаги адлия ишларига бағишлаган. Тўлиқ номи – «Қозилик. Адлия ишлари. Ҳуқуқий-ташкилий масалалар ва ҳолатлар». Унда турли долзарб масалаларга ижобий ва холисона ёндашилган бўлиб, қозиликнинг шартлари лўнда ва батафсил ифода этилган¹.

«Ҳидоя» китобида ҳуқуқий масалаларнинг ечими дастлаб фикҳ илмининг таниқли олимлари фикҳларининг баёни ва унга бошқа мужтаҳидларнинг эътирозлари ёки кўшилишларини изҳор этиш орқали берилган. Ана шу обрўли фақиҳларнинг фикрларидан келиб чиқиб, муайян ҳуқуқий масалаларда энг мақбул ечимни танлаб олиш йўлига амал қилинган. Шу тариқа унда қонуннинг айнан ифодасигина эмас, балки мукамал шарҳи ҳам асослаб келтирилган².

Роман-герман ҳуқуқ тизими ўзига хос манбалари бўйича ислом ҳуқуқи ҳукмронлик қилган мамлакатларни четлаб ўтмаган бўлса-да, аммо ислом ҳуқуқи миллионлаб кишилардан иборат оммага таъсир кўрсатувчи мустақил ҳуқуқий тизимлигича қолмоқда.

Умуман, ислом ҳуқуқий тизими ҳуқуқий нормаларни шарҳлашга кенг ўрин ажаратади. Ислом ҳуқуқий тизимининг негизи – Қуръон инсоният ақлу идроки ва ижтимоий шарт-шароитнинг маҳсули эмас, балки Аллоҳнинг туҳфаси деб ҳисобланишидан келиб чиққан ҳолда ундаги нормаларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш ва тўғри тушун-

¹ Қаранг: *Жўраев З. М.* Ал-Мавардийнинг «Ал-аҳком ас-султонийя» асарларида адлия ва давлат бошқарувига оид масалалар // *Ҳуқуқ–Право–Law*. – № 4. – 2003. – Б. 62.

² Қаранг: *Исхаков С. А.* Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари – муҳим ҳуқуқий манба (тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). *Юрид. фан. номз. ... дис. автореф.* – Т., 2002. – Б. 17.

тириш муҳимдир. Улардаги ҳуқуқ нормаларини шарҳлашдаги фарқ ҳам юқорида кўрсатиб ўтилган хусусиятдан келиб чиқади.

Шундай қилиб, замонавий ҳуқуқий тизимлар хусусиятлари ҳуқуқни шарҳлашга таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий тизимларнинг манбалари, принциплари, қонун ва одат ҳуқуқи нисбати, таълимоти ҳуқуқни шарҳлашнинг табиатини белгиловчи омил бўлиб хизмат қилади.

4-§. Шарҳлашнинг ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти учун аҳамияти

Қонунчилик тизимининг сифати қабул қилинган қонунларнинг сони билан эмас, балки амалга ошиш даражаси билан боғлиқ. Қонун чиқарувчи органнинг иродасини англамай туриб ҳуқуқ нормаларини қўллаш мумкин эмас. Қонун чиқарувчи органнинг қонунларни шарҳлаши ҳуқуқ ижодкорлиги соҳаси учун манфаатлидир. Аслида, қонунларни шарҳлаш уларни қўллаш жараёнига тегишлидир. Ҳуқуқни қўлловчи субъектлар қонун асосида ҳаракат қилишлари учун қонун чиқарувчи орган қабул қилинган қонунларни шарҳлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, қонунларни қонун чиқарувчи органнинг ўзи шарҳлаши расмий шарҳлашнинг аутентик турига киради. Агар қонун чиқарувчи орган қонунларни шарҳлашни бошқа орган зиммасига юкласа, мазкур шарҳлаш легал шарҳлаш деб аталади. Иккала шарҳлаш тури ҳам норматив хусусиятга эга бўлиб, юридик аҳамиятга эга бўлади ва қонун каби ҳуқуқ ижодкорлиги хусусиятини касб этади¹.

Аутентик шарҳлаш ҳақиқийликни, дастлабки манбаларга асосланганликни назарда тутаяди. Ўзбекистон Республикасида аутентик шарҳлаш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, унинг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, халқ депутатлари вилоятлар, туман ва шаҳар Кенгашлари, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича берилган. Бу шарҳлашнинг вазифаси Ўзбекистон

¹ Қаранг: *Алексеев С. С.* Общая теория права. Т. 2. – М., 1982. – С. 309.

Республикасининг ҳуқуқида ҳуқуқий нормаларни тўғри қўллаш учун уларни умуммажбурийлик кучига қараб бир хилда шарҳлашдир¹.

Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш маълум юридик ишлар бўйича юридик фактлар ёки муайян ҳуқуқ нормаларига асосланиб амалга ошириладиган давлатнинг ҳуқуқни қўллаш борасидаги фаолиятида алоҳида аҳамият касб этади, чунки давлатнинг ҳуқуқни қўллаш борасидаги фаолияти жамият манфаатларидан келиб чиқади ва қонунга мувофиқ равишда амалга оширилиши лозим. Ҳуқуқни қўллашда шарҳлашнинг аҳамияти шундаки, у орқали ҳуқуқий нормалар изоҳланади. Бу, ўз навбатида, ҳуқуқ ижодкорлигига туртки беради. Давлат идораларининг вазифаси, ваколатлари ҳамда фаолият йўналишлари қонунда белгилаб қўйилади. Ана шу ваколатлар доирасида ҳар бир давлат идораси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади. Уларнинг ваколатлари даражаси ва қўлами норматив ҳужжатларнинг юридик кучини, ўзаро муносабатлик муносабатларини белгилаб беради.

Одатда, давлат идораларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонун ҳужжатларида улар қандай юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиши белгилаб қўйилади. Масалан, Ўзбекистон Конституциясига кўра Олий Мажлис – қонун қабул қилади (84-модда), Президент – фармон, қарор ва фармойишлар (94-модда), Вазирлар Маҳкамаси эса қарор ва фармойишлар чиқаради (98-модда).

Мансабдор шахснинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ва қабул қилиш фаолияти ҳуқуқ ижодкорлиги ҳисобланади. Қонун чиқарувчининг қонунларни шарҳлаши ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасига тегишли бўлса-да², бироқ унинг ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ хатти-ҳаракати ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти доирасига кирмайди.

Ҳуқуқ ижодкорлиги давлат фаолиятининг ҳуқуқий шаклларида бири бўлиб, бу жараёнда қуйидаги функциялар бажарилади: қонунлар, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаш, амалдаги қонунчиликни янгилаш, уни ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларига доимо мослаштириб туриш, эскирган ҳуқуқий нормаларни бекор қилиб

¹ Қаранг: *Тастанбекова Г.* Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш турлари // Фалсафа ва ҳуқуқ. – 2010. – № 4. – Б. 38.

² Қаранг: *Лебедев В. М.* Теория права. – СПб, 2001. – С. 193.

бориш, ҳуқуқда ҳал этилмаган жабҳаларни тўлдириб бориш, қонунчиликни такомиллаштириш ва тизимлаштириш¹. Мазкур функцияларнинг юқори савияда ва мунтазам равишда бажариб турилиши ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлиги ошишини ҳамда қонунчилик тизими мукамал бўлишини таъминлайди.

Шарҳлаш янги юридик ҳужжатлар яратиш ҳамда қонунлар ва юридик нормалар мажмуини тузишда катта аҳамиятга эга бўлиб, шарҳлашнинг ҳуқуқ нормаларини қўллаш ва уларни бошқа шаклларда амалга оширишдан кўзда тутилган асосий мақсад мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туб моҳияти ва мазмуини содда тарзда кенг жамоатчиликка етказиб бериш ва бу орқали жамиятда қонунийликни таъминлашга эришишдир.

Қонунлар ва қонун чиқариш билан боғлиқ фаолият кишилик жамияти тараққиётининг ҳамма даврларида муҳим ўрин тутган. Қонунларнинг энг асосий ижтимоий вазифаси жамиятда тартиб-интизом ва барқарорликни таъминлашдан иборат. Аслида, ҳар қандай қоида – ижтимоий тажрибанинг мужассамлашган ифодаси, қайта-қайта такрорланиши оқибатида ҳаётдан ўрин олган ва умум эътироф этган ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий қоидаларда акс эттирилганлигидир. Қонун чиқарувчининг мақсади эса самарали қонунлар воситасида давлат ва жамият манфаати нуқтаи назаридан ижтимоий муносабатларнинг муҳимлик даражасини белгилаш ҳамда уларни тартибга солишдан иборат².

Шуни назарда тутиш лозимки, ҳуқуқий нормаларни аниқ муносабатларга қўллаш давомида оқилона қонунчилик жараёнига тинимсиз равишда тузатишлар киритиб турилади. Бу, ўз навбатида, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида ҳуқуқ нормаларини шарҳлашни тақозо қилади. Ҳатто, юксак ривож топган қонунчилик шароитида ҳам иқтисодий муносабатларга эҳтиёж бўлган чоғда, тегишли қонунчилик ҳужжати амал қилиб турганлигидан қатъи назар, ҳуқуқий нормани ҳаётдан «сиқиб чиқариш» мумкин. Кейинчалик бундай муносабатлар умумий тарзда янги қонун билан тартибга солинади.

¹ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Проф.Ҳ.Т.Одилқориевнинг таҳрири остида. – Т., 2009. – Б. 238.

² Қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Т., 1995. – Б. 29–30.

Қонуннинг сифатини яхшилаш ҳозирги даврнинг долзарб вазифаси бўлиб, унинг нуфузини ошириш, устунлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Кейинги пайтларда қабул қилинган баъзи қонунларда аниқлик, лўндалик, маънодорлик ва фикр тиниқлиги етишмаяпти. Бир қатор қонунларнинг қоидалари декларатив ва инкор шаклида бўлиб, муайян муносабатларни тартибга сололмайди ёки уларда битилган нормаларнинг амалга ошиш механизми яратилмаганлиги туфайли, амал қилмайдиган, «ўлик» қоида тусини олади¹.

Амалдаги қонунларимиз таҳлили шуни кўрсатадики, баъзи қонунлар ниҳоят даражада умумий кўринишда бўлиб, қўша-қўша ижроия ва идоравий-ҳуқуқий ҳужжатларни тиркамай туриб уларни ҳаётга жорий этиб бўлмайди. Бошқа бир қонунлар эса меъёридан зиёд майдалаштирилган бўлиб, аслида, ҳукумат қарори ёки вазирлик йўриқномасига ўхшаб кетади². Шунинг учун ҳозирги кунда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлашни муайян тарзда йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатдаги бутун ҳуқуқ ижодкорлиги, шу жумладан, қонун ижодкорлиги муайян процессуал қоидалар доирасида амалга ошади. Қонунни яратиш муносабатлари, шунингдек бу муносабатларда иштирок этадиган субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатувчи моддий ҳуқуқ қоидалари процессуал нормалар орқали ҳаётга жорий этилади.

Бу ҳақда Республикамиз Биринчи Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида шундай деган эди: «...Энг асосий камчилик қабул қилинадиган қонунларда аксариат ўринларда ана шу қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларнинг мавжуд эмаслигида кўзга ташланади. Бу эса ўз-ўзидан ушбу ҳужжатларнинг қўлланишини сезиларли даражада қийинлаштиради, қонунларнинг ижро этилмаслигига, ҳуқуқий нигилизмга, яъни ҳар қандай ҳуқуқий норманинг инкор қилинишига, ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигининг пасайишига олиб келади»³.

¹ Қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Т., 1995. – Б. 66.

² Ўша жойда.

³ *Каримов И. А.* Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир // Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т., 2010. – Б. 14.

Процессуал қоидаларнинг аҳамияти шундаки, улар ваколатли идоралар томонидан бажариладиган ҳаракатлар тартибини ўрнатиш орқали моддий нормаларнинг таъсирчанлигини оширади, ҳуқуқий тартибга солиш мақсадига тезлик билан эришишни таъминлайди. Шу сабабдан ҳам процессуал шаклга моддий-ҳуқуқий нормаларнинг бажарилиш воситаси ва кафолати деб қарамоқ лозим. Қонунчилик ҳокимиятини амалга ошириш ҳуқуқи ҳам моддий ҳуқуқ ҳисобланиб, бу ҳуқуқни амалга ошириш қисмининг юридик белгиланган тартиби бўлишини тақозо этади.

Эндиликда қонунлар ва бошқа ҳужжатларни шарҳлаш, уларни аҳолининг барча қатламларига тушунарли тарзда кенгрок талқин этиш учун шарҳлашнинг синондан ўтган тартиби ҳамда қоидаларидан унумли фойдаланиш зарур. Бундай тартиб ва қоидаларни депутатлар, давлат органларининг ходимлари, қонун лойиҳаларини тайёрловчилар, ҳуқуқни қўлловчи идоралар тўлиқ ўзлаштириб олишлари ва амалда қўллашлари керак.

Ҳуқуқ нормаларини шарҳлашда фактлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнининг расмий органлар иродасига мос келиши, уларнинг юридик кучи таҳлил қилиш орқали аниқлаштирилади. Ушбу усул асосан тарихий манбалар матнини тадқиқ этиш жараёнида кенг қўлланилади. Мазкур усул ҳозирда ҳуқуқни шарҳлашда унчалик аҳамиятга эга эмас, чунки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрлар орқали эълон қилиниб, ҳақиқийлиги кафолатланган ҳамда шарҳланаётган ҳужжатлар учун зарур маълумотлар мавжуд бўлади. Шу сабабли ҳозирги юридик адабиётларда таҳлил ҳуқуқни шарҳлаш усули сифатида тан олинмаган¹.

Ҳуқуқни шарҳлашда таҳлил усулини ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида амалда қўллаб, шарҳлашга ҳуқуқ ижодкорлиги босқичининг бошланғич нуқтаси сифатида қарамоқ лозим. Чунки, қонун чиқарувчи олдида турган вазифа анча мураккаб ва масъулиятлидир. У ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини аниқлагач, мазкур муносабатлар айнан қонун билан тартибга солиниши керакми ёки бошқа даражадаги ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солиниши мумкинми, деган

¹ Қаранг: *Сырых В. М.* Логические основания общей теории права. Т. 1. Элементный состав. – М., 2004. – С. 218.

масалани ҳал этади. Сўнгра амалдаги қонун ҳужжатларини таҳлил қилиб, мавжуд норматив ҳужжатларни тўлдириш, ўзгартириш лозимми ёки янги қонун қабул қилиш керакми, деган саволга ечим топади. У ёки бу қонунни қабул қилиш зарурати, муайян ҳуқуқий қоида ўрнатишга қаратилган халқ иродасининг йўналиши аниқлангач, қонун ижодкори ижтимоий шаклланган қоидани ҳуқуқ «тилида» баён этади. Бу ўринда сўз ҳуқуқий қоиданинг аниқ ифодаланишига, қатъий расмийлаштирилишига эришиш, ҳаётни чуқур ўрганиш асосида қонун яратиш лозимлиги ҳақида бормоқда. Қонун тайёрлаш босқичи қонунчилик жараёни билан узвийлиги туфайли уни бу жараённинг таркибий қисми деб ҳисоблаш лозим¹.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республикада олиб борилаётган бугунги туб ислоҳотлар, қонунларнинг объектив талабларини ўз вақтида билишни ва улардан амалий фаолиятимизда фуқароларимизнинг эҳтиёж ва манфаатлари йўлида фойдаланишимизни тақозо этади. Бозор иқтисодиёти шароитида қонун ижодкори объектив шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда қонунлар яратишга эътибор бериши лозим. Ижтимоий жараёнларни, тарихий ҳодисаларни олдиндан кўриш, башорат қилиш имконияти, аввало, алоҳида бир мамлакат ривожининг муайян тарихий даврларида ижтимоий жараёнларнинг қонуниятларини умумлаштириш асосида юзага келади. Айни пайтда, шунини таъкидлаб ўтиш зарурки, тарихий жараёнларни олдиндан кўра билишнинг дастлабки шarti – ижтимоий ҳодисалар ўртасидаги объектив алоқадорликни, қонуниятларни англашдир. Бироқ, ҳар қандай илмий башоратнинг пойдеворини қонунлар ташкил қилади, чунки улар ҳодисалар, жараёнлар ўртасидаги ички зарурий, муҳим боғланиш ва алоқадорликни очиб беради, шу асосда ижтимоий ҳодиса ҳамда жараёнлар тарихини ва ҳозирги ҳолатини билиш орқали уларнинг истиқболини белгилаш мумкин бўлади.

Ҳуқуқий нормалар яратиш жараёни замонавий ҳуқуқ илми ва амалиёти ютуқларига, ҳуқуқий тафаккур ва мантиқ қоидаларига қатъий таянмоғи лозим. Ҳар бир қонун, ҳуқуқий норма ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш қонуниятларини чуқур англаш

¹ Қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Т., 1995. – Б. 75–76.

ҳамда илмий асослантириш асосида яратилиши керак. Муайян қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишдан олдин уни яратиш учун қандай эҳтиёж борлигини билиш илмий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ҳуқуқий тартибга солиш мўлжалланаётган ижтимоий муносабатлар тури чуқур таҳлил этилиши, жамоатчилик фикри ўрганилиши лозим¹.

Ҳуқуқ нормаларининг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини аниқлаш учун шарҳловчи субъектлар: ҳуқуқ нормасининг ўзини; унинг ҳуқуқий алоқаларини, ҳуқуқ нормасининг бошқа юридик қоида ва принциплар билан ўзаро алоқадорлигини; унинг бошқа ижтимоий борлиқ турлари билан барча алоқаларини тадқиқ этиши керак².

Шарҳлаш ҳуқуқ нормаларини қўллаш ва уларни бошқа шаклларда амалга ошириш жараёнида беқиёс аҳамиятга эга. Ҳуқуқни шарҳлаш жараёнида асосий ўринни матн эгаллайди. Чунки, айнан унда «нафақат қонун чиқарувчининг, балки давлатнинг объектив равишда тақдим этилган ва норматив ҳужжатларда мустаҳкамланган иродаси»³ акс этган.

Шарҳлаш ҳуқуқнинг умумий нормасини, айнан юридик жиҳатдан ҳал қилиниши лозим бўлган ҳар бир алоҳида вазиятни қўллаган ҳолда батафсил тушунтириш орқали қонун чиқарувчи органнинг иродасини аниқлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Ушбу ҳолатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмун ва моҳиятини ёритишда шарҳлаш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бугунги ҳуқуқий адабиётларда юридик шарҳлашнинг объекти деганда одатда норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунилади.

Юридик шарҳлаш ҳуқуқ субъектининг ақлий-ижодий фаолияти бўлиб, бу жараёнда ҳуқуқнинг хусусиятлари илмий жиҳатдан англанади, ҳуқуқ нормаларида ифодаланган талабларнинг моҳияти холисона ва ишончли тарзда баён этилади. Юридик шарҳлаш ҳуқуқни шарҳлашнинг барча усуллари ўзида камраб олади ҳамда ҳуқуқий қоидаларни татбиқ этишнинг энг тўғри ва самарали йўлини танлашга

¹ Қаранг: *Odilqoriev X. T. Davlat va huquq nazariyasi.* – Т., 2007. – В. 165.

² Ўша манба. – Б. 268.

³ Қаранг: *Сувонқулов М. И. Ҳозирги замон ҳуқуқий нормаларини шарҳлашнинг назарий-ҳуқуқий масалалари // Ўзбекистонда шарҳлашнинг назарий-ҳуқуқий ва амалий муаммолари.* – Т., 2004. – Б. 103.

хизмат қилади. У ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади¹.

Юридик шарҳлаш орқали қонун чиқарувчи органнинг ижтимоий ҳаёт билан нечоғлик боғланганлиги, ўз фаолиятида қонун яратишнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа илдизларидан англаб фойдаланиш, жамият тараққиёти қонуниятларининг қабул қилиниши қонунларнинг мазмунини мувофиқлаштириш механизмлари очиб берилишига эътибор қаратилади. Шарҳлаш орқали ҳуқуқ ижодкорлиги ижтимоий илдизлари, қонунларнинг бошқа ҳуқуқ ва ижтимоий нормалар билан ўзаро алоқаси ва таъсир доираси, ижтимоий ҳаётга қонун воситаси билан аралашувнинг меъёри ва чегараларини аниқлаш лозим бўлади.

Шунингдек, юридик шарҳлаш орқали ҳуқуқ яратишнинг ижтимоий омилларини (ҳуқуқ ижодкорлигининг барча босқичларини), қонундаги ҳуқуқий қонуннинг инсон феъл-атворида айланиши, норма билан феъл-атвор ўртасидаги боғлиқликнинг ижтимоий, руҳий ва маънавий жиҳатларини, қонуннинг ижтимоий самарадорлигини ўрганиш талаб этилади.

Ижтимоий манфаатларни англаш давлат ҳуқуқ ижодкорлиги органлари фаолиятининг бошланғич нуқтасидир. Қонун йўли билан тартибга солиниши лозим бўлган муаммолар қонунларни яратишдан олдинги жараённи бир неча босқичлар бўйича ўрганиб чиқишни тақозо этади².

Ҳуқуқ нормалари воситасида ижтимоий жараёнларни бошқариш турли даражадаги зиддиятли манфаатларни аниқлаш билан боғлиқ бўлиб, улар амалдаги ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришни тақозо этади. Ҳозирги кунда моддий ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишида ҳуқуқни қўллаш фаолияти тобора ортиб бормоқда. Анъанавий фуқаролик ва жиноят-процессуал нормалар билан бир қаторда, хўжалик-процессуал, конституциявий, маъмурий, солиққа, ер ҳуқуқига оид процессуал нормалар ривожлантирилмоқда. Улар йирик мавзулар бўйича қонунлар ёки кодекслар шаклида яратилмоқда. Қонун чиқарувчи органнинг расмий эълон қилинган ҳуқуқ нормала-

¹ Қаранг: *Березина Е. А.* Толкование договора как вид юридического толкования. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2001. – С. 8.

² Қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т., Тультеев И. Т.* Икки палатали парламент. – Т., 2005. – Б. 85.

рини шарҳламай туриб, янги қонун ҳужжати чиқариб ҳам, амалдагиларини тартибга солиб ҳам бўлмайди.

Ҳуқуқни шарҳлаш жараёнида юридик коллизия (ихтилоф)ларнинг олдини олиш ҳамда мавжуд бўлганларини бартараф этиш долзарб аҳамият касб этади. Юридик коллизия деганда амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳуқуқий тартибот ва талаблар, уларни ўзгартириш, эътироф этиш ёки рад этиш бўйича ҳаракатлар ўртасидаги қарама-қаршилик (зиддият) тушунилади. Юридик низо эса сиёсий, ижтимоий кучлар билан давлат, жамоат тузилмалари ўртасидаги ғайриконституциявий курашдир¹.

Ҳуқуқ нормаларидаги камчиликларни аниқлаш жараёнида билишнинг турли соҳалари (амалдаги ҳуқуқ тизимининг мазмуни, давлат органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва ҳоказо) текширилади, уларни кўриб чиқиш давомида формал-юридик тадқиқот усулларида фойдаланилади. Бундай тадқиқот усуллари жумласига ҳуқуқни шарҳлашнинг аналогия бўйича хулоса чиқариш ва бошқа шунга ўхшаш барча усуллари киритиш мумкин.

Ҳуқуқни қўллаш ҳуқуқий тартибга солишнинг аҳамияти жиҳатидан ҳуқуқ ижодкорлигидан кейинги ўринда турувчи муҳим жараёнидир. Алоҳида қарорлар юридик нормаларнинг ички яхлитлигига эришиш учун шарҳланади ва у мураккаб жараёндир.

Ҳуқуқ назариясида ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва аниқлаштириш ўзаро боғлиқ бўлиб, мазкур масала ҳуқуқ нормаларини қўллаш учун алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, шарҳлашнинг мақсади қўлланиладиган ҳуқуқ нормаларининг мазмун-моҳиятини айнан талқин қилишдан иборат. Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқни қўллаш жараёнида шарҳлашнинг икки муҳим жиҳатини кўрсатиб ўтиш жоиз. Биринчидан, шарҳлаш ҳуқуқни қўллаш жараёнининг мажбурий ва ажралмас таркибий қисми ҳисобланади, иккинчидан, шарҳлаш ҳуқуқни қўллаш фаолиятига хизмат қилади².

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни ифодалашнинг асосий шакли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир. Улар давлат томонидан ўрнати-

¹ Қаранг: Теория государства и права / Под ред. проф. В. К. Бабаева. – М., 2006. – С. 503–504.

² Қаранг: *Тулътеев И. Т., Тастанбекова Г.* Проблемы толкования и прогнозирования в правоприменительной деятельности // Ўзбекистонда ҳуқуқ фанининг ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари. – Т., 2004. – Б. 34.

ладиган ёки маъқулланадиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг алоҳида тури бўлаб, баъзан давлат идоралари ва жамоат бирлашмалари томонидан биргаликда ўрнатилиши мумкин. Қисқаси, норматив-ҳуқуқий ҳужжат деганда давлат ваколатли органларининг ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умумий мажбурий қоидаларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи ҳуқуқ ижодкорлиги ҳужжати тушунилади¹.

Парламент мамлакатнинг энг юксак ва ягона қонунчилик ҳокимияти сифатида ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланса, Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти давлат бошқаруви ва ижро ваколатларини амалга ошириш жараёнида Конституция ва қонунларга риоя этган ҳолда амалга ошириладиган, ҳуқуқни яратишга қаратилган расмий фаолиятдир. Вазирлар Маҳкамасининг жорий масалалари бўйича ҳуқуқ ижодкорлиги ҳужжатлари қарор ва фармойиш шаклида чиқарилади.

Амалиётда Вазирлар Маҳкамасининг жорий масалаларига мўлжалланган, яъни битта муносабатни тартибга солишга қаратилган ҳужжатлари қарорлар шаклида қабул қилинаётганини кўриш мумкин. 2006 йил 9 мартда қабул қилинган «М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат унверситетининг Тошкент шаҳридаги филиали биноси қурилишини тугаллаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори бунга мисол бўла олади. Ушбу қарорда жамият аъзолари учун мажбурий бўлган давлат кўрсатмалари йўқ, балки бир бино, иншоотнинг қурилиши билан боғлиқ жараённи тартибга солувчи жузъий бир қоида акс этган, холос. Ваҳоланки, 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг² норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турлари санаб ўтилган моддасида ҳамда 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуннинг³ 20-моддасида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан чиқариладиган қарорлар норматив хусусиятга эга эканлиги таъкидланиб,

¹ Қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Т., 1995. – Б.41–42.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – 1–2 сон. – 8-модда.

³ Ўша жойда.

қонунга биноан Вазирлар Маҳкамасининг тезкор ва жорий масалалар бўйича қабул қиладиган ҳужжатлари фармойишлар шаклида қабул қилиниши белгиланган. Мана шу қонунчилик талабидан келиб чиққан ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг жамият ва давлат ҳаётини тартибга солишга қаратилган, ҳуқуқ нормасини ўрнатувчи, умуммажбурий аҳамиятга эга ҳужжатларигина қарорлар шаклида қабул қилинишига тўлиқ эришиш ва бунга эътиборни янада қатъий жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундай қилиб, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида ҳуқуқ нормаларини аниқлаштириш, биринчидан, шарҳлаш усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳуқуқ нормаларини такомиллаштириш ва янги нормалар яратиш ҳамда уларни ривожлантириш натижаси ҳисобланса, иккинчидан, маълум бир давлат органи томонидан қонунийликка риоя қилиш, ҳуқуқдаги бўшлиқни тўлдириш сифатида баҳоланмоғи керак.

Шарҳлаш орқали ҳуқуқ нормаларини аниқлаштириш ва ривожлантириш ҳамда янги нормалар яратишнинг ҳуқуқ ижодкорлигида намоён бўлишига қуйидаги мисолни келтириш мумкин. Маълумки, ҳозир дунёда, хусусан минтақамизда экологик муаммолар глобал тус олган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ушбу муаммони ҳал қилига қаратилган моддалар бор. Уларга кўра, «фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» (50-модда), «Ер, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидир» (55-модда). Ушбу конституциявий нормалар 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунларида янада аниқлаштирилган. Шунингдек, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилишини кўзда тутувчи нормалар ҳам қонунчиликда ўз ифодасини топган. Мазкур масалага оид нормалар шарҳлаш усул ва воситалари орқали янада аниқлаштирилади.

Ҳуқуқ ижодкорлиги шаклидаги ҳуқуқий нормаларни аниқлаштиришнинг иккинчи тури, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳуқуқдаги бўшлиқни тўлдиришдир. Ҳуқуқий таъсир этиш соҳасида ҳуқуқдаги

бўшлиқни тўлдириш эҳтиёжи амалдаги қонунчиликдаги камчиликлардан келиб чиқади. Ҳуқуқдаги бўшлиқни тўлдириш жараёни ҳуқуқни қўллаш фаолияти орқали амалга ошадими ёки ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти натижасида ҳуқуқдаги бўшлиқ тўлдириладими, деган масалада баҳс-мунозаралар мавжуд.

Жамиятнинг жўшқин ривожланиши, унда қонун чиқарувчи идора томонидан кўзда тутилмаган ижтимоий муносабатларнинг вужудга келиши уларга нисбатан ҳуқуқни қўллаш эҳтиёжи билан ҳуқуқ яратувчилик фаолияти ўртасидаги фарқ ҳуқуқдаги бўшлиқни ташкил этади¹. Чунки, қонунлар қанчалик мукамал ишланмасин, маълум вақт ўтиши билан уларда назарда тутилмаган, лекин ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиниши зарур бўлган янги ижтимоий муносабатлар вужудга кела бошлайди ёки мавжуд муносабатлар янгича аҳамият касб этади. Айнан шу ҳолатлар ҳуқуқда муайян бўшлиқ вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий жиҳатларга қўйиладиган талаблар қуйидагича:

1) ҳуқуқий тартибга солишнинг қатъий аниқлиги. Яъни, норматив қоидалар энг кўп даражада аниқ белгиларга эга бўлиши лозим. Нормалар баённинг ифодаси ниҳоятда умумий, мавҳум бўлмаслиги ёки, аксинча, ўта майдалаштирилиб, казуистик қоидалардан иборат қилиб қўйилмаслиги керак;

2) баённинг мантиқий изчиллиги. Яъни, ҳуқуқий ҳужжатдаги норматив қоидалар ўртасида узвийлик бўлиши лозим;

3) тайёрланаётган норматив ҳужжатда, умуман бутун ҳуқуқий тизимда ички зиддият бўлмаслиги. Яъни, ўз аҳамиятини йўқотган, формал тарзда, шунингдек ўзгартирилган тахрирда амал қилаётган ҳужжатдан ҳам холи бўлиши лозим;

4) норматив материалнинг баёни имкон қадар қисқа, лўнда, ихчам бўлмоғи лозим. Бироқ, баён этишда ихчамликка интилиш асосий ҳуқуқий қоидаларнинг керакли жиҳатлари ва истиснолари тўлиқ бўлиши, мазмуннинг чуқур ва атрофлича ифода этилиши зарурати билан зид келиб қолмаслиги лозим;

5) норматив ҳужжатларнинг тили, ифода услуби аниқ, оддий ва тушунарли бўлиши зарур. Бу ерда шуни ҳам инобатга олиш керакки,

¹ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Проф.Ҳ.Т. Одилқориевнинг таҳрири остида. – Т., 2009. – Б. 421.

кўпчилик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар анчагина мураккаб муносабатларни тартибга солишга қаратилгани ҳам, шубҳасиз, тегишли нормалар ифодасининг услубига таъсир кўрсатади. Ижтимоий муносабатлар такомиллашиб, ривожланиб борган сайин тегишли норматив ҳужжатларнинг тили, баёни ҳам мураккаблашиб боради. Бу табиий ҳолдир. Бироқ, ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳаммабоп ва тушунарли бўлишига эришиш лозим;

б) норматив ҳужжат ифодалари, унинг ҳар бир ибораси аниқ ва қатъий бўлиши лозим¹.

Ҳуқуқдаги бўшлиқ, одатда, ҳуқуқни қўллаш жараёнида аниқланади. Ҳуқуқни қўлловчи орган муайян ишни ҳал этиш чоғида ушбу муносабатни тартибга солиб турувчи хулқ-атвор қондасини ҳар доим ҳам топа олмаслиги мумкин. Бундай ҳолат 1) қонун чиқарувчи идора (барча ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти субъектлари)нинг тартибга солиш масаласини била туриб очик қолдирганлиги; 2) амалдаги ҳуқуқ тизимида бўшлиқ (ҳуқуқий ҳал этилмаган жиҳат) мавжудлиги билан боғлиқ².

Ҳуқуқни татбиқ этиш замон билан ҳамнафас кечадиган мураккаб жараёндир. Унда нафақат субъектив ҳуқуқ ва мажбурият эгалари, балки хилма-хил ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни татбиқ этиш ва қўллаш ваколатига эга органлар орқали давлат ҳам иштирок этади. Ҳуқуқни қўллаш фаолиятида шарҳлашнинг аҳамияти шундаки, шарҳлаш орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги ва алоҳида ҳуқуқий нормалар ўрта-сида ўзаро боғлиқликларга кўра танланиб, ундаги ҳуқуқий зиддиятларга барҳам берилади.

Хулоса қилиб айтганда, шарҳлаш орқали нафақат алоҳида олинган норма ёки ҳуқуқий ҳужжат моддаларидаги зиддиятлар очиб берилади, балки бутун бир қонунчилик тизимидаги зиддиятларга барҳам берилади. Бу ҳуқуқни қўллаш тизимида шарҳлашнинг нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Бунда асосан тизимли шарҳлаш усулини қўллаш ижобий натижа беради. Бу ҳақда тадқиқотимизнинг кейинги бобида батафсил тўхталамиз.

¹ Бу ҳақда батафсил маълумот учун қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Т., 1995. – Б. 184–185.

² Қаранг: *Нерсеяңц В. С.* Общая теория права и государства. – М., 1999. – С. 490.

III-боб.
СУД ҲОКИМИЯТИ ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚНИ
ШАРҲЛАШ

1-§. Суд ҳокимияти органлари фаолиятида ҳуқуқни шарҳлаш

а) Ҳуқуқни шарҳлаш – Конституциявий суднинг асосий функцияси

Ҳуқуқни шарҳлашда давлатнинг ваколатли органлари муҳим ўрин тутди. Бу тизимда Ўзбекистоннинг Конституциявий суди алоҳида мавқега эга. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Конституциявий суд қонунларга шарҳ берувчи орган ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларнинг аксариятида суд ҳуқуқни шарҳловчи расмий орган сифатида тан олинади. Конституциявий суд томонидан ҳуқуқий нормаларнинг шарҳланиши қонунийликнинг таъминланишига хизмат қилади. Конституция нормаларининг шарҳланиши шунинг учун зарурки, унинг асосида барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шарҳланади ва уларни татбиқ этиш жараёнларидан бири ҳисобланади. Конституция нормаларини расмий шарҳлаш кўпчилик мамлакатлар конституциявий суд (кенгаш)ларининг асосий ваколатларидан бири ҳисобланади¹.

Жумладан, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенциясининг 32-моддасига асосан, Европа суди Конвенция қоидаларини шарҳлаш ҳуқуқига эга. Ҳозирги пайтда инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди Европада сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича конституциявий суд ҳисобланади. У ташкил топганидан буён 400 дан ортиқ суд ишларини кўриб чиқди, Конвенция томонидан қафолатланадиган ҳуқуқларнинг кўп қисмини шарҳлаш имкониятига эга бўлди².

¹ Қаранг: Вестник Конституционного Совета Республики Казахстан. Вып. 3. – Алматы, 2000. – С. 111.

² Қаранг: Бюргенталь Т. Международное права человека: Краткий обзор / Пер. с англ. – Алматы, 1999. – С. 139.

Европа ҳуқуқ тизими Конституцияни шарҳлаш учун алоҳида суд органлари таъсис этишни кўзда тутуди ва мазкур суд органи суд ҳокимияти тизимида ўзининг мавқеи ва алоҳида ўрнига эга. Уларга мисол қилиб, Италия Конституциявий суди, Польша Конституциявий трибунали, Франциядаги Конституциявий кенгаш ва қисман Давлат кенгашини келтириш мумкин.

Конституциявий суд Конституцияни шарҳлар экан, бунда нафақат фуқароларнинг, балки давлат органларининг хатти-ҳаракатлари Конституция доирасида бўлишини таъминлайди. Россия Конституциясининг 125-моддаси учинчи қисми, Россия Федерацияси Конституциявий суди тўғрисидаги қонуннинг 3-моддаси тўртинчи қисми ва 106-моддасига, шунингдек Украина Конституцияси 150-моддасининг 2-банди ва Украина Конституциявий суди тўғрисидаги қонуннинг 13-моддаси 4-бандига асосан, иккала мамлакатнинг Конституциявий судлари ўз Конституцияларига расмий шарҳ берадилар (Украина Конституциявий суди Украина қонунларига ҳам расмий шарҳ беради)¹. Оддий юрисдикция судларидан фарқли ўларок, ҳайъат тарзида иш кўриш ва қарор қабул қилиш принципи умумий қоида ҳисобланади. «Конституциявий шарҳлаш Олий суд органининг ҳуқуқий ҳужжатларни баҳолашга, Асосий қонунни муҳофаза қилишга, ҳуқуқни амалга оширишнинг барча шакллари танлашга, барча турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган махсус ҳуқуқий фаолиятidir»².

Конституция ва қонунларни шарҳлашда Конституциявий назорат органларининг ваколатлари, процессуал тартибга солинганлиги масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Конституциявий назорат органлари фақат Конституцияни татбиқ этиш эмас, балки ҳуқуқни «топиши» ҳам керак³.

Конституциявий шарҳлашнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Унинг бу жиҳатлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти учун муҳимлиги,

¹ Қаранг: *Половченко К. А.* Толкование Конституции (и законов) Конституционными судами России и Украины: теоретические и практические проблемы (сравнительно-правовой анализ) // Государство и право. – 2002. – № 10. – С. 57.

² Қаранг: *Хабриева Т. Я.* Толкование Конституции Российской Федерации: теория и практика. – М., 1998. – С. 25.

³ *Абдурасулов Е. Б.* Толкование закона и норм Конституции: теория, опыт, процедура. Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Алматы, 2003. – С. 41.

бошқа ҳар қандай ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларига нисбатан олий юридик кучга эгаллиги, давлатнинг Асосий Қонунига риоя этишида, амал қилиши шартлигида намоён бўлади. Давлат ҳокимиятининг халқ иродасига ва иқтисодий эҳтиёжларга мос қонунлари жамиятда мужассам ҳуқуқ сифатида гавдаланади. Аслини олганда, қонунлар қонун чиқарувчи идора томонидан қайд этилган ва шу идора томонидан очилган муайян турдаги ижтимоий муносабатлар мавжудлигининг объектив қонундан бошқа нарса эмас¹.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари ҳужжатларининг Конституцияга мослигига доир ишларни кўрадиган, доимий ишлайдиган суд ҳокимияти органидир. Конституциявий суднинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми, тузилиши ва фаолият юритиши Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисидаги қонунининг 1-моддасига асосан, Конституциявий суд Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида ўз ваколатлари доирасига киритилган бошқа ишларни кўриб чиқади. Мазкур фаолият конституциявий одил судловни янада такомиллаштириш, конституциявий назоратни амалга оширишини кучайтиришга хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда Конституция ва қонун нормаларининг шарҳланиши алоҳида аҳамият касб этади. Ҳуқуқий нормаларга шарҳ бериш Конституциявий суд фаолиятининг шундай шакли ҳисобланадики, у Конституция нормалари, принциплари ва асосий қоидаларининг тўғри татбиқ этилишини таъминлайди, Конституциянинг нуфузи ошишига хизмат қилади, Конституция ва қонунлар бузилишининг олдини олади, пировард натижада инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилади. Шарҳлаш йўли билан Конституциявий суд ҳуқуқий нормаларнинг асл маъ-

¹ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Проф. Ҳ. Т. Одилқориев таҳрири остида. – Т., 2009. – Б. 239.

носини тушунтиради, конституциявий нормалар турлича тушуни-лиши ёки талқин қилинишининг олдини олади. Нормаларга шарҳ бериш Конституциянинг барқарорлигини таъминлаш, унинг нормаларини муҳофаза қилиш ишларида асосий восита ҳисобланади¹.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди ушбу ваколатидан келиб чиқиб, қонунларни талқин этиш, изоҳлаш, шарҳлаш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширмоқда. Бироқ шу ўринда қонунчиликдаги баъзи тушунчалар талқинидаги номувофиқлик Конституциявий суд фаолиятида айрим муаммоларни туғдиради.

Ўзбекистон Конституциявий суди томонидан қонунчиликдаги баъзи бир ибораларнинг қўлланилиши юзасидан хулосасини мисол сифатида келтириш мумкин. Жумладан, амалдаги қонунчиликда «қонун ҳужжатлари» деган ибора кенг қўлланилмоқда. Сўнгги вақтда мазкур иборанинг талқини билан боғлиқ муаммоли вазият юзага келмоқда.

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддаси «Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари» деб номланган. Унга кўра, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар – қонун ҳужжатлари ҳисобланади», деб белгиланган. Бундан барча ҳуқуқий норма яратувчи идоралар қабул қилган ҳужжат қонун ҳисобланади, деган хулоса чиқади. Бу ўринда «Қонун ҳужжатлари» ибораси ўрнига «норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар» деган иборани қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди².

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида, «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари – «қонун» ҳисобланади», дейилган. Мазкур қонуннинг ноаниқлиги, юриспруденцияда мустаҳкам ўрин олган ҳуқуқий тушунча ва категорияларга зид келади. Шу сабабли фуқаролар мазкур масалага ойдинлик киритишни сўраб, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат этганлар.

¹ Қаранг: *Мирбобоев Б.* Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлиги устидан суд назорати // Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ахборотнома-си. – 2006. – № 14. – Б. 26.

² Қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т.* Қонунларни шарҳлашда Конституциявий судининг ўрни ва роли // Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашнинг назарий-амалий муаммолари. – Т., 2006. – Б. 10.

2012 йил 24 декабрда қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига мувофиқ, қонунларнинг айрим нормалари турлича тушунилганида уларга шарҳ бериш зарур бўлади. Қонуннинг 43-моддасига кўра, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шарҳлаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ноаниқликлар топилган, у амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда амалга оширилади»¹.

Қонун тўрт босқичли жараён асосида қабул қилинади, Сенат томонидан маъқулланади, Президент томонидан имзоланади ва у том маънода халқнинг давлатчилик иродасини ифода этади. Қарор эса – оддий тарзда қабул қилинади ва фақат палата аъзолари кўпчилигининг эрки-иродасини, фикрини акс эттиради.

Олий Мажлис палаталарининг қарорлари ва қонунлар куйидаги ҳолатлари бўйича бир-биридан фарқланади: *биринчидан*, палаталарнинг қарорлари «қонун» эмас, балки қонунчилик ҳужжати ҳисобланади; *иккинчидан*, палаталар қарори ва қонунни қабул қилиш тартиблари тубдан бир-биридан фарқ қилади.

Шу боис палаталарнинг қарорлари қонун ҳисобланмайди ва Конституциявий суд шарҳининг объекти эмас. Конституциявий суд Олий Мажлис палаталари қарорларига шарҳ бермайди, балки фақат уларнинг Конституцияга мослигини аниқлайди ва тегишли хулоса чиқаради².

Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида ҳуқуқни қўллаш ва уни шарҳлаш билан боғлиқ ихтилофларнинг олдини олишда кузатилаётган камчиликларнинг олдини олишга қаратилган нормаларни ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Демак, қабул қилинаётган ва қабул қилинадиган қонунларни, уларга киритилган ва киритилаётган қўшимча ва ўзгартишларнинг моҳиятини тўлиқ англаш ва уни оғишмай амалда тўғри қўллаш учун ҳуқуқ нормаларининг Конституциявий суд томонидан шарҳланиши улкан аҳамиятга эга. Қонунларимизга киритилаётган қўшимча ва

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда; 2014 й., 50-сон, 588-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда.

² Қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т.* Қонунларни шарҳлашда Конституциявий суднинг ўрни ва роли // *Жамоат ҳафсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг назарий-амалий муаммолари.* – Т., 2006. – Б. 10–11.

ўзгартишлар, мазкур қонунларни шарҳлаш уларда йўл қўйилган хато ва камчиликларни билдирмайди, балки уларнинг умум эътироф этган халқаро нормаларга, миллий қадрият ҳамда анъаналаримизга мос равишда ривожланиб ва такомиллашиб боришидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорларини қонунлар мажмуига киритиш ҳам муҳим масала. Мазкур мажмуанинг тўлиқлиги, мукамаллиги, мажмуавийлигини сақлаш учун унинг таркибига Конституциявий суднинг қонунларни шарҳлаш бўйича ва ўз ваколатлари доирасида чиқарадиган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларини киритиш мақсадга мувофиқ¹.

Шундай қилиб, Конституциявий суд томонидан амалга ошириладиган шарҳлар ва чиқариладиган ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш ҳужжатлари ўзига хос жиҳатларга эга. *Биринчидан*, Конституциявий суд Конституцияга зид келган ҳуқуқий нормаларни ўз ваколатлари доирасида шарҳлайди. *Иккинчидан*, Конституциявий суд томонидан чиқариладиган шарҳлаш ҳужжатлари давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг барчаси учун ижро этилиши мажбурий бўлади. *Учинчидан*, Конституциявий суд томонидан чиқариладиган шарҳлаш ҳужжатлари барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мос келиши ёки зид эканлиги тўғрисида хулоса тарзида амалга ошади.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди адвокат А. Р. Лутфуллаевнинг Конституциявий судга мурожаати муносабати билан «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмини ҳамда «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 6-моддасининг бешинчи қисмини шарҳлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиб, қуйидаги хулосани чиқарди: «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмида «Адвокат қонунга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатаётганлиги муносабати билан уни жиноий, моддий ва бошқа жавобгарликка тортиш ёки бундай жавобгарликни қўллаш билан

¹ Қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т., Тультеев И. Т.* Икки палатали парламент. – Т., 2005. – Б. 206.

кўрқитиш мумкин эмас». «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 6-моддасининг бешинчи қисмида ҳам шунга ўхшаш (аналогик) норма назарда тутилган. Ушбу нормаларда «бошқа жавобгарликка» сўзларининг қўлланилиши уларни мазмунан қандай тушуниш керак, деган саволга жавоб беришни талаб қилади ва шунинг учун ҳам уларга шарҳ бериш заруратини келтириб чиқаради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди 1998 йил 29 сентябрда «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 4-моддасининг биринчи бандини шарҳлаш ҳақида қарор чиқарди¹. Чунки, ушбу моддада унинг мазмунини инкор этувчи тушунчалар мавжуд бўлиб, бу ҳуқуқни қўллаш амалиётида жиддий хатоларга олиб келиши мумкин, деган хулосага келинди.

2006 йил 20 ноябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмига шарҳ бериш бўйича ўз қарорини чиқарди². Унда «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-моддаси биринчи қисмига қуйидагича шарҳ берилади:

– «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 10-моддасининг биринчи қисми қоидалари мазмуни бўйича «тароф розилиги» тушунчасини ўзида ифода этмайди;

– «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 10-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган инвестицияга оид низоларни ҳакамлик воситасида инвестицияга оид низоларни ҳал этишга доир Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларнинг (битимлар ва конвенцияларнинг) қоидалари ва тар-

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ахборотномаси. – 1999. – № 3. – Б. 12–13.

² Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ахборотномаси. – 2007. – № 15. – Б. 35–38.

тиботига мувофиқ ҳал этилиши мумкинлиги Конвенцияга мувофиқ инвестицияга оид низони ҳал этиш учун Марказга ўтказишга республика розилигинининг ифодаси ҳисобланмайди. Ушбу Қарор «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинган.

2014 йил 22 апрель куни Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддаси биринчи қисми 2-бандига шарҳ бериш бўйича қарор чиқарди. Унда, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 21-моддаси биринчи қисми 2-бандига қуйидагича шарҳ берилди: «чет элда доимий яшовчи шахс» деганда ўрнатилган тартибда доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиққан ва доимий яшаш учун чет элга чиқишга рухсатни расмийлаштирган чет элда яшаётган шахсларни ҳам, доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқаришни, доимий яшаш учун чет элга чиқишга рухсатни тегишли равишда расмийлаштирмасдан чет элда яшаётган шахсларни ҳам тушуниш лозим. Демак, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 21-моддаси биринчи қисми 2-бандининг нормаси доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқаришни, доимий яшаш учун чет элган чиқишга рухсатни тегишли равишда расмийлаштирмасдан ва беш йил давомида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобига турмасдан чет элда доимий яшаётган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин¹.

Ушбу Қарор «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ахборотномасида» эълон қилинган.

Агар суд маълум бир ишга тааллуқли бўлмаган ҳолда бирор норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг юридик кучи юқори бўлган бошқа бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатга мослигини текширса, бевосита (мавҳум тарзда, мақсадли равишда) нормаларни назорат қилган бўлади. Бунинг натижасида юридик кучга эга ҳужжат ўз кучини

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ахборотномаси. – 2015. – № 19. – Б. 33–36.

йўқотади ёки уни қўллаш мумкин бўлмай қолади. Суд назоратининг ушбу тури суд ҳимояси механизмида муҳим роль ўйнайди¹.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциявий суд томонидан ҳуқуқий нормаларнинг шарҳланиши Конституцияга зид келувчи ҳужжатларни аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қилади ва шарҳлаш натижалари Конституциявий суд томонидан бериладиган хулосаларнинг асоси ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Конституциявий суднинг расмий шарҳ бериши юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган бўлса-да, лекин ушбу орган томонидан шарҳланган қонун ва қонун ости ҳужжатларининг мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши ҳамда уларни тизимлаштиришнинг ягона усули амалиётга жорий этилиши ва бундан кенг халқ оммасининг фойдаланиши учун имконият яратилиши мақсадга мувофиқдир.

б) Суд органларининг ҳуқуқни шарҳлаши

Суд органлари томонидан чиқариладиган шарҳлаш ҳужжатлари суд амалиётида муҳим роль ўйнайди.

Ундан ташқари, судлар томонидан чиқариладиган шарҳлаш ҳужжатларини *субъектига кўра* ҳам турларга ажратиш мумкин. Қайси суд органлари томонидан тушунтириш берилишига қараб суд органлари томонидан чиқариладиган шарҳлаш ҳужжатларининг юридик белгилари аниқлаб олинади. Шу орқали суд томонидан чиқариладиган шарҳлаш ҳужжатларини туман судларининг шарҳлаш ҳужжатлари ва юқори турувчи судлар томонидан чиқариладиган шарҳлаш ҳужжатларига ажратиш мумкин. Туман, шаҳар судлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш бўйича фаолияти суд юрисдикцияси ҳужжатлари шаклида, яъни ажрим, қарор, ҳукм кабилар чиқариш билан яқунланади.

Суд органлари томонидан олиб бориладиган ҳуқуқ нормаларини шарҳлашнинг ўзига хослиги шундаки, мазкур шарҳлаш муайян ишни

¹ Қаранг: *Яценко В. Н.* Судебный контроль нормативных актов // Государство и право. – 2005 – № 11. – С. 22; *Половченко К. А.* Толкование Конституции (и законов) Конституционными судами России и Украины: теоретические и практические проблемы (сравнительно-правовой анализ) // Государство и право. – 2002. – № 10. – С. 57.

кўриш пайтида амалга ошади ва суд органининг ҳуқуқни қўллаш фаолияти жараёнида бўйсунувчи хусусиятга эга бўлади. Суд томонидан муайян юридик ишни кўриб чиқиш аклий-иродавий фаолиятга эга бўлиб, қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқий нормани танлаш ва таҳлил этишда алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Муайян ишни кўриб чиқишда туман суди амалга оширадиган шарҳлаш ҳуқуқни қўллаш ҳужжатининг асосланган шакли сифатида ўз ифодасини топади ва юридик жиҳатдан ишончли бўлади. Шубҳасиз, мазкур ҳужжатлар казуал хусусиятга эга бўлиб, шарҳлаш ҳужжати сифатида айнан кўриб чиқилаётган иш учун аҳамиятга эга бўлади. Ҳуқуқ нормаларини казуал шарҳлаш алоҳида ижтимоий муносабатларга мўлжалланган ҳуқуқ нормалари маъносини тушунтиришда ўз ифодасини топади. Унинг хусусияти шундаки, мазкур шарҳлаш қайси шахсга нисбатан амалга оширилаётган бўлса, ўша шахсга тегишли бўлади.

Жамият ва давлатда суд ҳокимиятини амалга оширувчи суд тизими бутун бир ҳуқуқий тизимга таъсир кўрсата олади. Демак, судлар томонидан чиқариладиган шарҳлаш ҳужжатларида суд бўғинлари орасидаги алоқалар катта аҳамиятга эга. «Бўғин» ва «инстанция» тушунчалари узвий, лекин бир маъноли эмас. «Бўғин» – суд тизимига оид тушунча. У суд ишини унинг тизимдаги ўрни, маълум ҳудудий аҳамиятидан келиб чиқиб боғлайди. «Инстанция» – суд ишларини юритишга оид тушунча бўлиб, у судда ишларни кўриб чиқишнинг мақсадидан келиб чиқадиган суд фаолиятининг турига боғлиқ¹. Демак, биринчи инстанция суди муайян ишнинг моҳиятига кўра шарҳлаш ҳужжатларини чиқарса, иккинчи ва назорат инстанцияси судлари биринчи инстанциядаги суднинг ҳукми, қарори, ажрими қонуний ва асосли эканлигини текшириб, ўз шарҳлаш ҳужжатларини чиқаради.

Одатда, иш биринчи ва иккинчи инстанцияларда кўриб чиқилиши мумкин. Назорат тартибида ишни қайта кўриб чиқиш учинчи инстанция ҳисобланмайди, чунки бунга истисно тариқасидагина йўл қўйилади. Иккинчи ёки назорат тартибида муайян ишлар кўриб чиқилар экан, юқори турувчи суд органлари амалда қуйи турувчи судларнинг

¹ Қаранг: *Миренский Б. А.* Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари. – Т., 2001. – Б. 42.

ишларига раҳбарликни амалга оширган ҳолда шарҳлаш ҳужжатлари чиқаради. Аммо, мазкур шарҳлаш ҳужжатларининг аҳамияти биринчи инстанция судлари чиқарадиган шарҳлаш ҳужжатлариникидан кам эмас. Умуман, суд органлари томонидан чиқариладиган шарҳлаш ҳужжатларига мантикий аниқлик хосдир.

Суд ҳужжати бажаришдан бўйин товлаш, унинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш одил судловнинг обрўсига путур, давлат ва жамият манфаатларига зарар етказди, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тикланишига қаратилган фаолиятга салбий таъсир кўрсатади¹. Судлар шарҳлаш бўйича ўз функцияларини бажаришида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги муҳим роль ўйнайди. Чунки, Адлия вазирлиги давлат рўйхатидан ўтказилган вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларининг умумий тусдаги норматив ҳужжатларининг махсус рўйхатини юритади. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ўзгарган тақдирда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ўз ҳужжатларига ўзгартишлар киритади ва уларни Адлия вазирлигига тақдим этади². Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умуммажбурий тусдаги норматив ҳужжатларининг давлат рўйхатидан ўтказилиш ҳолати тўғрисидаги 2008 йил 16 февралдан 23 февралгача бўлган маълумоти эълон қилинди³. Унда давлат рўйхатидан ўтказилган ёки чиқарилган, Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар аниқланиб, давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмаслиги ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмаларни бажармаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлмаслиги белгилаб қўйилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Олий ҳўжалик суди Пленумининг қўшма қарори. – Т., 2009. – Б. 5.

² Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлар тўплами. – Т., 1993. – № 6. – 25-модда.

³ Қаранг: Халқ сўзи. – 2008. – 27 февр.

Олий суд Пленуми қарорларининг моҳиятини аниқлашда қуйидаги иккита саволга жавоб беришга тўғри келади: 1) пленум қарорлари суд прецеденти шаклида кўриб чиқилиши мумкинми? 2) улар ҳуқуқ манбаи бўла оладими?

2-§. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлашнинг хусусиятлари

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришни тақозо этади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг асосий мазмунини ҳуқуқни қўллаш ташкил этгани боис ушбу жараёнда ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш зарурати келиб чиқади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида: «Қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базадаги камчилик ва нуқсонларга имкон қадар тезроқ барҳам бериш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ғоят жиддий ўзгаришларни жорий этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг фаолиятида фақат ва фақат қонунга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш даркор»¹, – деб таъкидлаган эди.

Қонунларни амалга ошириш учун ҳуқуқий нормалар тизими етарли эмас. Баъзан қонунларни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилмаганлиги боис, ҳуқуқ нормалари татбиқ этилмайди². Шу сабабли, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари шарҳлаш ҳужжатлари орқали ҳуқуқни татбиқ этадилар.

Умумий шарҳлаш ҳужжатлари ҳуқуқий нормаларни ижтимоий муносабатларга қўллаш учун ишлаб чиқилади. Улар қуйидаги хусусиятларга эга:

¹ Каримов И. А. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир // Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т., 2010. – Б. 21.

² Қаранг: Тутьеев И. Т. Правотворческое прогнозирование: теория, методология, практика. Автореф. дис. ... д-ра юрид.наук. – Т., 2010. – С. 19.

а) кенг доирадаги ижтимоий муносабатларга тааллуқли;
б) бажарилиши мажбурий ҳисобланади;
в) ёзма юридик ҳужжат ҳисобланади, баъзи ҳолларда оғзаки шаклда ҳам бўлиши мумкин;

г) ҳуқуқий тартибга солиш фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Улар мавжуд юридик амалиётга ўз таъсирини ўтказади, ҳуқуқий тартибга солишнинг мақсад ва воситаларини белгилаб беради, яъни ҳуқуқий нормаларнинг самарадорлигини таъминлайди.

Умумий шарҳлаш ҳужжатлари ичидаги аутентик шарҳлаш ҳужжатларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар шарҳланаётган нормани ишлаб чиққан органлар томонидан чиқарилади. Мазкур ҳужжатлар расмий тусга эга бўлади.

Казуал шарҳлаш ҳужжатлари маълум бир ҳолат учун мажбурий аҳамиятга эга бўлади. Аммо принципиал масалаларда (айниқса ҳуқуқдаги бўшлиқ ҳолатида) прецедент шарҳлаш муҳим ўрин тутди. Прецедент шарҳлаш маълум бир юридик ишни кўриб чиқиш жараёнида шаклланадиган ва юридик амалиётда тан олинган ҳуқуқий нормаларни талаб даражасида тушуниш ва қўллаш учун ҳуқуқни қўллаш амалиётида ишлаб чиқилган намунадир (махсус юридик журналларда эълон қилинади)¹. Казуал шарҳлаш ҳужжатларидан ҳуқуқни қўллаш фаолиятида фойдаланилади ва ишларнинг қонуний ҳал этилишини таъминлайди, қарорларнинг адолатли ва тўғри қабул қилинишига хизмат қилади.

Казуал шарҳлаш ҳужжатларининг икки тури мавжуд:

- татбиқ этилаётган норманинг фикран англаш жараёни акс этган қисми;
- ҳуқуқни қўллаш ҳужжати мазмунининг таркибий қисми (ҳукмнинг асослантириш қисми).

Казуал шарҳлаш ҳужжатларининг ички мазмунини қабул қилинажак қарорнинг асослантириш элементлари, индивидуаллаштирилган ҳуқуқ қоидалари ташкил этади. Бинобарин, казуал шарҳлаш ҳужжатлари – қонуний асослантириш ҳуқуқий ҳужжатларидир. Қонуний

¹ Қаранг: Общая теория права. Курс лекций / Под общ. ред. проф. В. К. Бабаева. – Н. Новгород, 1993. – С. 13.

асослантирилган ҳуқуқий қоидалар шунинг учун зарурки, ҳуқуқ нормалари ниҳоятда умумий табиатга, маъхум ҳолатга эга бўлиб, ҳуқуқни қўллашда уларни аниқлаштириш талаб этилади. Шу сабабли казуал шарҳлаш ҳужжатлари қўлланиши, муайян аҳамиятга эгаллиги билан бошқа шарҳлаш ҳужжатларидан фарқ қилади.

Казуал шарҳлаш ҳужжатларининг аҳамияти шундаки, улар орқали барқарор қоидалар яратилиб, келажакда ишлаб чиқиладиган ҳуқуқий нормаларни энг мақбул тарзда қўллаш учун намуна бўлиб хизмат қилади.

Суд органлари ҳар бир фуқаролик, жиноий, маъмурий ва бошқа ишларни кўраётганда бу ишларни тегишли ҳуқуқий нормалар билан кўриб, ҳал қилиш чоғида ҳуқуқий нормаларни казуал шарҳлайди. Суднинг ҳар бир фуқаролик иши бўйича чиқарган қарори ёки жиноят ишлари бўйича чиқарган ҳукми ҳуқуқий нормани казуал шарҳлаш асосида амалга оширилади¹.

Шарҳлаш ҳужжатлари маълум бир шаклда ишлаб чиқилади. Шарҳлаш ҳужжатларининг шакли ҳуқуқий норманинг мазмунига сингдирилган давлат амрини (иродаси) изоҳлаш усулидир.

Шарҳлаш ҳужжатларининг ташқи шакли уларни маълум бир ёзма ҳужжатларда ифодалаш усулидир. Шарҳлаш ҳужжатлари ташқи шаклининг белгиларига қуйидагилар киради:

- ҳужжатни ишлаб чиққан органнинг номи;
- ҳужжатнинг номи;
- тартиб рақами;
- санаси;
- шарҳнинг мазмуни ва орган раҳбарининг имзоси.

Шарҳлаш ҳужжатларининг оғзаки шакли ҳуқуқий маданият ва этика нормалари орқали белгиланади.

Ижро этувчи ҳужжатлар ҳуқуқ нормасида мустаҳкамланган кўрсатмаларнинг алоҳида шахс ёки вазиятга нисбатан ижросини ташкил қилишга қаратилган.

Шарҳлаш ҳужжатлари ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш зарурлигининг умумий шарт-шароитлари ва шарҳлаш ҳужжатлари вужудга

¹ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Проф. Ҳ. Т. Одилқориев таҳрири остида. – Т., 2009. – Б. 442.

келишининг муайян ҳолатларидан келиб чиқади. Шарҳлаш ҳужжатлари зарурлигининг умумий шарт-шароитларига қуйидагилар киради:

а) ҳуқуқ нисбий мустақилликка эга бўлиб, жамият устқурмасига таъсир кўрсатади. Ҳуқуқнинг мустақиллиги муайян шаклда ўз ифодасини топади. Унинг нисбийлигининг моҳияти шундаки, ҳуқуқ ижтимоий муносабатларнинг ривожидан ортда қолиши ёки ўзиб кетиши мумкин. Шу сабабли шарҳлаш ҳужжатларини чиқариш зарур бўлади;

б) жамият ва давлатда ҳуқуқни татбиқ этишда қийинчиликлар туғдирувчи ижтимоий зиддиятлар мавжудлиги. Мазкур зиддиятлар шарҳлаш ҳужжатлари чиқариш орқали бартараф этилади¹.

Айрим ҳолларда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун конституциявий нормаларнинг ўзи кифоя қилади, баъзи ҳолатларда эса конституциявий нормаларни аниқлаштириш зарур бўлади. Ана шундай ҳолатларда шарҳлаш ҳужжатлари чиқарилади;

в) шарҳлаш ҳужжатлари зарурлигининг умумий шарт-шароитларидан яна бирининг мавжудлиги юридик амалиётга эҳтиёж зарурлиги билан асосланади.

Ҳуқуқни татбиқ этиш – норматив-ҳуқуқий қоидаларнинг ижтимоий аҳамияти, қадрияти, турли хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳаётга жорий қилишнинг махсус шаклидир. «Ҳуқуқни татбиқ этиш», «ҳуқуқнинг ижтимоий ҳаракати», «ҳуқуқий тартибга солиш» каби ҳуқуқий тушунчалар ижтимоий ҳаётга таъсир этишнинг турли жиҳатларини ифодаловчи категориялар билан бирга қўлланилади². Шунингдек, ҳуқуқни қўллаш фаолияти юридик амалиётнинг энг муҳим таркибий элементи ҳисобланади. Ҳуқуқни қўлловчилар фаолиятининг муҳимлиги ва мураккаблиги улар чиқарадиган ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг қонунийлиги ва асослантирилиши учун алоҳида масъулият юклайди³. Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг қонунийлиги талаблари тўртта муҳим жиҳатни қамраб олади. Буларга қуйидагилар

¹ Қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Т., 1995. – Б. 68–69.

² Қаранг: *Проблемы теории* / Под ред. проф. М. И. Байтина и проф. В. К. Бабаева. – Саратов, 1987. – С. 223.

³ Қаранг: *Тулътеев И. Т., Тастанбекова Г.* Проблемы толкования и прогнозирования в правоприменительной деятельности // Ўзбекистонда ҳуқуқ фанининг ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари. – Т., 2004. – Б. 32.

киради: 1) ишни кўраётган ваколатли орган ёки мансабдор шахсга тааллуқлилиқ, судловга ва бошқа шу каби талабларга амал қилиш; 2) иш бўйича тегишли далиллар тўплаш, ишни кўриш тартибини белгиловчи процессуал нормаларга қатъий амал қилиш; 3) аниқ юридик фактга нисбатан тегишли нормани тўғри юридик квалификация қилиш ва қўллаш; 4) иш бўйича қарор қабул қилиш пайтида қўлланилаётган ҳуқуқ нормасининг диспозиция (санкция)сида кўзда тутилган кўрсатмаларга қатъий риоя қилиш.

Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг асослангилганлиги деганда кўриладиётган юридик ишга тегишли барча ҳолатлар ҳар томонлама ўрганиб чиқилган ва далиллар асосида исботланган бўлиши тушунилади. Чунки, айбдорларни фож этишга эришишда аслида қандай ҳодиса юз берганлиги, жиноятни ким ва қандай ҳолатларда содир этгани аниқланиши лозим. Жиноий ҳодисани исбот қилиш мажбурияти юклатилган суриштирувчи, терговчи, прокурор ҳамда суд учун ўтмиш ҳодисаси бўлганлиги сабабли, унинг барча ҳолатларини фақат исбот қилиш воситаси – далиллар ёрдамида аниқлашлари ва тегишли хулосага келишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддаси биринчи қисмида белгиланишича, «ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва шу ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади»¹. Демак, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ҳужжатлари қонунчилиқнинг талабларини ўзида акс эттириши ва норматив ҳужжатларга мос келадиган бўлиши, муайян органнинг ёки мансабдор шахснинг бевосита фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича чиқарилиши, илмий асосланиши ва бу ҳужжатга расмий тус берадиган зарур реквизитларга эга бўлиши зарур.

Шарҳлаш ҳужжатларига зарурат туғиладиган ҳолатлар кўп бўлиб, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 1999. – Б. 44.

– қонун чиқарувчининг фикри етарли даражада аниқ баён қилиб берилмаганлиги;

– қонунчилик техникасининг етарли даражада такомиллашмаганлиги боис ҳуқуқий нормаларнинг ноаниқлиги;

– юридик сўз ва ибораларнинг ўзига хослиги.

Ҳар қандай қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида шарҳлашга эҳтиёж туғилади. Шу билан бирга, ҳуқуқни шарҳлаш маълум бир ҳолатларда, масалан, қонунларда зиддиятлар ва ноаниқликлар бўлганида амалга оширилади¹. Қонунларни тўғридан-тўғри ўқиб ўрганишда, албатта шарҳлашга ҳожат бўлмайди. Аммо уларни қўллашда норманинг мазмуни, сўз-иборалари аниқ ва тушунарли талқин этилишига эришиш лозим, чунки мазкур иборалар инсон тақдирини ҳал қилади. Субъектив сабабларга кўра, бир киши учун аниқ ва тушунарли бўлган сўз ва иборалар, бошқа киши учун ноаниқ ва тушунарсиз бўлиши мумкин. Шу боис шарҳлаш зарурияти ҳуқуқ нормалари билан ҳақиқийликнинг ўзаро диалектик муносабатидан келиб чиқади.

Ҳуқуқ нормалари умумий ва мавҳум хусусиятга эга бўлиб, у ёки бу жиҳатлари билан ўзаро фарқ қилган кўпдан-кўп муайян вазият, муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади. Вазиятларнинг, муносабатларнинг хилма-хиллиги, юридик хусусиятга эга бўлиши турли-туман масалаларни келтириб чиқарадики, уларга фақат шарҳлаш орқали жавоб топиш мумкин.

Қонунчилик техникасини ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштиришнинг усули (йўл-йўриқлари) сифатида талқин қилиш норматив ҳужжатларнинг тили ва услуби, тузилиши, ҳуқуқий қоидаларни шакллантириш ҳамда баён этиш масалаларини чуқур ўрганиш учун зарурий асос ҳисобланади.

Демак, янги яратиладиган қонунчилик ҳужжатининг амалдаги, фаолият кўрсатиб турган ҳуқуқий организмга раво, силлиқ, тўсқинликсиз қўшилиб кетиши учун шароит яратувчи муайян восита, усул, анъана ва тажрибалар умумлашувига асосланган қоидалар, яъни мукамал қонунчилик техникаси мавжуд бўлиши лозим. Қонунчилик

¹ Қаранг: Общая теория государства и права. Т. 2 / Под ред. проф. М. Н. Марченко. – М., 1998. – С. 324.

техникаси қанчалик пухта ишланган бўлса, республика қонунчилиги шунчалик баркамол бўлади¹.

Қонунчилик техникаси – норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлашнинг ҳуқуқ ижодкорлиги амалиётига таянувчи ва назарий жиҳатдан чуқур мушоҳада этилган қоида ва усуллари тизими бўлиб, норматив-ҳуқуқий қоидаларнинг шакли мазмунига тўлиқ ва айнан мувофиқ бўлишини, норматив материалнинг тушунарли, оддий ҳамда осон шаклда берилиши кузатиб боришга имкон беришини, тартибга солинадиган масалаларнинг бекаму кўст қамраб олинишини таъминлайди².

Қонунчилик такомиллашмаганлиги натижасида ҳуқуқий нормаларнинг тўғри татбиқ қилинишига тўсқинлик қилувчи ҳолатларни аутентик шарҳлаш ҳужжатлари орқали бартараф этиш мумкин. Аутентиклик ҳақиқийликни, дастлабки манбаларга асосланганлигини билдиради³.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари тизимида прокуратура алоҳида ўрин тутиб, у чиқарадиган шарҳлаш ҳужжатларининг хусусиятлари суд органлари томонидан чиқариладиган шарҳлаш ҳужжатларининг хусусиятларига ўхшашдир. Ўзбекистон Республикасининг прокуратура органлари тизими Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар, туманлараро ва бошқа ҳудудий прокуратура органларидан иборатдир. Шунингдек, унга транспорт, ҳарбий, табиат муҳофазаси прокуратуралари ва бошқа ихтисослашган прокуратуралар ҳам киради. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари фаолият кўрсатади⁴.

«...Парламентимиз суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини

¹ Қаранг: *Одилқориев Х. Т.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Т., 1995. – Б. 179–180.

² Ўша манба. – Б. 183.

³ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Проф. Х. Т. Одилқориев таҳрири остида. – Т., 2009. – Б. 420.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. – Т., 2004. – Б. 8–9.

таъминлаш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсли ишларга ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Ўтган беш йил мобайнида қабул қилинган 58 та қонунга мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар янада чуқурлашди. Шу даврда жинсий жазо тизимини либераллаштириш, амалда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш жараёнларига катта эътибор берилди. Адвокатура институти ислоҳ этилди. Суд қарорларини ижро этиш тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди, бутун суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштиришга қаратилган бошқа бир қатор чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилди»¹.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан чиқариладиган шарҳлаш ҳужжатларининг асосийси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруқлари ҳисобланади. Улар норматив ҳужжатлар тоифасига кириб, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, «Прокуратура тўғрисида»ги қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига асосланади. Бош прокурорнинг буйруқлари прокуратура органлари тизимининг фаолиятини, прокурорлик назоратини ташкил этиш ҳамда ходимларни моддий ва ижтимоий таъминлаш чораларини амалга оширишнинг асосий, долзарб масалалари бўйича чиқарилади. **Прокурор назорати** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, назорат органлари, ҳокимлар кимга бўйсунушидан, кимнинг тасарруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлаш, ҳар қандай қонун бузилиши, унинг сабаблари ва шарт-шароитларига ўз вақтида барҳам бериш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ҳамда айбдорларни белгиланган тартибда қонуний жавобгарликка тортиш йўли билан давлат номидан амалга ошириладиган фаолиятдир².

¹ Каримов И. А. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир // Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т., 2010. – Б. 10–11.

² Қаранг: Тоҗихонов У., Одилқориев Ҳ. Т., Саидов А. Х. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. – Т., 2001. – Б. 656–657.

Прокуратура органлари судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қўллаб-қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ҳамда хўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш орқали шарҳлаш ҳужжатлари чиқариши мумкин. Шу боис, судлар фаолиятида асосий эътибор қонунийлик ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш жараёнида қабул қилинган қоидаларни амалиётга татбиқ этишдан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришга қаратилмоқда¹.

Прокуратура органларининг юқорида тилга олинган фаолияти ва бу фаолиятни амалга ошириш усуллари тегишли қонунларда аниқ ва равшан белгилаб берилган. Масалан, прокурорнинг судда иштирок этиши – Жиноят, Фуқаролик ва Хўжалик процессуал кодексларида, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда, жиноят ишларини тергов қилиш фаолияти – Жиноят-процессуал кодексда, озодликдан маҳрум этиш, қамоққа олинганлар ва жиноий жазоларни қўллаш фаолияти бўйича назорат ваколоти – Жиноят-ижроия кодексда белгиланган. Прокурор талаблари бажарилишининг мажбурийлиги ва прокурорнинг ўз ваколатларини монеликсиз амалга ошириши қонун билан кафолатланган. Прокуратура органларининг ўз вазифасини бажаришига тўсқинлик қилиш ва прокурорнинг талабларини бажармаслик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 197-моддасига мувофиқ жавобгарликка олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари (индивидуал хусусиятга эга ҳужжатлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига зид бўлса, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарори асосида бекор қилинади (Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонунининг 13-моддаси)². Шунингдан чикармаслик лозимки, прокурор назорати соҳалари, бир-биридан

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари. – Т., 2009. – Б. 3.

² Ўзбекистоннинг янги қонунлари. – Т., 2004. – Б. 11.

ажратилган алоҳида қисмлар эмас, улар ҳар хил йўналишларни кўзда тутувчи, бир-бири билан ўзаро боғлиқ, ягона прокурорлик фаолиятидир, улар орқали қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан чиқариладиган шарҳлаш ҳужжатлари ўз мазмунига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларига ўхшаб кетади. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси томонидан чиқариладиган шарҳлаш ҳужжатлари буйруқ, йўриқнома ва шу кабилардагина эмас, балки вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилишда ҳам ўз ифодасини топади. Шу сабабли ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш прокурор назорати ҳужжатларининг самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Прокурор назорати ҳужжатларида қонунларга берилган шарҳлар қанчалик тўғри ва ишончли бўлса, назорат ҳужжатлари шунчалик қонуний бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида қонунчилигимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, айниқса қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокуратура органларидан олиниб, судлар зиммасига ўтказилиши прокуратура органлари томонидан чиқариладиган шарҳлаш ҳужжатларининг мазмунига ҳам жиддий ўзгартишлар киритилишини талаб этмоқда.

3-§. Ички ишлар органлари фаолиятида ҳуқуқни шарҳлаш ҳужжатлари

Юриспруденция соҳасидаги тадқиқотчилар олдида ҳуқуқ назарияси ва амалиётида фундаментал тадқиқотларнинг янги қирралари вужудга келмоқда. Шулардан бири ички ишлар органлари фаолиятида ҳуқуқни шарҳлаш масаласидир.

Маълумки, ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлат-

нинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат.

Умуман олганда, ички ишлар органи ҳуқуқий тартибнинг муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган функцияларни бажаради, яъни:

– инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулкчилик шаклларида қатъи назар, объектларни ҳимоя қилиш, жамоат тартибини ва ижтимоий хавфсизликни таъминлаш чораларини ишлаб чиқади ва юзага чиқаради;

– жинойтлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, жинойтларни очиш ва тергов қилиш чора-тадбирларини белгилайди ва амалга оширади.

Ички ишлар органи зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда ҳуқуқни татбиқ этади, ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратади. Бир сўз билан айтганда, ички ишлар органлари ҳуқуқни татбиқ этиш механизмида ўзига хос ўрин тутди.

Ички ишлар органлари касбий фаолиятининг асосий мазмунини ҳуқуқни қўллаш ташкил этади. Ҳуқуқни қўллаш жараёнининг ажралмас таркибий қисми ва зарурий шарти ҳуқуқни шарҳлашдир. Амалиёт ходимларининг ҳуқуқни тушуниш ва тушунтиришнинг амалий ва назарий жиҳатларини мукамал билиши ҳамда ўз фаолиятида қўллаши ўта муҳимдир.

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маҳорати қонунийлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, шунингдек кўриб чиқиладиган фаолиятнинг бошқа принципларига оғишмай амал қилиш шароитида, жинойтларни очиш ва уларнинг олдини олиш ҳамда ҳимоячиларни қидириш бўйича зиммаларига юкланган вазифаларни лозим даражада амалга ошириш учун зарурий шароитдир¹.

Лекин амалиётда ҳуқуқни қўлловчи органлар томонидан ҳуқуқий нормалар нотўғри қўлланилиши ҳолатлари учраб турибди. Н. Исмоиловнинг таъкидлашича, «...МЖТКнинг 249–268-моддаларида бир

¹ Қаранг: Саитбаев Т. Р. Ички ишлар органларининг оператив таркибини касбга ўрнатишни такомиллаштириш йўллари // Ўзбекистонда ҳуқуқ фанининг ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари. – Т., 2004. – Б. 181.

неча давлат органларига (мансабдор шахсларига) маъмурий-ҳуқуқий ваколат берилган. Ушбу органларга тегишли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти ўрганилганда, маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби бўлмаса-да, жавобгарликка тортиш ҳолатлари аниқланган. Жумладан, бундай салбий ҳолатлар республикамизнинг Тошкент (5), Андижон (6), Фарғона (9), Сирдарё (12), Самарқанд (14), Қашқадарё (18), Сурхондарё (25), Наманган (37), Бухоро вилоятлари (94) ва Тошкент шаҳрида (143) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида кузатилиб (29), жами 392 тани ташкил этган. Бу эса мазкур органлар мансабдор шахсларининг бу борадаги юридик билим даражаси (ёки маълумоти)нинг етарли эмаслигини кўрсатади»¹.

Юқорида келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, ҳуқуқни қўлловчи субъектнинг ҳуқуқий билими кам бўлса, ҳуқуқни шарҳлаш қоидаларини билмайди, натижада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зид қарорлар қабул қилади.

Шарҳлаш ҳуқуқни қўллаш жараёнида мустақил бир босқични ташкил этиб, ҳуқуқ нормасининг умумий мазмунини муайян бир ҳаётий ҳолатга татбиқ этган ҳолда аниқлаш мақсадига хизмат қилади. Моддий ҳуқуқ нормаси ҳуқуқни қўллаш ҳужжатининг мазмунини бевосита эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар фаолияти орқали белгилаб беради².

Ҳуқуқни шарҳловчи субъект ҳуқуқий норма татбиқ этилаётган шарт-шароит ва омилларни ҳисобга олиши лозим бўлади. Бу энг аввало баҳоловчи, масалан, «узрли сабаблар», «кўп бўлмаган зарар», «катта миқдордаги зарар», «охирги зарурият» каби атамаларни шарҳлашга тааллуқлидир.

Ҳуқуқни қўлловчи субъект ўз касбий фаолиятида баҳоловчи тушунчаларни ўзида мужассамлаган ҳуқуқий нормалардан фойдалан-

¹ *Исмоилов Н. Т.* Маъмурий жаримани қўллаш асослари ва тартиблари хусусида баъзи фикрлар // *Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг назарий-амалий муаммолари.* – Т., 2006. – Б. 249.

² Қаранг: *Гранат Н. Л.* Социологический способ толкования права и проблемы усмотрения в правоприменительной деятельности в правоохранительной сфере. – М., 1991. – С. 51.

ганида мазкур ҳолатлар аниқлаштиришни талаб этади. Албатта, қонунчиликда, Олий суд Пленуми қарорларида бундай атамаларни аниқлаштиришга қаратилган тушунтиришлар берилади. Шунга қарамай, уларда ҳар бир ҳаётий ҳолат учун ҳар доим жавоб топилмайди. Шу сабабли, ҳуқуқни қўлловчида ўзининг касбий маҳорати, ҳуқуқий онги ва дунёқараши нуқтаи назаридан ҳуқуқни шарҳлашга эҳтиёж мавжуд бўлади.

Айнан шундай нормалар ҳуқуқни қўлловчи субъектнинг у ёки бу ҳаракатни содир этишига йўл қўяди, айтилиши вақтда, ҳуқуқни қўлловчи субъектга ҳар бир аниқ ҳаётий ҳолатда, қонун доирасида, лекин ўз нуқтаи назаридан туриб йўл тутиши учун эркинлик яратади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 85-моддасида иш бўйича исбот қилиш тартиби мустаҳкамлаган. Унга кўра, исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборатдир. Агарда ҳуқуқни қўлловчи органлар айбни исботлаш учун етарли далиллар тўплай олмасалар, шахс айбсиз деб топилиши ва жиноят иши тугатилиши лозим.

Жиноят ишларини тугатиш кафолатлари ЖПКнинг 83-моддасида кўзда тутилган реабилитация учун асослар билан бевосита боғлиқдир. Унга кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи қуйидаги ҳолларда айбсиз деб топилади ва реабилитация этилиши лозим: *биринчидан*, иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса; *иккинчидан*, унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса; *учинчидан*, унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса. Бунда терговчи, прокурор ёки суднинг нуқтаи назарига йўл қўйилмайди.

Реабилитация асосларисиз, яъни айблилик масаласини ҳал этмасдан ҳамда томонларнинг келишуви бўйича жиноят ишини тугатишда ҳуқуқни қўлловчи субъектларнинг нуқтаи назари ҳал қилувчи аҳамият касб этади¹.

¹ Қаранг: Камалходжаев Д. Конституционные гарантии прекращения уголовных дел // Конституция ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари. – Т., 2003. – Б. 152.

Юриспруденцияда дастлабки тергов идоралари томонидан ҳуқуқни шарҳлаш, уларнинг турлари масаласи муҳимдир. «Судгача бўлган иш юритишда қонунни шарҳлашнинг икки таркиби кенг тарқалган: *биринчидан*, дастлабки терговни амалга оширадиган шахсининг, шунингдек гумон қилинувчининг, айбланувчининг, уларнинг ҳимоячиларининг ва жинойт процесси бошқа иштирокчиларининг фикрлаш жараёнини ташкил этадиган ҳуқуқий нормаларнинг моҳиятини тушунтириш; *иккинчидан*, шарҳланаётган нормаларда ижро этилиши мажбур бўлган расмий ҳужжатларни чиқаришга ваколатли давлат органларининг махсус фаолиятини ташкил этадиган ҳуқуқ нормаларини тушунтириш»¹.

Ҳуқуқни шарҳлаш назариясида тан олинган фикрга кўра, ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқнинг шарҳланиши расмий шарҳлаш кўринишида бўлади.

Турли давлат органларининг ҳуқуқни шарҳлаш ҳужжатларида мужассамланган расмий шарҳлаш натижалари ички ишлар органлари ходимлари ҳуқуқни татбиқ этишда қийинчиликка учраганида уларни қидириб топиш ва ўрганишга имкон яратади. Ички ишлар органларининг амалий фаолиятида расмий шарҳлаш ҳужжатларисиз ҳал қилиш қийин бўлган ҳаётий воқеалар кўп учрайди. Расмий шарҳлаш ҳуқуқий ҳужжатларни бир хилда тушуниш ва қўллаш учун шароит яратади, умумий ҳуқуқий фаолиятда қонунийликни таъминлайди.

Ички ишлар органларида расмий шарҳлаш субъектларини қуйидагилар ташкил этади:

а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ваколатига эга органлар ва мансабдор шахслар (аутентик ва шарҳлашга ваколат олган субъектлар);

б) ички ишлар органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган, улар учун расмий шарҳлаш мажбурият ҳисобланган, ҳуқуқни қўллаш фаолиятини амалга оширувчи ички ишлар органлари ходимлари (суриштирувчи ва терговчилари), лицензия-рухсат бериш тизими ходимлари, хорижга

¹ Саидов Б. А. Шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг назарий муаммолари // Жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашнинг назарий-амалий муаммолари. – Т., 2006. – Б. 21.

чиқиш-кириш хизмати ходимлари, шунингдек ички ишлар органлари штаблари, пост-патруль, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари.

Расмий шарҳлаш субъекти у ёки бу мақсадга эришишга интилиб, турли ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини таҳлил қилиши ва талаб этилганини танлай олиши лозим. У зарур нормани танлашда қуйидаги принципларга амал қилиши керак:

а) танлаб олинган норма қўйилган мақсадга эришиш учун мос келиши;

б) танлаб олинган нормадан мақсадга эришиш учун қанчалик талаб этилса, шундай равишда фойдаланиш талаб этилади;

в) агарда субъект олдида мақсад қўйилган ва унга эришиш мумкин деб ҳисобланса, унинг татбиқ этилиши, қўйилган мақсадга эришиш учун зарур бўлган тегишли воситалар тўлиқ ҳажмда, ҳатто матн доирасидан кенгроқ равишда тадқиқ этилиши талаб этилади;

г) мақсадга эришиш учун мос келган ва танланган ҳуқуқий норма қўшимча таҳлилсиз қўлланиши мумкин эмас¹.

Ҳуқуқий нормаларни ҳаётга татбиқ этиш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунини ёритиб бериш, яъни ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунига кириш керак бўлади. Бу юридик шарҳлаш орқали амалга ошади. Юридик шарҳлаш барча ҳуқуқни қўлловчи субъектлар томонидан амалга оширилади.

Ички ишлар органлари юридик шарҳлаш асосида ҳуқуқ, ҳуқуқий нормалар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлади. Ҳуқуқий воқелик жамиятда фақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжудлиги билан чекланиб қолмайди. Ички ишлар органларида юридик шарҳлашнинг аҳамияти шундаки, *биринчидан*, у нормада мужассамланган ҳокимият иродасини англаш ва тушунтириш воситаларидан бири ҳисобланади; *иккинчидан*, юридик шарҳлаш ҳуқуқий нормаларнинг тўғри татбиқ этилиши учун шарт-шароит яратиб беради; *учинчидан*, юридик шарҳлаш мамлакатнинг бутун ҳудудида ҳуқуқнинг бир хил тушунилишини таъминлайди; *тўртинчидан*, юридик шарҳлаш давлат

¹ *Мирошников Е. Г.* Официальное толкование права и его значение в деятельности органов внутренних дел. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2000. – С. 8.

органлари ва мансабдор шахслар томонидан ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқий ҳодисаларни таҳлил этиш, малакалани ва қарорлар чиқаришда муҳим бўғин ҳисобланади; *бешинчидан*, қонунчилик, ҳуқуқни қўллашда мавжуд бўшлиқ ва бошқа ҳолатларни бартараф этишга, шу орқали ҳуқуқ ва қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдиришга ёрдам беради; *олтинчидан*, юридик шарҳлаш аҳолининг ҳуқуқий тарбияси ва ҳуқуқий маданиятини оширишда самарали восита бўлиб хизмат қилади; *саккизинчидан*, юридик шарҳлаш орқали алоҳида олинган ҳуқуқий ҳужжатларни бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан солиштириб кўриш орқали улардаги фарқларни аниқлаш ва шу орқали ҳуқуқ тизимининг ягоналигини таъминлаш мумкин бўлади; *саккизинчидан*, айнан юридик шарҳлаш, жамиятдаги ҳуқуқий нормалар, юридик амалиёт, ҳуқуқий онгни таҳлил этиш орқали ҳуқуқшунос олимлар амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклиф, ғоя, концепция ва назарияларни илгари суришлари мумкин бўлади¹.

Ички ишлар органлари фаолиятида шарҳлаш муаммоларини кўриб чиқишда шарҳлашнинг нафақат юридик, балки ижтимоий моҳиятини ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади, чунки ҳуқуқ нормаларининг ижтимоий моҳиятини очиқ бериш уларнинг тўғри қўлланишини бевосита таъминлаб беради. Бу ўринда сўз қонунларда ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда жамиятимизнинг бугунги ривожланиш жараёнини акс эттириш ҳақида бормоқда. Қонунлар жамият ҳаётининг объектив шарт-шароитларига мос келиши, улардан ўзиб кетиши ёки орқада қолиши мумкин. Мазкур ҳолатларни ўз вақтида аниқлаб, уларни жой-жойига қўйишга ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш орқали эришиш мумкин. Чунки, бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий ислоҳотлар изчил давом этмоқда, ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий тартибга солиш механизми, юридик муассасалар тизими, юридик амалиёт, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий сиёсат, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий маданият ва шу каби ҳуқуқий тизимнинг барча таркибий қисмлари бир бутун механизм сифатида модернизация қилинмоқда.

¹ Қаранг: *Березина Е. А.* Толкование договора как вид юридического толкования. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2001. – С. 13-14.

Шу ўринда, олдимизда турган барча муаммо ва вазифаларни ечишда «Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун»¹ деган теран маъноли фикрни асло унутмаслигимиз керак. Бунда сўз ва матбуот эркинлиги ҳимояси, оммавий ахборот воситаларига оид қонунчилик меъёрлари янги қарашлар асосида талқин этилиши, аниқроғи, уларга мукаммал ҳуқуқий шарҳлар берилиши зарур бўлади².

Ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар сифатида ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида фаол иштирок этиб, қонун ости шаклида ҳуқуқий нормалар (буйруқлар, йўриқномалар, кўрсатмалар) ишлаб чиқадилар.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ҳужжатлари расмий ва норасмий хусусиятга эга бўлади. Ички ишлар органлари шарҳлаш ҳужжатларини таҳлил қилиш қуйидаги сабабларга кўра мураккабдир: 1) ички ишлар органларининг фаолияти ҳокимият ваколатига эга бўлиб, бунда давлат мажбурлов чоралари қўлланилади; 2) ички ишлар органлари ходимларига берилган ҳокимият ваколатлари улар томонидан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар ва қабул қилинаётган қарорлар учун юқори даражадаги масъулият юклайди.

Ҳуқуқни қўлловчи ходимлар дунёқарашлари кенг, ҳар томонлама билимли ва киришимли бўлишлари лозим. Ички ишлар органларининг ходимлари ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг олдинги сафида бўлар эканлар, ўз шахсий фазилатлари билан барчага ўрناк бўлишлари керак. Ички ишлар органларининг ходимлари қайси лавозимда хизмат қилишларидан (профилактика инспектори, жиноят қидирув ходими, йўл-патруль хизмати инспектори, терговчи ва бошқа касб эгаси бўлишидан) қатъи назар, улардан махсус билим ва шахсий кўникмаларга эга бўлиш талаб этилади.

Ички ишлар органлари томонидан чиқариладиган ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш ҳужжатлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир тури ҳисобланади. Чунки, улар Олий суд Пленуми қарорларига

¹ Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Т., 2006. – Б. 63.

² Қаранг: Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилиш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. – Т., 2005. – Б. 239.

ўхшаб шарҳлаш ҳужжатларини алоҳида чиқармайдилар. Яъни, ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган шарҳлаш ҳаракатлари, улар томонидан чиқариладиган норматив ҳужжатларнинг мазмунига сингиб кетади. Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг кўпчилиги махсус чекловчи грифга эгалиги, уларни умумназарий нуқтаи назардан очик равишда тўлиқ таҳлил этиш имконини бермайди. Шу боис Ички ишлар вазирлиги томонидан чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатларни, жумладан шарҳлаш ҳужжатларини таҳлил этишга бағишланган махсус тадқиқотлар ҳозиргача олиб борилмаган.

Сўровномада берилган «қуйида келтирилган омиллардан қайсилари юридик шарҳлашнинг сифати ва самарадорлигига қай даражада таъсир кўрсатади» деган саволга респондентларнинг 21,4 фоизи ҳар бир қонунга расмий шарҳ чиқаришни қўллаб-қувватлашди. Шундай экан, ИИВ томонидан чиқариладиган шарҳлаш ҳужжатларининг таҳлилининг Вазирликнинг ҳуқуқий ҳужжатлари билан бирга олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг иш тартиби, вазифалари, ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти конституциявий ҳамда қонуний асосда амалга оширилади. ИИВнинг ўзига хос муҳим хусусияти унинг фаолияти норматив хусусиятга эгалигидадир. Бу хусусият унинг қонун нормаларини ижро этиши юзасидан ҳуқуқий ҳужжатлар яратишида намоён бўлади.

2001 йил 21 мартда «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Президентининг фармони қабул қилиниши катта аҳамиятга эга. Унда ички ишлар органлари тизимидаги камчилик ва муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари, улар олдидаги долзарб вазифалар аниқ-равшан кўрсатиб берилди¹.

Ички ишлар органлари тизимидаги тергов ходимларининг фаолиятида ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш алоҳида аҳамият касб этади:

биринчидан, терговчи ўз хизмат фаолиятида амалдаги қонунчилик ҳамда расмий ва норасмий тушунтиришлар, кўрсатма ва йўриқ-номалар беришдан фойдаланади. Шу жиҳатдан, шарҳлаш ҳужжат-

¹ Қаранг: Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. – Т., 2005. – Б. 198.

лари юридик нормаларни тўғри англаш ва қўллашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқни шарҳлаш тергов ишига ташқи таъсир ўтказди;

иккинчидан, терговчи хизмат жараёнида ҳуқуқ нормаларини қўллар экан, расмий ва норасмий шарҳлаш ҳужжатларидан фойдаланибгина қолмай, ўзи ҳам амалдаги қонунчиликни шарҳлайди ва шарҳлаш ҳужжатлари чиқаради. Шу боис ҳуқуқни шарҳлаш ҳуқуқни қўллашга мос келади ва унинг натижаларига боғлиқ бўлади¹.

Тергов ходимлари томонидан чиқариладиган шарҳлаш ҳужжатларининг юридик табиати тўғрисидаги масала катта аҳамиятга эга. Тергов фаолиятида ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ҳуқуқни қўллаш жараёнида, аниқроқ айтганда, унинг маълум босқичида, яъни юридик адабиётларда кўрсатилганидек, «кўрилаётган ишга мос келадиган ҳуқуқ нормасини танлашдир»². Чунки, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари ҳуқуқни шарҳлаш элементларини ўзида мужассам қилади. Шунинг учун терговчи томонидан яратилган ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларига терговчи томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш фаолиятининг натижаси деб қарамоқ лозим.

Дастлабки тергов жараёнида яратиладиган процессуал ҳужжатлар у ёки бу даражада амалдаги қонунчиликни шарҳлашни ўзида мужассам этади. Чунки, аксарият ҳолларда ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилган шахс жиноят процессининг судгача бўладиган босқичларида суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органларнинг қарор ва ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Шу сабабли ички ишлар органлари тергов ходимлари иш юритиш пайтида қабул қилинган процессуал қарорлар ва амалга оширилган процессуал ҳаракатларнинг қонунийлиги ва асослилигини шарҳлашлари зарур бўлади.

¹ Қаранг: *Вопленко Н. Н.* Следственная деятельность и толкование права. – Волгоград, 1978. – С. 65.

² Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Проф. Ҳ.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Т., 2009. – Б. 416.

ХУЛОСА

Ҳуқуқни шарҳлаш – давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва бошқа субъектларнинг ҳуқуқ нормалари мазмунини аниқлаш, уларда ифодаланган мақсад, ирода ва мазмунни, қоидалар маъносини очиқ беришга қаратилган махсус фаолиятни қамраб олувчи институтдир. Шарҳлаш ижодий фаолият бўлиб, бу жараёнда ҳуқуқнинг ўзига хос жиҳатлари англади, ҳуқуқ нормаларида ифодаланган кўрсатмаларнинг моҳияти аниқланади. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш – мураккаб, кўп қиррали фаолият.

Ҳуқуқни шарҳлаш натижасида унинг мазмуни, ижтимоий вазифаси, амалий аҳамияти аниқланади ва тушунтирилади. Шарҳлашнинг мақсади қонун чиқарувчи органнинг ҳуқуқ нормасида белгиланган мақсади, иродаси ва вазифаларини ифодалаш, ҳуқуқ нормасининг асл мазмун-моҳиятини ёритиш ҳамда ҳуқуқ нормасининг бир маънода, бир хилда тушунилишига эришишдан иборат.

Шарҳлаш заруратини юзага келтирадиган объектив омилларга қуйидагиларни киритиш зарур: ҳуқуқ нормаларининг позитив номуайянлиги ва улар билан тартибга солинадиган маълум бир ҳаёт шароитларининг ранг-баранглиги; ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатлар ривожланишидан ортида қолиши; қонун билан қамраб олинмаган ижтимоий муносабатлар соҳаларининг мавжудлиги; ҳуқуқ тилининг ўзига хослиги; ҳуқуқда мантиқий-структуравий нуқсонлар учраши (ҳуқуқдаги камчиликлар, нормалар ўртасидаги коллизиялар, керагидан ортиқ даражада ҳуқуқий тартибга солиш, юридик ва терминологик конструкцияларнинг мукамал эмаслиги ва ш.к.). Субъектив омилларга шарҳлаш субъектларининг ҳуқуқий онг даражаси, ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий (касбий) тажрибаси ва бошқа шахсий фазилатларида акс этувчи хусусиятлар киради.

Шарҳлаш – аксарият ҳолларда ҳуқуқий қоидада ифодаланган ахборотнинг тўлиқ ва етарли эмаслиги, аниқ баён этилмагани билан боғлиқ информатсион ноаниқлик шароитида ҳуқуқ субъекти томонидан қарор қабул қилиш усулидир. Бунда у норма яратишда йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш воситаси сифатида амал қилади. У қонун чиқарувчи органнинг ҳақиқий иродасини ифодалаш мақсадида амалга оширилади ва билиш жараёнини оқилона даражада

давом эттиришни назарда тутеди. Шарҳлаш ҳуқуқий билиш жараёни ҳисобланади, у юридик аҳамиятга молик оқибатларга олиб келувчи қарор қабул қилиш учун зарур ахборот заминини яратишга кўмаклашади. Бунда шарҳлаш доирасини ҳуқуқий нормалар, уларнинг маъноси ва мазмуни билангина чеклаш тўғри бўлмайди. Нормативни, қонунчилик принциплари маъноси, умуман ҳуқуқнинг мазмуни тўлиқ шарҳланади.

Ҳуқуқий тушунча ва атамаларнинг бир хилда шарҳланишини таъминлаш юридик амалиётнинг муҳим муаммоларидан биридир. Бундай бир хилликнинг йўқлиги эса қонун ҳужжатларини қўллашда тафовутларга олиб келиши мумкин. Ҳуқуқий терминология бир хилда идрок этилишини таъминлашга қуйидагилар кўмаклашади:

– атама ва унга мувофиқ келувчи ҳуқуқий таъриф барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бир хилда талқин этилиши лозим;

– қонуности ҳужжатларининг атама ва таърифлари қонунларда мустаҳкамланган тушунчалар билан мувофиқ келиши даркор;

– қонунчилик терминологияси Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган халқаро ҳужжатлар терминологиясига зид бўлмаслиги керак;

– юридик атама ҳаммага маълум тушунчани ўзгартириб, умумий муомалада бўлган сўздан мутлақо бошқача маънода қўллашгача кенгайтирилиши мумкин эмас;

– ҳуқуқий тушунчаларни жорий этишда сўзларнинг хоссаларини ёдда тутиш ва ҳуқуқий конструкциялар матнини тузишда улардан тўғри фойдаланиш, матнни ҳуқуқ нормалари маъносини тушунишга халал бериши мумкин бўлган синонимлар, нисбий тушунчалар билан тўлдириб юбормаслик лозим.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
КИРИШ.....	4
I боб. ҲУҚУҚНИ ШАРҲЛАШ АСОСЛАРИ.....	6
1-§. Ҳуқуқни шарҳлаш категориясининг шаклланиши, моҳияти ва мазмуни.....	6
2-§. Ҳуқуқни шарҳлаш усуллари	12
3-§. Ҳуқуқни шарҳлаш турлари ва ҳажми.....	21
II боб. ҲУҚУҚНИ ТАТБИҚ ЭТИШДА ШАРҲЛАШНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ.....	31
1-§. Шарҳлаш – ҳуқуқни татбиқ этишнинг муҳим босқичи.....	31
2-§. Шарҳлашнинг ҳуқуқий онг ҳамда маданиятга таъсири	38
3-§. Замонавий ҳуқуқий тизимларда ҳуқуқни шарҳлашнинг ўзига хос жиҳатлари	47
4-§. Шарҳлашнинг ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти учун аҳамияти	56
III-боб. СУД ҲОКИМИЯТИ ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚНИ ШАРҲЛАШ... 69	69
1-§. Суд ҳокимияти органлари фаолиятида ҳуқуқни шарҳлаш	69
а) Ҳуқуқни шарҳлаш – Конституциявий суднинг асосий функцияси....	69
б) Суд органларининг ҳуқуқни шарҳлаши.....	77
2-§. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлашнинг хусусиятлари	80
3-§. Ички ишлар органлари фаолиятида ҳуқуқни шарҳлаш ҳужжатлари	89
ХУЛОСА.....	99

юримдик фанлар номзоди
Гулчехра Садановна Тастанбекова

ҲУҚУҚНИ ШАРҲЛАШ

Ўқув қўлланма

Муҳаррир С. А. Раззоқов
Техник муҳаррир Д. Р. Джалилов

Босишга рухсат этилди 17. 11. 2016 й. Нашриёт-ҳисоб табағи 6,0
Адади 30 нусха. Буюртма № .

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
1000197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.